



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

*21 октябрь – Ўзбек тили
байрами кун*

*“Тил кишини
иззатли қилади,
киши тили билан
бахтли бўлади...”*

“Кутадғу билик” дан.



МИЛЛАТ БОРЛИГИНИНГ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш масаласини биз миллий ўзликимизни англаш, миллат руҳини сақлаб қолиш, ёруғ келажакимизни таъминлашнинг энг муҳим омили, деб биламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига табригидан

21 октябрь санаси шубҳасиз, қутлуғ саналардан бири. Зеро, бу кунда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилиниб, мустабид тузум ҳукмронлиги давридаёқ халқимизнинг ўзига хос жасорати тимсолига айланган эди. Ва шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, бу ҳужжат ўз вақтида халқимизнинг Истиқлолга бўлган умид-ишончини, миллий гурур туйғусини кучайтирди, Мустақиллигимизнинг ўзига хос пойдевори вазифасини бажарди десак, асло муболага бўлмайди. Ҳали собиқ Иттифоқ таркибидаги Республикаларга ўз эркини беришни ҳаёлига ҳам келтирмаган бир даврда Ўзбекистонда тил тўғрисида қонун қабул қилиниши аксарият кишиларга ёзда ёққан қордек таъсир қилган эди. Улар бунини тасаввурларига ҳам сиздира олмаган эдилар. Чунки, ўша даврларда миллат, тил, ўзлик, мустақиллик ҳақида сўз айтишнинг ҳам ўзига яраша хатарлари бор эдида. Шундай даврда ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилиниши бу том маънода миллат зиёлилари ва уларнинг жонбозликларини инобатга олган ҳукумат раҳбарларининг галабаси эди.

Статистик маълумотларга кўра жаҳонда бугунги кунда 7000 дан зиёд тил мавжуд бўлиб уларнинг фақатгина 200 га яқинида давлат тили ёки расмий тил мақоми мавжуд экан. Шу пайтга қадар 9000 дан ортиқ тил мутлоқ йўқолиб кетганлиги ҳам бор гап. Чунки, гаплашувчилар сонинг камайиб кетиши, тилнинг бойимаслиги, ҳаракатланмаслиги унинг ўлими сабабларидандир. Бирор бир тилнинг яшаб қолишини таъминлаш учун ун-

дан камида 1 миллион киши фаол фойдаланиши керак, дейди соҳа ўрганувчилари. Ками кўпи бугунги кунда Ер юзиде 50 миллионга яқин аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Бу ҳам тилимиз пойдорлигининг далолатидир.

Шунинг учун ҳам жамият ҳамда халқ тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлигини, уларнинг миллий манфаатларини таъминлашдай олий мақсадни бирламчи бурчи деб билган давлат ўз ҳудудида миллий тилни давлат тили мақомига кўтариши, унинг тириклиги муҳофазаси ҳамда ҳар тарафлама камолоти учун қайғуриши қонуний ва ҳаққоний заруриятдир.

Бугун юртимизда халқ ва миллатнинг борлиги мезони бўлган ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилган қонуннинг имзоланганига 34 йил бўлди. Бу бир томондан олиб қараганда ўзбек тилининг том маънода давлат тили мақомига эришиши учун етарли муддат. Ўтган давр мобайнида бу борада қатор фармонлар, қарорлар эълон қилинди. Айниқса, Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрьдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.



21 OKTABR
O'ZBEK TILI
BAYRAMI KUNI

Мазкур Фармонда:

2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида амалдаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳудудларини кенгайтириш ёки янги қуриладиган муассасалар ҳисобига ўзбек тилли гуруҳлар қамровини 72 фоизга, 2030 йилгача эса 80 фоизга етказиш;

олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар 120 тага, 2030 йилгача эса 140 тага етказиш;

2020 йилда ўзбек тилининг лугат бойлигини оширувчи 15 та лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли лугатлар яратиш;

2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун 14 та онлайн дастур ишлаб чиқиш, 2030 йилгача эса ушбу кўрсаткични 25 тага етказиш;

2030 йилга қадар хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини амалдаги 17 тадан 60 тагача кўпайтириш;

хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили курсларини зарур илмий, ўқув-услубий, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий тадқиқотлар миқдорини ошириш каби асосий йўналишлар назарда тутилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.10.2019 йилдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги яна бир фармонида 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланди. Она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилди. Янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган Атамалар комиссияси ўз ишини бошламоқда. Яқин келажакда “Давлат тили ҳақида”ги қонунни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, янада такомиллаштириш ишлари ҳам



қўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 10 февральдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тилимизнинг миллат ҳаётидаги аҳамияти Конституция даражасида мустаҳкамланиб янгиланган Бош Қомусимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”, деб белгилаб қўйилди.

Бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчасида аввало халқ фикри энг асосий мезон сифатида олиниб, барча муҳим ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий қарорлар юртдошларимиз билан бамаънаво равишда қабул қилинаётгани фуқароларда ижтимоий фаоллик ҳиссини кучайтирмоқда. Кўпгина долзарб масалалар қатори, давраларда давлат тили, миллий ғурур, орият, тарих ва қадриятлар ҳақидаги қизғин баҳс-мунозараларга барчамиз шоҳид бўлиб турибмиз.

Тилга бўлган эътибор, унинг миллат ҳаётидаги аҳамияти ҳамма даврларда ҳам муҳим саналган. Ҳазрат Навоий бежизга ““Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”, дея таъкидламаган, ёки миллатпарвар зиёли Абдулла Авлоний бир аср аввал тилнинг миллат ҳаётидаги моҳиятини “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, деб бонг урмаган эди. Демакки, миллий руҳ, миллий онг, миллий маънавият, миллий маданият каби тушунчаларнинг таянч устуниси, дояси ва тиргаги она тилидир.

Отабек ПОЁНОВ,

ҳуқуқшунос, Қашқадарё вилояти
Юридик техникуми ўқитувчиси.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Убайдулла МИНГБОЕВ

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Худойкул АЗИЗОВ

Илхом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Бехзод МЎМИНОВ

Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 27.10.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.

Буюртма № 12. Адади 1900.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА**КУН МАВЗУСИ****6****КЎНГИЛ ХАЗИНАСИНИНГ ҚУЛФИ****7****“ОНА ТИЛИ – УМУММИЛЛАТ МУЛКИ”****ТАРИХ ВА БУГУН****8****ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО****12****РАҚАМЛИ ДУНЁ****РАҚАМЛИ ФРАНШИЗИНГНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАЪМИНЛАШ****ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ****15****ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ
ШВЕЦАРИЯЧА УСУЛИ****18****ТАДҚИҚОТ****СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ
ИШТИРОКИ:
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ****МУШОҶАДА****20****ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ
ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ
ИСТИҚБОЛЛАРИ****22****ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ****СУД ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ
ЭТИЛИШИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

24

МАҲАЛЛА ВАКОЛАТЛАРИ
ДОИРАСИДА ИНСОННИНГ
ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИ

42

АСОРАТЛИ БИТИМ ТУШУНЧАСИ ВА
УНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС
ДЕБ ТОПИШ

26

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ ВА
КРИМИНАЛИСТИКА

44

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА
ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ
ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

ИБРАТ

29

ОЎФИ АСАЛГА БОТИБ ҚОЛГАН
ПАШША

46

МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИНГ
СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ

30

ЖАРАЁН

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИДА
МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ

49

ЭЪТИРОФ

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИНИ
ИЛМ УСТИГА
ҚУРГАН ОЛИМ

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

32

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ:
ИНСОФСИЗ ИЖРОЧИЛАР ВА
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ

ТЕМА ДНЯ

52

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА – ПУТЬ К
УСПЕХУ!

36

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ИШ ЮРИТИШНИ
ҚАЙТАДАН БОШЛАШДА
ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

56

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

ПРАКТИКА И ПРОБЛЕМЫ
ПРИЗНАНИЯ И
ПРИВЕДЕНИЯ В ИСПОЛНЕНИЕ
ИНОСТРАННЫХ
ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНЫХ МЕР

СУДЬЯ МИНБАРИ

39

ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ДАВЛАТ БОЖИ
ТЎЛАНМАЙДИ?

ANALYSIS

60

40

МЕРОС ТАҚСИМЛАНИШИ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ

BROAD OVERVIEW
OF INVESTMENT
DISPUTE RESOLUTION
IN UZBEKISTAN

КҮНГИЛ ХАЗИНАСИНING ҚУЛФИ

Миллатимиз руҳини ифода этувчи она тилимиз бизни юксак маънавият, маърифат ва маданиятга етакловчи бебаҳо неъматдир. Айнан тил одамларни бир миллат сифатида бириктиради, яъни халқни-халқ, миллатни-миллат қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган 1989 йил 21 октябрь куни байрам сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 34 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Президентимиз табригида қайд этилганидек, “Айниқса, кейинги йилларда ўзбек тили нуфузли халқаро анжуманлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан мунтазам янграб келаётгани барчамизга гурур-ифтихор бағишлаш билан бирга, дунёда она тилимизни ўрганишга интилаётган инсонлар сафини ҳам тора кенгайтирмоқда”.

Она тилимизни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, у босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилмоқда. Президентимиз томонидан 2020 йил 20 октябрда имзоланган “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони амалий мисол сифатида келтириш мумкин.

Ушбу фармонга биноан 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилган. Концепция ўзбек тилини узоқ муддатли ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради ҳамда қуйидаги мақсадли вазифаларга эришишни назарда тутди:

ўзбек тилининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш;

ўзбек тили таълимини такомиллаштириш, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний анъана, қадриятларга садоқат, улуг аجدодларимизнинг бой маънавий меросидан гурурланиш ва уларни янада бойитиш руҳида тарбиялаш;

жамиятда ўзбек тилига (давлат тилига) ҳурмат-эътибор ва меҳр-муҳаббат муҳитини шакллантириш;

мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг давлат тилини билишига ва бунини бурч ва мажбурият сифатида ҳис этишига эришиш;

ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” тамойили асосида мамлакат тараққиётининг янги даврида давлат тилини ривожлантиришни юксак босқичга кўтариш;

республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тилининг тўлиқ жорий этилишини таъминлаш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш.



Дарҳақиқат, бугунги кунда тилимизнинг ривожланиши йўлидаги ишлар узлуксиз давом этмоқда. Унинг янада кенгроқ такомил учун эса барчамиз масъулмиз. Дунё миқёсида катта ютуқларга эришганда уларнинг ортидан Ўзбекистон деган шарафли ном билан ўзбек тилимиз ҳам жаҳонга танилади. Спортчиларимиз голиб бўлганда мадҳиямиз орқали ўзбекона оҳанг билан она тилимиз ҳам янграйди.

Бу орқали шуни айтмоқчимизки, ҳар бир соҳа эгаси ўз йўналишида катта зафарлар орқали, нафақат шахсий ҳаёти фаровон бўлади, балки ўз ватани ва ўз она тилининг тараққиётига ҳисса қўшади.

Зеро, тил маданият кўзгуси ва руҳимизнинг қаноати. Биз она тилимиз орқали халқлар, миллат ва элатлар орасида ҳамшиша азиз-у муқаррамимиз. Ўзбекона лутф, муомала, миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ эса она тилимиз маданиятининг калитидир. Шундай экан ҳар биримиз сўз ҳиссини доимо билиб яшашимиз керак. Зотан, тилимизга эътиборли бўлсак, миллатимиз қалби она тилимиз ҳеч қачон завол топмайди.



Ибрагим АЛИМОВ,

Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари - иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси.

“ОНА ТИЛИ – УМУММИЛЛАТ МУЛКИ”

Ўзбек тили дунёдаги қадимий, гўзал ҳамда бой тиллардан бири ҳисобланади. Тилимизнинг гўзал ва улугворлигини қадимги тошбитикларда, халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаятган мақол ва ҳикматли сўзлари, бетакрор иборалари, дostonларида, шоир ва ёзувчиларимиз асарларида яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ҳали давлат мустақиллиги эълон қилинмасдан олдин, яъни 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.” деб белгиланган. Шунингдек, унинг 2-моддасида эса “Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмас”лиги билан боғлиқ норма назарда тутилган. Ушбу норманинг белгиланиши кўп миллатли Ўзбекистон аҳолисининг бошқа тилларини ҳам камситмаслик, ўзбекона бағрикенгликнинг белгисидир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 34 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида таъкидлаганларидек:

“Биз давлат тили тараққиётини жаҳондаги етакчи хорижий тиллар ва мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг тили ва маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўрамыз.

Бугунги кунда юртимизда таълим 7 тилда олиб борилмоқда. Республикаимиздаги мавжуд 1453 та оммавий ахборот воситаси ҳамда юзлаб веб-сайтлар орқали қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, туркман, корейс, турк, араб, инглиз, немис ва бошқа тилларда ҳам материаллар эълон қилинмоқда.”



Келинг шу ўринда хорижий мамлакатларда давлат тилининг ўрни қандай эканлигига бир кўз югуртирсак. Дунёнинг ривожланган давлатларининг Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига эътибор қаратадиган бўлсак уларда шундай нормалар бор:

масалан, “Давлат тили тўғрисида”ги Россия Федерал қонунига кўра, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Россия ҳудудида фаолият юритувчи ҳар қандай ташкилот рус тилида иш юритиши, ташкилотни номлашда ҳам давлат тилидан фойдаланиши белгиланган.

Германияда “Маъмурий амалиётлар тўғрисида”ги қонунга биноан, маъмурий амалиётлар учун расмий тил сифатида немис тили белгиланган. Агарда масъул идорага немис тилидан бошқа тилда мурожаат қилинса, орган дарҳол унинг немис тилига таржимасини талаб қилиши лозим. Немис тилидан бошқа тилда мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

Қардош Туркияда эса барча ёзишмалар, ёзув ва ҳисоб-китоблар ҳеч қандай истисноларсиз турк тилида олиб борилиши талаб этилади. Ушбу талабга риоя қилмаган шахслар маъмурий жаримага тортилади. Турк юридик шахслари ўртасида тузилган турк тилида бўлмаган шартномалар бекор қилинади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ҳар бир мустақил давлатнинг давлат рамзлари каби Давлат тили ҳам тўлақонли амалда бўлиши табиий ҳолдир. Шундай экан Давлат тилига оид қонун меъёрларини бузмасликка, она тилимизни чуқур ўрганишга ва унинг дурдона сўзларини амалда қўллашга ҳаракат қилайлик. Зеро, кейинги авлодларга бой она тилимизнинг гўзал ҳолида етказиш ҳам бебаҳо қадриятдир.

Йўлдош НОРБЕКОВ,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.



ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ислom таълимотида жиноят ва жазо масалалари муҳокама қилинади. Ислomда жиноят ҳуқуқи маълум жамият муҳофазасини таъминлаб туради. Шу нуқтаи – назардан жиноят ва жазо масаласи ҳам диний манбаларга таянади. Ислom жиноят ҳуқуқида - жамият ва шахс ҳуқуқи тушунчалари орқали жамиятнинг барча ҳуқуқий қоидалари белгиланади. Ислom фикҳ олимлари жиноят ҳуқуқини – жамиятнинг умумий низомини ва муҳофазасини таъминловчи ҳуқуқ деб изоҳлайди. Ислom ҳуқуқи ҳозирги замоннинг энг йирик ҳуқуқий тизимларидан бири бўлиб, унда инсоний муносабатларнинг барча асосий соҳаларини мутаносиблаштирадиган нормалар тизими мавжуд. Ҳозирги замон Ислom нормалари амалда бўлган мамлакатларда жиноят ва жазо масалалари шариятга асосан амалга оширилади.

Калит сўзлар: дин, нафс, мол, ақл, насл, қатл, жароҳат, Қуръон, сунна, муаққат, қисас, дия, каффорат ва таъзир.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье рассматриваются вопросы преступления и наказания в исламском праве. В исламском обществе уголовное право обеспечивает определенную защиту общества. С этой точки зрения проблема преступления и наказания также опирается на религиозные источники. В Исламском уголовном праве существуют концепции общества и индивидуального права, посредством которых определяются все правовые нормы общества. Ученые исламской юриспруденции интерпретируют уголовное право как закон, обеспечивающий общее регулирование и защиту общества. Исламское право является одной из крупнейших правовых систем современности, оно имеет систему норм, уравнивающую все основные сферы человеческих отношений. В современных странах, где действуют Исламские нормы, вопросы преступлений и наказаний реализуются по шарияту.

Ключевые слова: религия, нафс, богатство, разум, потомство, казнь, оскорбление, Коран, сунна, время, месть, дийа, искупление и тазир.

XXI асрда ҳам дунёнинг қатор мамлакатлари ҳаётида Ислom дини ва ҳуқуқининг таъсири кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шу муносабат билан Ислom давлат дини деб тан олинган ва Ислom ҳуқуқи қонунчилик ва судлов асосини ташкил этган Осиё ва Африкадаги Саудия Арабистони Қироллиги, Иордания, Марокаш, Эрон, Покистон Ислom Республикаси каби бир қатор мамлакатлар бугунги ҳаёти ва ўтмишини, унинг муҳим соҳаларидан бири – жиноят ҳуқуқини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёнинг 28 та мамлакатида Ислom қонунчилиги амалиётда қўлланилади. Унинг асосий ўзига хослиги – бу илоҳий манбаларга асосланишидир. Илк Ислom дини ва ҳуқуқи вужудга келганидан то ҳозиргача дунёвий ва диний олимлар томонидан Ислom дини ва ҳуқуқи чуқур ўрганилиб у ҳақда турли фикрлар баён этилмоқда. Масалан, “Ислom – бу аввало дин, сўнгра давлат ва ниҳоят, маданиятдир”, деб ёзади Ислomшунос олим Р.Шарль. Француз Ислomшунос олими А.Массэ Ислom ҳуқуқида расм-русум масалалари ҳуқуқ меъёрлари билан муштарак эканлигини таъкидлайди. Профессор Н.Торнау Ислomда ҳуқуқ меъёрларига ибодат қоидалари билан бирга

фикҳнинг бир-бирини тўлдирувчи икки қисми сифатида қаралишини таъкидлаб, шундай деб ёзади: “Мусулмонларнинг фуқаролик қоидаларида ратио легис қай даражада баркамол бўлмасин, у мавжуд ва мухтасар тарзда диний ақидаларга бўйсунишда ифодаланади”. Таниқли рус шарқшунос олими И.Петрушевский илоҳиёт ва ҳуқуқни Ислom “диний қонуни”нинг икки тармоғи сифатида тавсифлайди.

Ислom ҳуқуқининг асосий манбалари сифатида Қуръон ва Сунна эътироф этилади. Қуръон ва Суннада Ислom дини асослари, диний ибодат ва ахлоқ қоидалари мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда жаҳонда амалда бўлган ҳуқуқ оилалари орасида Ислom ҳуқуқининг ўзига хос ўрни борлиги маълум бўлади. 1937 йили Гаага шаҳрида “Бутунжаҳон қиёсий ҳуқуқшунослик” Конгрессида Мисрдаги аль-Азхар университетининг қирқ учинчи шайхи Маҳмуд Шалтут иштирок этиб ўз маърузасидан сўнг жуда кўп фикрлар, савол – жавоблар натижасида ушбу конференция аъзолари Ислom ҳуқуқи замонавий ҳуқуқ тизимлари ичида алоҳида ўзига хос эканлигини тан олдилар ва бу борада махсус баённома имзоладилар.

Ислom ҳуқуқида жиноят ва жазо масалаларига келсак, Ислom ҳуқуқшунос олимларининг

фикрига кўра, Ислом ҳуқуқи қоидаларидан четга чиққан ҳар қандай хатти-ҳаракатлар диний жиҳатдан гуноҳ ҳисобланиб, охират жазосига сабаб бўлади.

Бурхониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” аса-рида жиноят — динга, шахсга ва мулкка қарши қаратилган, қонун билан таъқиқланган қилмиш деб кўрсатилган.

Ислом жамиятида жиноят ҳуқуқи маълум жамият муҳофазасини таъминлаб туради. Улар асосан бештадан иборат. Булар: дин, нафс, мол, ақл, насл.

Дин — инсонга инсоний хусусиятларни белгилаб берувчи низомдир. Унинг ҳимояси учун ибодатнинг ҳамма кўринишлари қонунлаштирилган. Ислом динида ибодатга инсон руҳини, саломатлигини сақловчи ва уни тарбияловчи омил сифатида қаралади. Ислом ҳуқуқлари эса ибодат ҳукмларининг бажарилишини таъминлаш орқали диннинг ҳимоясида туради. Дин чегара билмайди, инсон ҳар қандай давлат фуқароси бўлиши мумкин. Диний қарашлар барча мамлакатларда бирхилликни тақозо этади.

Нафс — инсон ҳаётида у учун берилган энг катта неъмат саналади. Инсон ҳаётига унинг шахсияти ҳам тааллуқли бўлиб, туҳмат ва ҳақорат каби иллатлардан инсон ҳаётини ҳимоя қилиш ҳам ҳуқуқ тасарруфига киради. Шунингдек, жиноят ҳуқуқи ҳур фикрлик ва эркин диний қарашларни ҳам ҳимоя қилади. Унга “қатл” ва “жароҳат” тушунчалари тескари бўлиб, жиноят ҳуқуқи инсон ҳаётини улардан ҳимоя қилиб туради.

Ақл ҳимояси — ақлни ҳар хил зарарли иллатлардан тўсиш жамиятнинг осойишталигини, унинг ривожланишини таъминлаш деган тушунча билан боғланади. Исломда унинг ҳар бир аъзоси ақлий саломат бўлиши, жамиятга яхшилик ва наф келтириб туриши лозим. Чунки, ақл фақатгина эгасига эмас, балки жамиятга ҳам тегишли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамият унинг соғлом бўлиши учун масъулдир.

Насл муҳофазаси — инсониятнинг давом этишини таъминлашдир. Катта авлод, яъни ота-она ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиб, тарбия бериши, уни ҳимоя қилиши насл муҳофазасининг асоси ҳисобланади. Ҳуқуқ эса оиланинг юзага келишини, унинг бузилмаслигини ҳимоя қилиб туради, оиланинг бузилишига олиб келадиган зино, туҳмат, фоҳишалар ва бошқа иллатларга қарши курашади. Бунинг тасдиғини уларга белгиладиган оғир жазолардан ҳам кўриш мумкин.

Мол муҳофазаси — мол-мулкни ўғрилиқлар, талон-тарож ва турли тажовузлардан ҳимоя қилишдир. Жиноий ҳуқуқ кишилар ўртасидаги мол олди-бердиларининг адолат билан олиб борилишини таъминлайди. Уни муҳофаза қилиб, тартиб

билан тасарруф этадиган кишилар қўлига ўтишини рағбатлантиради.

Ислом қонунчилигида жиноят таъқиқланган амал ҳисобланиб, белгиланган жазоси аниқ. Жиноятлар қайси жиҳатдан кўрилишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

— агар жиноятларга бериладиган жазо тарафидан қарасак, уларни ҳадд - ҳудуд, қасос ёки дия ва таъзир жиноятларига;

— жиноятчининг мақсади тарафидан қарасак, уларни қасддан ва қасдсиз содир этилган жиноятларга;

— жиноят вақти нуқтаи назардан қарасак аниқ ва ноаниқ ҳисобланган жиноятларга;

— агар жиноятларнинг оқибатлари нисбатига қарасак ижобий ва салбий, қайта такрорланувчи, вақтинчалик ва давом этувчи жиноятларга;

— жиноят таркибига қарайдиган бўлсақ тоифага қарши, маълум шахсга қарши, оддий ва сиёсий жиноятларга ажратиш мумкин.

Ислом жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб бир неча турларга бўлиниши жиноий қилмишга психик муносабатни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш ва жамият учун ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган жиноятларга қаттиқ жазо белгилаш мақсадига хизмат қилади. Ахлоққа зид, тақиқланган, қораланадиган ва номақбул амаллар Ислом ҳуқуқида “Аллоҳ чегаралари”ни бузиш деб баҳоланади. Қуръонда Аллоҳнинг бузиб бўлмайдиган қонун-чегаралари мавжудлиги таъкидланган.

Ислом таълимотида жамият ва шахс ҳуқуқи тушунчалари мавжуд бўлиб, улар орқали жамиятнинг барча ҳуқуқий қоидалари белгиланади. Ислом ҳуқуқида Аллоҳ ҳаққи муқаддас бўлиб, уни бажариш ва унга риоя қилиш мажбурий деб



белгиланган. Бундан келиб чиқиб бирор шахс манфаатини кўзлаш ва уни жазодан озод қилиш имконияти умуман берилмаган. Ислом ҳуқуқида ибодатлар ҳам, жазо бериш ҳам Аллоҳ ҳаққининг бажарилиши деб қаралган. Демак, жиноят ҳуқуқини бузганлик учун жазо бериш ибодатдек қабул қилинган.

Шахс ҳуқуқи тушунчасига келсак, ҳар бир жабрланган шахс ўзига тегишли ҳақни тўлалигича қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган. Жиноятчига жабрланувчи кўрган зарарга қараб жазо белгиланган, жабрланувчининг талабини тўла қондириш таъминланган. Жамият ва шахс ҳуқуқини бузадиган зарарли амаллар Қуръонда келтирилган ва ҳадисларда шарҳланиб тўлдирилган. Мужтаҳидлар (ислом ҳуқуқи олимлари) уларни тартибга келтириб ўзига хос ҳуқуқий қоидалар мажмуасини тузганлар. Ислом ҳуқуқида жиноятлар динга, давлатга, инсонга ва мулкка қарши жиноятларга бўлинган. Лекин, жиноят ва жазо масаласида Ислом ҳуқуқшунослари турлича фикрларда бўлиб, ушбу масалада улар жазога қараб жиноят турлари ҳам айтилишини таъкидлайдилар.

Динга қарши жиноят чегара билмайди. У ёки бу давлат мусулмон фуқароси оғир жиноят содир этса, масалан террор қилса, бутун мусулмонларни ёмон отликқа чиқарган бўлади. Шунинг учун Ислом динига қарши жиноят биринчи ўринда туради. Ислом жиноят ҳуқуқида жиноят ва жазо масалалари бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, ҳатто жиноятлар бериладиган жазо номи билан юритилади. Масалан: Ҳадд - ҳудуд жиноятлари: Аллоҳ чеклаган чегарадан чиқилса ёки қасос жиноятлари, таъзир – енгил қоидабузарлик жиноятлари.

Жиноятлар ўз хусусиятига кўра жамиятга ёки шахсга қарши қаратилганлиги билан фарқланади. Жиноятлар бир вақтнинг ўзида ҳам шахсга ҳам жамият ҳаётига қарши қаратилган бўлиши мумкин. Масалан, қасос ва дия жиноятларини оладиган бўлсак, улар шахс ҳуқуқини бузадиган жиноятлар ҳисобланади, лекин ушбу жиноятлар жамият ҳуқуқига ҳам дахлдор. Аммо, кўпроқ шахс ҳуқуқига тегишли бўлгани боис жазо шахс ҳуқуқи учун берилади. Агар жабрланувчи шахс ўз ҳаққидан кечиб жиноятчини авф этса, жиноятчига жамият ҳаққи учун жазо берилади, яъни унга таъзир уқубати белгиланади.

Ислом ҳуқуқига асосан жиноятлар гумонланувчи томонидан содир этилиш усуллари кўра оддий ва такрорланувчи жиноятларга бўлинади.

Оддий жиноятларга ўғирлик, маст қилувчи ичимлик истеъмол қилиш қабилар мисол бўлади. Бундан ташқари ҳадд, қасос ва дия жиноятлари ҳам оддий жиноятлар тоифасига мансуб.

Такрорланувчи жиноятлар бирор ишнинг қайта такрорланишидан юзага келади. Иш ўз кўриниши билан жиноят бўлмаса ҳам, лекин унинг қайта-қайта такрорланиши жиноят дейилади. Қайта такрорланувчи жиноятлар таъзир жиноятлари таркибига кириб уларни бажариш Ислом ҳуқуқи аҳкомларида ман этилган.


Давом этувчи жиноятлар рухсат этилган даври тугаган вақтдан жиноят дейилади.

Кетма-кет содир этиладиган жиноятларда гумонланувчи бир турдаги жиноятларни кетма-кет содир этади. Масалан, жиноятчи бир жойдан ўғирлик билан молларни олиб чиқиб кетиб, жиноятни яна такрорлайди. Ёки бир шахсга кўпгина жароҳатлар етказади. Ислом ҳуқуқида ушбу жиноятлар битта жиноят деб қаралади. Улар учун жазо ҳам бир марта берилади.

Ислом ҳуқуқида жазолар уч гуруҳга бўлинади: Ҳадд, қасос, дия, каффорат ва таъзир.

Ҳадд-жамият манфаатига хавф туғдирадиган жиноятлар учун қўлланиладиган жазо туридир. Бундай жиноятларга, масалан, зино (ҳадд аз-зина), тухмат қилиш (ҳадд ал-казф), мастлик, қимор ўйнаш, бировнинг мулкни ўзлаштириш (ҳадд ал-циркат) ва бошқа жиноятлар киради. Қуръон ва Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримизнинг сунналарида ушбу турдаги жиноятлар учун жарима, қамчи, қамоқ, ўлим жазосигача бўлган турли хил жазо турлари қўлланилади. Ҳадд фақат шариат қозисининг ҳукми билан белгиланади, у зарбалар сони ва уларнинг кучини белгилайди. Аёлларни жазолашда унинг танаси ошкор бўлмаслиги, эркак эса жазони енгиллатмайдиган кийим кийиши керак.

Қасос олиш жазоларига қасос, дия – товон, каффорат ва меросдан маҳрум қилиш киради. Ушбу турдаги жазолар инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши турли жиноятлар учун қўлланилади.



Қасддан одам ўлдирган шахс қатл билан жазоланади. Ўлдирилганнинг меросхўрлари ҳам қисосларни каффорат ёки товон билан алмаштиришлари ёки қотилни кечиришлари мумкин. Қасддан ўлдирган ёки жароҳат олган тақдирда жабрланувчи томон розилиги билан дия тўланади. Ислом ҳуқуқида суд ҳукми чиқарилгандан кейин жиноятчини тўлиқ кечириш ёки жазони камайтириш ҳам назарда тутилади. Жабрланувчи суд органларига жиноятчини тўлиқ афв этиш ёки етказилган зарар учун товон ундириш талаби билан мурожаат қилиши мумкин. Шу билан бирга қисос - бу қонунга хилоф ишнинг оғирлиги билан тенг келадиган жазо. Агар бахтсиз ҳодиса туфайли (жанжалда, эҳтиётсизлик, тажрибасизлик туфайли) вафот этган бўлса, қисас ўрнига дия тўланади.

Ҳозирда кўплаб мусулмон мамлакатларида қисас қўлланилади. Мабодо айбдор суддан қочса, у сиртдан сургунга ҳукм қилинади ва дия тўлаш унинг қариндошларига юкланади. Дия – қасддан содир этилган жиноятни содир этган шахс томонидан тўланиши керак бўлган товон. Диянинг ўлчами ва шакли суд томонидан белгиланади, лекин томонлар шахсий келишувга эришишлари мумкин. Тўлов миқдори ўлдирилган шахснинг жинси, дини ва ижтимоий мавқеига боғлиқ. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) сунналарига кўра, диянинг тўлиқ ҳажми 100 тилла динор ёки юз туядир. Ҳанафийлик мазҳабида эса 200 сигир ёки 2000 қўй билан тўлаш мумкин, деб ҳисоблашади. Агар жабрланувчи аёл бўлса ёки жиноят содир этган шахс аёл бўлса, дия икки баробар камаяди.

Каффорат – қилинган гуноҳ эвазига тўловдир. Рўза, ҳаж қондаларини бузиш, қасамёд қилиш, зиҳор қилиш ва тасодифан одам ўлдирish учун каффорат берилиши мумкин. Қуръонда ҳаттоки, қасамни бузганлик учун ҳам каффорат буюрилган.

Таъзир – одамларга зарар етказувчи, уларга ноқулайлик туғдирувчи турли ноқонуний ҳаракатлар содир этганлик учун қўлланиладиган жазо тури. Бундай жиноятларга тартиббузарлик, фирибгарлик, алдаш ва ҳоказолар киради. Улар жарима, қамок, сургун ва қамчи билан жазоланади. Баъзи ҳолларда оммавий огоҳлантиришга рухсат берилади. Таъзир давлат ҳудудида Ислом қонунлари амал қилган тақдирдагина суд ҳукми ёки ҳукмдор ёки мухтасиб (полиция бошлиғи) қарори билан тайинланади. У мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан ижтиҳоднинг турли усулларига асосланиб таърифланган. Бундай ҳолда, адвокат муайян шартларни ва мусулмон қонунчилиги амал қиладиган давлатни ҳисобга олиши керак. Таъзир жиноятнинг оғирлигига ва жиноятчининг шахсига қараб оммавий қоралаш, қози ёки ҳукмдорнинг эслатмаси, тарбиявий суҳ-

бат ва бошқа таъсир чоралари бўлиши мумкин. Оғир жиноят учун 6 ойгача қамок, сургун, қамчилash ёки 5 дан 39 гача зарба бериш, жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниши мумкин. Таъзир фарз тавба ва кечирим сўрашни назарда тутати. Оғирроқ ҳолатларда каффорат талаб қилинади.

Таъзир жазосининг муаққад ва ғайри муаққад турлари мавжуд. Муаққад жиноятлар бирорта ман этилган амални бажаришдан ёки буюрилган амални бажармасликдан келиб чиқади. Бундай жиноятлар чегараланган вақт ичида содир бўлади. Ушбу жиноятларга ўғрилиқ, маст қилувчи ичимлик истеъмол қилиш ёки ёлғон гувоҳлик бериш, гувоҳлик беришдан бош тортиш киради. Ғайри муаққад жиноятлар янгилашиб ёки тўхтатмасдан давом этиб туради. Ушбу жиноятларнинг бажарилиш вақти тугагандан сўнггина улар жиноят деб юритилади. Бу жиноятларга бир шахсни ҳақсиз равишда ҳибсда ушлаб туриш, закот беришдан бош тортиш кабилар киради.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Ислом жиноят ҳуқуқи ўзига хос ва асосан илоҳий манбаалар асосида тузилган. Ислом олимлари эса ушбу фикрлардан фойдаланиб, уларни умумлаштириб қонун даражасига олиб чиқишган. Шу нуқтаи назардан жиноят ва жазо масаласи ҳам диний манбаларга таянади. Вақт ўтиши ва ҳаёт ривожланиши билан янги турдаги жиноятлар пайдо бўлади. Жазо эса асосан қиёслаш орқали, қолаверса қози ҳукми ва мужтаҳидлар фатвоси билан белгиланади.

Абдумухтор РАХМАНОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
"Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари"
кафедраси профессори в.б., ю.ф.ф.д.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулқодир Ўда. Ислом ҳуқуқида жиноят қонунларини дунёвий қонунлар билан қиёсий ўрганиш, 1.ж. Байрут, 1985. Кириш қисми.
2. А.Раҳманов, Х.Юнусов, М.Қоратош. Ислом ҳуқуқи дарслик. Т. ТДҶОУ 2021й. Б. 128.
3. Бурхониддин Марғинойий. Хидоя шарх бидоятул мубтадо 2 қисм - Б. 274 (араб тилида)
4. Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ" асари "Ҳиллол-нашр" нашриёт-2019. – Б.324.
5. Л.Сюкияйнен. Исламское право и диалог культур в современном мире М. 2021 – С 168.
6. Массэ А. Ислам. Очерк истории. – М.: 1982. – С.80.
7. Мухтасар ул виқоя фи фикх ил жинофа Б. 265. (араб тилида)
8. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VIII-XV веках. – Л.: 1966. – С.125.
9. Торнау Н.Н. Особенности исламского права. – Дрезден, 1880. – С.13.
10. Шарль Р. Мусульманское право. Пер. с франц. С.И.Волка. – М.: 1959. – С.11.
11. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Қуръони Карим" ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. "Ҳиллол" нашриёт-матбааси. 2020. - 628 б.
12. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя 3 том –Т. Хиллол-нашр 2022. Б. 528-536.

РАҚАМЛИ ФРАНШИЗИНГНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

АННОТАЦИЯ:

Биз одатланиб қолган франшизинг шартномаси муносабатлари яқин келажакда ўз ўрнини Интернет тармоғи франшизингига бўшатиб беради. Ҳозирги кунда Европа, АҚШ каби давлатлар иқтисодий тармоғидаги шартнома муносабатлари одатдаги шартномавий муносабат сифатида муомалада кенг қўлланилмоқда. Биз учун ушбу ҳолат амалдаги фуқаролик қонунчилиги нуқтаи назаридан янғидир.

Калит сўзлар: рақамли франшизинг, Интернет, big data, онлайн савдо

Рақамли франшизинг концепцияси биринчи марта Қўшма Штатларда шаклланган бўлиб, ушбу муносабат ресторандан таом етказиб бериш соҳасида франчайзинг кўринишида фаолият юритувчи OrderUp фаолияти билан боғлиқ. Ҳозирда кўплаб тадқиқотчилар рақамли франшизингни тадбиркорликнинг энг истиқболли шакллари билан бири сифатида баҳоламоқда ва Ғарб давлатларининг қонун чиқарувчилари аста-секин ҳуқуқий соҳани рақамлаштириш тенденцияларига мослаштириш чораларини кўрмоқда.

Ўзбекистонда рақамли франчайзинг бўйича тадқиқотлар жуда кам ва мавжудлари ҳам унинг мазмунини қисман тавсифлайди. Кўпинча унинг ҳуқуқий табиати қонунчиликка кўра тартибга солиш объекти сифатида эътироф этилмайди. Адабиётларда ва мавзули интернет ресурсларида рақамли франчайзинг одатда куйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- Интернет тармоғида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш;
- жараённи масофадан бошқаришни амалга ошириш.

К.А. Геруснинг замонавий технологиялардан фойдаланиш нуқтаи назаридан рақамли франшизинг белгилари ёки “кўрсаткичлари” ҳақидаги ёндашуви диққатга сазовордир. Муаллиф кўриб чиқилаётган муносабатнинг таърифини бермайди, аммо Интернет нарсалари, катта маълумотлар ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш хусусиятларини таъкидлайди.

Муаллифлар томонидан берилган ушбу концепциянинг талқинлари ҳуқуқий нуқтаи назардан бир қатор камчиликларга эга. Хусусан, франшизинг эгаси қайси турдаги фаолиятни амалга оширишидан қатъи назар, франчайзинг товар белгиларидан ва бошқа интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни назарда тутиши ҳисобга олинмайди. Шу сабабли, томонларнинг, масалан, товарларни масофа-

дан туриб сотиш учун веб-сайтдан фойдаланиш тўғрисидаги келишуви Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 50-боби қоидаларига бўйсунмайди. Бундан ташқари, муаллифлар франшизинг муносабатларида рақамлаштиришнинг ролини маълум даражада ошириб юборган.

Айтиш жоизки, сўнгги йиллардаги технологик ютуқлар иқтисодий фаолиятга инқилобий таъсир кўрсатмоқда, унинг турларидан бири франчайзингдир. Энг янги технологиялар - сунъий интеллект, кенгайтирилган реаллик, катта маълумотлар базаси (big data) ва бошқаларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши, шубҳасиз, улардан бизнесда, шу жумладан франчайзингга фойдаланиш тенденцияларига таъсир қилади. Юзага келган муаммо аввало аниқ техник хусусиятга эга бўлган баъзи атамаларни ҳуқуқий талқин қилишдан иборатдир.

Олимлар М.Н. Дудина ва М.С. Шаховойларнинг фикрича, рақамли франшизинг икки шаклда намоён бўлиб, буларга:

- бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва бундай ечимлар лицензиат томонидан тақдим этилган франшизинг пакетида киритилганда;
- агар франшизинглар ахборот муҳитида (онлайн) бизнес юритиш учун берилган бўлса. Бироқ, бу позиция ҳуқуқий нуқтаи назардан биров аниқлаштиришга муҳтож.

Бизнес жараёнларини автоматлаштириш дегад тадбиркорлик фаолиятининг ушбу турида ҳимояланган (масалан, ишлаб чиқариш сирлари) ва ҳимояланмаган бўлиши мумкин бўлган сунъий интеллект ютуқларидан фойдаланиш тушунилиши керак. Бу имкониятлардан фойдаланиш даромаднинг ортишига, ишлаб чиқариш таннарининг камайишига ёки бошқа иқтисодий самардорликка олиб келиши мантиқан тўғри.

Л. Хоукс ва Б. Симплэр электрон тижорат соҳасидаги франшизингнинг муаммоли жиҳатларини ўрганар экан, амалда лицензиар франшизинг веб-сайтга киришини атайлаб чеклаб қўйган ёки онлайн режимда чекловлар ёки тўлиқ тақиқ қўйган ҳолатлар мавжудлигини таъкидлайдилар. Шу муносабат билан, тадқиқотчилар

веб-сайтдан фойдаланиш бўйича битим тарафлари ўртасидаги низо судларда, шу жумладан юқори инстанцияларда кўриб чиқилиши керак бўлган бир қатор ҳолатларга ишора қилиб, улардан баъзиларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Дймоскс “Dymocks Holdings”нинг “Top Ryde Booksellersu”га қарши ишида лицензиар томондан шартнома шаклига бир томонлама ўзгартиришлар киритилган. Ўзгартиришларнинг мазмуни аввало лицензиатнинг ушбу веб-сайтдан фойдаланиш ҳуқуқларига оид талаблардан бутунлай воз кечишни назарда тутган ва унинг мавжудлиги бренддан хабардорлигини ошириш зарурати билан оқланган. Баҳсни ҳал қилишда Янги Жанубий Уэлс Олий суди (Австралия штати) веб-сайт мижозларни жалб қилиш учун фойдаланиладиган актив эканлигини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳар қандай лицензиатга тегишли эканлигини аниқлади.

“Pierre Fabre” иши Европа судида кўриб чиқилиб, ушбу низо мазмуни савдони амалга оширишда Интернетдан фойдаланишни таъқиқлаш билан боғлиқ. Томонларнинг келишувида харидорлар учун қўшимча маслаҳатлар ўтказиш мақсадида компания маҳсулотлари (косметика) фақат butikларда, малакали фармацевтлар иштирокида сотилиши белгиланган эди. Суд ушбу ҳуқуқий ва иқтисодий шароитда онлайн савдоларни таъқиқлашни асоссиз деб топди.

Яна бир ҳолат Германиянинг “Coty” компанияси ва “Parfümerie Akzente” дистрибютори ўртасидаги низо натижасида пайдо бўлди. Шартнома шартларига мувофиқ, дистрибюторлар учинчи томоннинг савдо майдончаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас, балки фақат ўзларининг веб-сайтлари ва ваколатли дўконларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Мазкур чекловлар бренд маҳсулотларнинг нуфузини сақлаб қолиш зарурати билан оқланди. Бундай чекловлар Европа Иттифоқининг Фаолияти тўғрисидаги шартноманинг 101 (1)-моддасига мос келади. Кейинчалик Европа суди томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра лицензиатнинг учинчи томон савдо майдончаларида маҳсулотларни сотишга маълум талаблар қўйилганлигини таъкидлаб қарорни ўз кучида қолдиради.

Онлайн савдони чеклаш бўйича низолар кўриб чиқилган судлар кўпинча ушбу тоифадаги ишларда лицензиат ва дистрибюторларга ён босади. Эҳтимол, бу нафақат қонунчилик қоидаларига, балки битимнинг заиф томонини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш зарурлиги билан ҳам боғлиқдир. Муаллифларнинг таъкидлашича, Интернет-франшизинг соҳасидаги энг муаммоли жиҳатлар аввало “тажовуз” (инг. – епсгоашмент), яъни ҳар икки томоннинг мутлақлик шартларидан ташқарига чиқиш,

учинчи томоннинг онлайн савдога аралашуви муаммоси (инг. – free riding) ва лицензиарнинг веб-сайтлар орқали лицензиат маҳсулотларини сотиш шартларини назорат қилиш ва бевосита таъсир қилишдир.

Европа Иттифоқи қонунчилигидаги юқоридаги ҳолатлар асосида шуни таъкидлаш ўринлики, лицензиар томондан лицензиатнинг Интернет орқали товарларни сотиш (хизматлар кўрсатиш) ҳуқуқларини асоссиз равишда таъқиқлаш ёки чеклашни рақобатга қарши ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июль “Рақобат тўғрисида”ги қонуни рақобатчилар, яъни бир турдаги маҳсулот бозорида фаолият юритувчи шахслар ўртасида тузилган рақобатни чеклашга қаратилган шартномалар қоидасини белгилайди. Мазкур қонунда белгиланган шартларга кўра битимларни рақобатга қарши деб тан олиш мезонлари сифатида:

- товарнинг монопол юқори ёки монопол паст нархларини белгилаш, бозорни ҳудудий асосда тақсимлаш;

- шартнома предметида тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкий ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказишга доир асоссиз талабларни мажбуран қабул қилдириш ва шу каби бошқа шартларни белгилашни таъқиқлайди (18-модда).

Тадқиқотчиларнинг фикрича, франшизинг шартномаси доирасида “вертикал шартнома” ва “франшизинг шартномаси” тушунчалари умумий ва хусусий сифатда ўзаро боғлиқ, аммо қабул қилиниши мумкин бўлмаган чекловлар доираси масаласи айрим мулоҳазаларни келтириб чиқаради.

Ҳуқуқ эгаси томонидан лицензиатга Интернет орқали товарлар ва хизматларни сотишни назорат қилиш имконини берадиган яна бир усул шартнома бўйича берилган мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш усулларини чеклашдир. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 868-моддасига биноан, лицензиат ҳуқуқ эгасининг шахсийлаштириш воситаларидан фақат шартномада белгиланган тартибда фойдаланиши шарт.

Фуқаролик кодексининг 1036-моддасига кўра, интеллектуал фаолият натижаси ёки шартномада аниқ кўрсатилмаган шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи лицензиатга берилган деб ҳисобланмайди. Ушбу меъёрларни сўзма-сўз талқин қилишдан кўриниб турибдики, ҳуқуқ эгаси нафақат фойдаланувчи томонидан

товарлар ва хизматларни сотиш жараёнида Интернетдан фойдаланишни чеклаши, балки ушбу усул тўғридан-тўғри шартномада кўзда тутилиши керак. Бундан ташқари, ҳуқуқ эгаси бундан манфаатдор бўлиши мумкин, чунки кўпинча онлайн сотиладиган товарлар ва хизматлар сифатини назорат қилиш лицензиат корхона томонидан фойдаланишига қараганда анча қийин. Келиб чиққан зарар учун лицензиат ҳам солидар ҳам субсидиар тартибда жавобгар бўлади.

Шундай қилиб, лицензиатнинг Интернет орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи франшизинг шартномасида аниқ кўрсатилиши керак. Интернет тармоғида франшизинг орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш якуний ҳолат сифатида истеъмолчиларга товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатишда ифодалангани.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли франшизинг икки шаклда намён бўлади:

- рақамли хусусиятдаги интеллектуал фаолият натижаларидан, шунингдек тижорат, таҳлилий ёки бошқа аҳамиятга эга бўлган ҳимояланмаган рақамли объектлардан фойдаланган ҳолда бизнес жараёнларини автоматлаштиришда, агар бундай объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи шартнома бўйича тақдим этилган бўлса (шу жумладан франшизинг тўплами);

- агар франшизинг тадбиркорлик фаолияти битим шартларига мувофиқ Интернет тармоғи орқали амалга оширилса ёки Интернет тармоғида хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлса.

Юқоридагиларни умумлаштирганда рақамли иқтисодиётда франшизингни ҳуқуқий тартибга солиш таҳлили етарли эмас деган хулоса қилиш имконини беради.

Биринчидан, франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини содда-лаштириш, шунингдек, уни тадбиркорликнинг янги тенденцияларига мувофиқлаштириш ушбу шартномалар тарафлари томонидан ҳуқуқлар беришни қонунийлаштиришни рағбатлантиради. Бундай ҳолда, ақлли шартномалар каби янги воситаларни ҳисобга олиш керак.

Иккинчидан, интеллектуал фаолият натижалари ва шахсийлаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқларни, айниқса, тижорат аҳамиятига эга бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тижорат имтиёзлари шартномаси бўйича ҳуқуқларни чеклаш тўғрисидаги қоидалари, хусусан, қабул қилиниши мумкин бўлмаган чекловлар турларини белгилайди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 50-бобининг лицензиат томонидан махсулотларнинг Интернет орқали сотишга йўл қўйилиши тўғрисидаги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш зарурати ва бундай фойдаланишни “мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш усуллари” қаторидан истисно қилиш керак. Шу билан бирга, ихтиёрийлик тамойилини амалга ошириш, шунингдек, томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун томонларнинг ушбу ҳуқуқни чеклаш ёки чиқариб ташлаш имкониятини келишув асосида белгилаш тавсия этилади.

Авволбек МАМАДАЛИЕВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Shane S. A. Why franchise companies expand overseas // Journal of Business Venturing. – 1996. – Т. 11. – №. 2. – P.88.
2. Baker B. L., Dant R. P. Stable plural forms in franchise systems: An examination of the evolution of ownership redirection research // Strategy and governance of networks: Cooperatives, franchising, and strategic alliances. – 2008. – P.112.
3. Герус К.А. Перспективы развития цифрового франчайзинга в современной экономике / К.А. Герус // Международный научно-исследовательский журнал. – 2019. – № 3 (81). – С. 91-94. – ISSN 2303-9868
4. Дудин, М.Н. Цифровой франчайзинг как особая форма предпринимательства в условиях цифровизации общества / М.Н. Дудин, М.С. Шахова // Экономика и социум: современные модели развития. – 2018. – № 3 (21). Том 8. – С. 36-47. – ISSN 2304-6562.
5. Дудин, М.Н. Цифровой франчайзинг как особая форма предпринимательства в условиях цифровизации общества / М.Н. Дудин, М.С. Шахова // Экономика и социум: современные модели развития. – 2018. – № 3 (21). Том 8. – С. 36-47. – ISSN 2304-6562.
6. Кабанов, М. Всеобщая диджитализация, или цифровая франшиза завоевывает мир. – Текст: электронный. – URL: <https://www.buybrand.ru/articles/20997/> (дата обращения: 28.07.2027).
7. Кулаковский.В.В. Антимонопольное регулирование договора коммерческой концессии / В.В. Кулаковский // Имущественные отношения в Российской Федерации. – 2017. – № 10. – С. 95-102. – ISSN 2072-4098.
8. Чаннов, С.Е. Большие данные в государственном управлении: возможности и угрозы / С.Е. Чаннов // Журнал российского права. – 2018. – № 10 (262). – С. 111-122. – ISSN 1605-6590.
9. Фролова, В.Б. Большие данные и особенности их применения в финансовом менеджменте / В.Б. Фролова // Вестник Московского университета МВД России. – 2019. – № 6. – С. 304-309. – ISSN 2073-0454.
10. Hawkes, L. Electronic Commerce, Social Media and Franchising / P.F. Zeidman, L. Hawkes, B. Simpelaere. – London: Law Business Research, 2019. – P. 251. – ISBN 978-1-83862-190-2.
11. Hawkes, L. Electronic Commerce, Social Media and Franchising / P.F. Zeidman, L. Hawkes, B. Simpelaere. – London: Law Business Research, 2019. – 251 p. – ISBN 978-1-83862-190-2.
12. <https://www.lexology.com/library/detail.aspx?g=35569067-042d-4abf-ab10-07d1b11059d8>
13. https://workingpapers.iuse.it/wp-content/uploads/2014-1_12-ITL.pdf
14. <https://www.gov.uk/government/news/win-in-ping-golf-clubs-case-sends-clear-online-retail-signal>.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ШВЕЦАРИЯЧА УСУЛИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Швецария жиноятчилиikka қарши курашиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан жиноятчилиikka қарши курашиш фаолиятининг доктринал асослари, унга оид қонунчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг эътиборли жиҳатлари ўрин олган.

Калит сўзлар: жиноятчилик, жиноятчиликка қарши курашиш, Швецария модели, жиноятлар статистикаси, жиноят ишларини судга қадар юритув, жиноят процессининг принциплари, жиноят процессуал қарорлар устидан шикоят.

Швецария учун криминология академик характерга эга бўлиб, у жиноятчиликка қарши курашишга оид назария ва усулларни тадқиқ қилади. Шунга қарамай, Швецарияда криминологиянинг амалиёт учун зарурати қисман тан олиниб, у жиний жазоларни енгиллаштиришга доир сиёсатни юритишда кўмакчи бўлиб келмоқда. Швецарияда охириги йилларда амалга ошириб келинаётган жазоларни либераллаштириш сиёсатининг натижаси ўлароқ, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган ишларнинг 74%и бўйича жазо муддати 6 ойгача муддатни, 2%и бўйича жазо муддати 5 йилдан ошиқ муддатни ташкил этиши кузатилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Швецария жиноятчилик даражаси паст ва энг хавфсиз давлатлардан бири ҳисобланиб, 2021 йил ҳолатига жиноятчилик индекси 21.62, хавфсизлик индекси 78.38ни ташкил этган.

Хусусан, Швецарияда 2011 йилда 559 874 та; 2015 йилда 487 611 та; 2019 йилда 432 000 та ва 2022 йилда 485 549 та жиноят қайд этилиб, мазкур кўрсаткич Европанинг бошқа ривожланган давлатларига нисбатан анчайин паст ҳисобланади.

Швецариянинг жиноятчиликка қарши курашиш тизимини ўрганган рус олими А.А.Трефилов у ерда жиноятчиликнинг бу қадар паст бўлиши нотабий деб ҳисоблайди.

Бизнингча, Швецариянинг аҳолига соғломлик ва сокинлик бағишловчи гўзал табиати ва давлат бошқарувидаги сиёсий нейтралитет унда жиноятчилик каби иллатларнинг камайиши учун хизмат қиладиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

2022 йилда Швецарияда содир этилган жиноятлар таркибининг 66%ини мулкка қарши, 13%ини шахс эркинлигига қарши, 6%ини ҳаёт ва соғлиққа қарши, 4%ини шахсий дахлсизликка қарши, 3%ини расмий ҳокимиятга қарши, 2%ини жинсий дахлсизликка қарши, 1%ини

одил судловга қарши жиноятлар ва 5%ини бошқа жиноятлар ташкил этган.

Р.Хаузер ва Э.Швэрилар Швецария жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги халқаро, федерал ва кантонал даражадаги беҳисоб меъёрий ҳужжатлардан ташкил топишини эътироф этишади.

Хусусан, Жиноят кодекси билан бир вақтда жиний жазога тортиш учун асос бўла оладиган 40 дан зиёд (Гиёхванд моддалар ҳақида, Чет эл фуқаролари ҳақида, Носоғлом рақобат ҳақида, Қурол-яроғ ҳақида, Ҳайвонларни муҳофазалаш ҳақида, Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида, Сувни муҳофазалаш ҳақида, Дарё кемалари ҳақида ва б.) Федерал қонунлар жиноят қонунчилигини ташкил этади.

Жумладан, А.А.Трефиловнинг тадқиқот ишларида Швецарияда 2015 йилда ЖКда назарда тутилган жиноятларнинг 487 611 таси қайд этилган бўлиб шундан, Гиёхвандлик воситалари тўғрисидаги қонун талабларини бузиш билан боғлиқ 86 128 та, Чет эл фуқаролари тўғрисидаги қонун талабларини бузиш билан боғлиқ 42 184 та жиноят рўйхатга олинганлиги баён этилади.

Швецариянинг жиний судлов ишларини юритишга оид жиноят-процессуал қонунчилиги ҳам кенг қамровли бўлиб, унинг таркибига Жиноят-процессуал кодекси билан бир вақтда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорлари; Швецария Конституцияси; Федерал Кенгаш Мурожаатномаси; 10 га яқин (Жиний суд ҳақида, Жиний судлов органларини ташкил этиш ҳақида, Жиноятдан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш ҳақида ва б.) Федерал қонунлар ҳамда контонларнинг конституция ва қонунлари ҳам кирази.

Албатта, жиноят-процессуал қонунчилик ичида энг эътиборлиси – 05.10.2007 йилда Швецария тарихида илк бора қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекс ҳисобланади. 26 та контонал жиноят-процессуал кодексларининг

бекор қилиниши натижасида у бутун Швеция ҳудудида ягона жиноий-судлов тизимининг шақлланишига имкон яратди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур кодексни ишлаб чиқиш жараёнига қарийб 30 йил вақт сарфланди ва у ўзида жиноий судлов тизимининг тамойиллари, судга қадар иш юритиш, ишни судда мазмунан кўриш, суд қарорлари қонунийлигини текширишга оид институтларни модификациялашган кўринишда акс эттирди.

Хусусан, Швеция ЖПКдан ўрин олган – жиноий судлов органлари (нафақат суд, балки прокуратура, экспертиза ва ишда иштирок этувчи бошқа органларнинг) мустақиллиги; виждонлилик; ҳуқуқларни суиистеъмом қилиш (ҳимоя ҳуқуқидан процесснинг бошқа иштирокчилари зарарига инсофсиз фойдаланиш) га йўл қўймаслик; жиноий таъқибнинг мажбурийлиги; тергов (ҳақиқатни аниқлаш); айблов (прокурор томонидан эълон қилинган айблов мавжуд бўлгандагина жиноий иш суд томонидан кўриб чиқиши); тезкорлик ва оқилона муддат; далилларни баҳолаш (фақат судлар зиммасига юклатилганлиги) каби тамойиллар эътиборли ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, қонунийлик, ошқоралик, инсон шаънини ҳурмат қилиш ва адолатни талаб қилиш каби тамойиллар конституциявий асос бўлиб, Швеция ЖПКда акс этмайди, тортишувлик принципи ҳақида эса деярли сўз юритилмайди.

2007 йилда Швеция ўзининг янги ва илк ЖПКини қабул қилиш жараёнида ушбу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган жиноят ишини судга қадар юритишнинг 4 модели (“терговчи судья-1”; “терговчи судья-2”; “прокурор-1”; “прокурор-2”)дан бирини – “Прокурор-2” моделини танлашга қарор қилди. Унга кўра, прокуратура судгача жиноий иш юритувнинг ягона субъекти ҳисобланади, унинг раҳбарлиги остида полиция томонидан суриштирув олиб борилади, сўнг прокурор дастлабки тергов иши очиш ҳақида қарор қабул қилади, прокуратуранинг ўзи тергов олиб боради, процессуал мажбурлов чораларини қўллади (оғирларини суднинг санкцияси билан), айб эълон қилади ва судда давлат айбловини қувватлайди.

Швеция ЖПК прокуратурани жиноят ишини судга қадар юритиш жараёнининг тўлиқ эгасига айланганди ва унга бу борада кенг ваколатларни берди. Жумладан, прокурор етарли асослар бўлган тақдирда полиция суриштирувисиз ҳам дастлабки терговни қўзғатишга; полиция суриштируви натижаларига кўра дастлабки терговни қўзғатиш ёки қўзғатмасликка; дастлабки тергов натижаларига

кўра айб эълон қилиш ёки иш юритувни тугатишга, шунингдек, айбланувчи айбига иқдор бўлган ва унинг айблигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда ишни судга оширмай айбдорга 6 ойгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида буйруқ чиқаришга ҳақли ҳисобланади.

Швецияда жиноий исботлов жараёни континентал ҳуқуқ тизимига хос бўлиб, махсус ваколатга эга бўлган давлат органларигина унинг субъекти бўла олади, ҳимоячи исботлаш субъекти эмас, аммо прокуратурада ва судда далилларни тўплаш жараёнида иштирок эта олади, судга ва айбланувчига ёрдам кўрсатиш функциясини бажаради.

Швеция жиноий суди романо-герман ҳуқуқ тизимидаги давлатларга хос 5 та босқич (судда иш кўришни очиш; суд тергови, музокара, охириги сўз, қарор қабул қилиш)ли жараён шаклида ишларни мазмунан кўриб чиқади. Эътиборлиси, суд ҳукмида унинг оқлов ёки айблов тури, шунингдек, давлат номидан чиқарилаётганлиги кўрсатиб ўтилмайди.

Швеция ЖПК процессуал қарорлар устидан шикоят қилишнинг 3 хил тартибини назарда тутати:

1) суднинг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари, шунингдек, судга қадар иш юритувни амалга оширган прокуратура ва полиция каби органларнинг процессуал қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари устидан (10 сутка ичида, ишни кўришда сансоларликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича чекланмаган муддатда шу суднинг ўзи ёки юқори судга) шикоят бериш;

2) биринчи босқич судининг қонуний қуча кирмаган ҳукмлари устидан апелляция шикоятини бериш (10 сутка ичида шикоят



бериш ҳақида арз қилиш ва 20 сутка ичида апелляция инстанция судига ёзма шикоят тақдим этиши);

3) суднинг қонуний кучга кирган ҳукмлари, мажбурлов чораларини қўллашга доир қарорлари, прокурорнинг жазо қўллашга оид буйруқларини янги очилган ҳолатлар бўйича тафтиш қилиш ҳақида (янги ҳолат маълум бўлган вақтдан бошлаб 90 сутка ичида апелляция инстанциясига) ариза бериши.

Эътиборли томони, Швецияда мазкур рўйхатнинг биринчи ва учинчи тоифасидаги шикоятлар барча ҳолатларда, иккинчи тоифадаги ишлар эса шахснинг айблилик масаласи билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда судлар томонидан иштирокчиларнинг оғзаки тушунтиришларини эшитмасдан (яъни, суд мажлисини ўтказмасдан), атрофлича ёзма равишда баён этилган шикоят ва унга нисбатан бошқа иштирокчиларнинг ёзма фикрномалари асосида кўриб чиқиш тартибининг йўлга қўйилганлигида кўзга ташланади.

Мазкур амалиёт назаримизда судлар фаолиятида вақт тежалиши, иш юкласининг ортиб кетмаслиги ҳамда процесс иштирокчилари овозгарчилигининг олдини олишга хизмат қиладиган ижобий амалиёт ҳисобланади.

Швецияда вояга етмаганлар ишлари бўйича алоҳида Ювенал Жиноят-процессуал кодекси, шунингдек, ювенал прокуратура ва ювенал судларнинг мавжудлиги ҳам диққатга сазовор.

Айни вақтда, Швециянинг жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, жиноят ишини судга қадар юритишда фақатгина гумон қилинувчи процессуал мақоми мавжуд бўлиб, айбланувчи процессуал мақоми йўқлиги, ҳимоячи ишни судгача юритиш босқичида эмас, балки фақат судда тараф бўла олиши, жабрланувчи мақоми билан бир вақтда (ҳаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар бўйича) жабрдийда процессуал мақомининг ҳам мавжудлиги, юридик шахслар жиноят ишида жавобгар бўла олиши билан бир вақтда жабрланувчи бўла олмаслиги, жиноятдан жабрланган фуқароларга бюджет ҳисобидан моддий зарар ва компенсацияларни тўлаб бериш тизими йўлга қўйилганлиги кабилар эътиборга молик ҳолатлар ҳисобланади.

Ўрганишлар давомида маълум бўладики, Швецияда жиноят-процессуал жараёнлардан алоҳида бўлган тезкор-қидирув фаолияти мавжуд бўлмай, жиноят-процессуал қонунчилиги доирасида оператив ва яширин усулларда ўтказиладиган – почта ва бошқа жўнатмаларни кузатиш; техник воситалар ёрдамида кузатув;

жамоат жойида кузатув; банк муносабатларини кузатиш; яширин агентдан фойдаланиш каби но-ошкора тергов ҳаракатларини олиб боришга йўл қўйилади.

Хулоса ўрнида, Швециянинг жиноятчиликка қарши курашиш тизимидаги эътиборли хусусият сифатида – янги ишлаб чиқилган ЖПКда жиноят процессининг тамойилларига алоҳида урғу берилиши ва модификацияланган шаклда талқин қилиниши; жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларининг бир-бирдан ажратилиши; дастлабки терговнинг тўлақонли бўлиши ва терговнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув тадбирлари ўрнига ноошкора тергов ҳаракатлари ўтказилишига йўл қўйилиши; суд қарорлари устидан келиб тушган шикоятлар тарафларни овоз қилмасдан ёзма тартибда кўрилиши мумкинлиги кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Гулмира ТАИРОВА,

*Хуқуқни муҳофаза қилиш
Академияси катта ўқитувчиси,
адлия кичик маслаҳатчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.А.Трефилов. “Негласные” следственные действия в уголовном процессе Швеции // В сборнике: Актуальные проблемы теории и практики оперативно-разыскной деятельности. Материалы IV Всероссийской научно-практической конференции. Краснодарский университет МВД России. – 2016, – С 88-90.
2. А.А.Трефилов. Уголовный процесс зарубежных стран. Т. 1 (2-е издание) – М.: ООО “НИПКЦ Восход-А”, 2019. – С 541.
3. Polizeiliche Kriminalstatistik (PKS). Jahresbericht 2022 der polizeilich registrierten Straftaten. Sektion Kriminalität und Strafrecht, BFS Bundesamt für Statistik (BFS)/ Neuchâtel 2023. P. 62
4. Polizeiliche Kriminalstatistik (PKS). Jahresbericht 2022 der polizeilich registrierten Straftaten. Sektion Kriminalität und Strafrecht, BFS Bundesamt für Statistik (BFS)/ Neuchâtel 2023. P. 9
5. Ст.А.А.Трефилов. Модели досудебного производства в Швейцарских кantonах на кануне принятия УПК 2007г. // Вестник Московского Университета.– 2013, Выпуск 3. – С 1-7-115.
6. Ст.А.А.Трефилов. Проверочные производства в уголовном процессе Швеции / Ученые записки Казанского юридического института МВД России. Том 2. – 2016, – С 127-135
7. Ст.А.А.Трефилов. Система принципов в уголовном процессе Швеции // Право. Журнал Высшей школы экономики.– 2018, Выпуск 2. – С 170-192.
8. Ст.А.А.Трефилов. Особенности доказывания в уголовном процессе Швеции // Судебный власть и уголовный процесс.– 2018, Выпуск 2. – С 274-275.
9. Ст. К.Л.Кунц. Криминология и противодействие преступности в немецкоязычных странах (Германия, Австрия, Швеция) // Криминология: вчера, сегодня, завтра. – 2019, Выпуск 2 (93). – С 5-79.
10. Теоретико-прикладные вопросы развития досудебного производства по уголовным делам на современном этапе: сб. ст. междунар. науч.-практ. конф., Новополюцк, 26–27 сент. 2019 г.: в 2 т. / Полоц. гос. ун-т; редкол.: И. В. Вегера (отв. ред) [и др.]. – Новополюцк: Полоц. гос. ун-т, 2019. – Т. 2. – С. 233-134.
11. Швеция Федерал статистика бошқармасининг расмий сайти. URL:https://www.bfs.agmin.ch/bfs/de/home/staticiken/kriminalitaet-strafrecht/strafjustiz/sanktionen-intersuchungshaft.assetdetail.5366432

СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Судьялар ҳамжамияти – судьялар ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштироки асосида мустақил тузиладиган махсус орган бўлиб, суд ҳокимияти мустақиллигини, судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятга аралашувлар олдини олади ва судлар фаолиятида ички ва ташқи бошқарувни амалга оширади. Судьялар ҳамжамияти судлар фаолияти самарадорлиги ва мустақиллигини таъминлашда ушбу органлар таркибига киритилган субъектларга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бинобарин, халқаро стандартлар билан судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида фуқаролик жамияти институтларини киритиш зарурлиги ва субъектларнинг иштирок этишига оид бир қатор чекловлар кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини ўрганиш юзасидан билдирилган тавсияларида ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунига нисбатан берган хулосасида, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижалари юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Ўзбекистонга билдирган тавсияларида Судьялар олий кенгаши ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, жумладан жамоатчилик вакиллари иштирокини белгилаш лозимлигини қайд этиб ўтган. Шунингдек, Кенгаш таркибига қонунчилик ва ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг бўлиши суд ҳокимияти мустақиллиги принципига зид ҳисобланиши, Кенгаш аъзолигига номзодлар учун талабларни белгилаш орқали унинг таркибига тегишли билим ва малакага эга бўлган аъзоларни қабул қилиш ҳамда ҳар қандай ташкилотдан вакилларни қабул қилиш имконини истисно этиши назарда тутилган.

Жумладан, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида жамоатчилик вакиллари иштирокини белгилаш ва уларнинг асосий вазифалари сифатида Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг 10-сонли хулосаси 42-бандида судьяларни танлаш ва тайинлаш, лавозимини ошириш, судьяларни баҳолаш, интизомий ва одоб-ахлоқ масалаларини ҳал қилиш, судьяларни ўқитиш, судларнинг бюджети ва молиялаштирилишида иштирок этиш, судларни бошқариш, судьяларни ҳимоя қилиш, давлат органларига суд ва судьяларга оид хулосалар бериш, миллий ва халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш, жамият олдида жавобгарлик (шаффофлик, ҳисобдорлик, ҳамкорлик) каби вазифаларни амалга оширувчи судьялар кенгашини (алоҳида ёки бошқа органлар билан ҳамкорликда ишловчи) тузиш тавсия этилган.

Қонунчиликда суд ҳокимияти тизимида судьялар ҳамжамияти органларининг вазифасини бажариб боровчи органлар ташкил этилган бўлсада, уларнинг ҳуқуқий асослари белгиланмаган. Масалан, М.Қаландарова судьялар ҳамжамияти органи қонунчилик билан аниқ белгиланмаган

бўлсада, ўзини ташкилий, ижтимоий, ҳуқуқий ва молиявий масалаларини ўзлари ҳал этадиган, ўзини-ўзи бошқариш вазифалари амалга оширувчи орган эканлигини таъкидлайди. Бизнингча ҳам, Судьяларнинг олий малака ҳайъатлари, судьяларнинг малака ҳайъатлари, илмий маслаҳат кенгаши ва бошқа кўплаб судьялар ҳамжамияти органларининг вазифасини амалга ошириб боровчи суд органлари мавжуд бўлсада, қонунчилик билан улар судьялар ҳамжамияти органи сифатида белгиланмаган.

Судьялар ҳамжамияти органлари бўйича хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, Россия Федерацияси ва Қирғизистонда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар қабул қилинган бўлиб, Россия Федерациясида судьялар ҳамжамияти органларига судьялар съезди, судьялар конференциялари, судьялар кенгаши, судьялар умумий мажлиси, судьялар олий малака ҳайъати, судьялар малака ҳайъатлари, судьялик лавозимига малака имтиҳонини қабул қилиш бўйича Олий имтиҳон комиссияси киритилган бўлса, Қирғизистон Республикасида бундай органлар сифатида судьялар съезди, судьялар кенгаши ва судьялар мажлиси, Литва Республикасида судьяларнинг умумий мажлиси, судьялар кенгаши ва судьялар шаънини ҳимоя қилиш суди, Украинада судьялар мажлиси, судьялар кенгаши, судьялар съезди белгиланганини кўриш мумкин. Мазкур давлатларнинг тажрибаси эса, барча судларнинг ташкилий фаолиятини тартибга солиш ва бу жараёнда иштирок этувчи кўпчилик судьялар фаолиятини ўз ичига олган ҳамжамият назарда тутилганини келтириш мумкин.

Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этишига оид халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, Грузиянинг “Умумий судлар тўғрисида”ги қонуни 47-моддасида интизомий жавобгарлик ишлари бўйича коллегия таркиби 5 та аъзодан иборат бўлиб, улардан 3 таси Грузия умумий юрисдикция судларининг судьялари ва 2 таси судья бўлмаган шахслар ҳисобланади. Коллегиянинг судья бўлган аъзолари Грузия судьялар конференцияси томонидан сайланади, судья бўлмаган аъзоларини Парламент сайлайди. Бундан ташқари, Адлия олий кенгаши таркиби Олий суд раисидан ва Грузия умумий

судьяларининг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан сайланган 8 та умумий судлар судьяларидан иборат бўлади. Шу билан бирга, Парламент кенгашининг 2 та аъзосини профессор ва тадқиқотчилар ҳамда адвокатлар ассоциацияси аъзоларидан ёки нотариот юридик шахслар томонидан сайланган фуқаролардан, Грузия Президенти кенгашга бир нафар аъзони тайинлайди.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Белоруссия давлатлари тажрибасида ҳам, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида нафақат амалда фаолият юритаётган судьялар, балки суд фахрийлари, жамоатчилик институти вакиллари иштироки мавжуд.

Хусусан, судьялар ҳамжамияти органлари судлар ва индивидуал судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд ҳокимиятининг самарали ишлашини рағбатлантириш ҳамда уларнинг жамият олдидаги масъулият ва ошқоралигини таъминлаш мақсадида Европа суди маслаҳат кенгашининг 10-сонли тавсиясида, “ҳар қандай сиёсий ёки бошқа ташқи аралашувнинг олдини олиш юзасидан судьяларни танлаш бўйича мустақил органини ташкил этиш, унда кўпчилик судьялар бўлиши керак” лиги қайд этилган.

Жумладан, Литванинг “Судлар тўғрисида”ги қонунида судьялар ҳамжамияти органлари сифатида “Судьялар ахлоқи ва интизоми бўйича комиссия”, “суднинг ички бошқарув органи”, судлар фаолиятини назорат қилиш юзасидан тузиладиган “суриштирув комиссиялари” мавжуд. Улар фаолиятини шакллантириш ушбу қонуннинг 551-моддасида танлов комиссияси томонидан амалга оширилади. Танлов комиссиясининг 3 нафар аъзоси судьялар кенгаши органи томонидан амалдаги судьялар ва 4 нафар аъзоси Республика Президенти томонидан жамоатчилик вакиллари орасидан тайинланиши кўрсатилган. Судьялар ахлоқи ва интизоми бўйича комиссияда, суднинг ички бошқарув органида, судлар фаолиятини назорат қилиш юзасидан тузиладиган суриштирув комиссияларида судьялар билан бирга, суд ходимлари, мутахассислар, олимлар ва жамоатчилик вакиллари иштироки мавжуд. Жумладан, фахрий судьялар кенгашида, яъни фақатгина судьялар кенгашида ҳам жамоатчилик вакиллари иштироки белгиланган.

Франциянинг 1958 йил 4 октябрдаги Конституцияси 65-моддасида Олий Кенгашнинг раислигига кассация судининг раиси тайинланиши, қўшимча равишда кенгаш таркибига 5 нафар судья, 1 нафар прокурор, 1 нафар Франция давлат кенгашининг раиси, 1 нафар амалиётчи адвокат ҳамда 6 нафар малакали фуқаролар кириши, улардан икки нафари Республика Президенти, иккитаси Миллий йиғилиш раиси ва яна иккитаси Сенат раиси томонидан тайинланиши кўрсатилган. Бироқ, бизнинг қонунчилигимизга эътибор қаратадиган бўлсак, одил судловни амалга ошириш жараёнида прокуратура ва адвокатура соҳасининг муайян вазифалари белгилангани ва бу судда тортишувчанлик принципини ўзида ифодалайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, судьялар ҳамжамияти органларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатура соҳасидан мутахассисларни жалб қилмаслик мақсадга мувофиқ. Жумладан, халқаро стандартлар би-

лан мазкур органлар таркибига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни киритмаслик кўрсатилган.

Бундан ташқари, судьялар ҳамжамияти органларини шакллантиришга оид Озарбайжон, Грузия, Молдова ва Украина давлатларнинг қонунчилигига кўра, судьялар ҳамжамияти органларида амалда фаолият олиб бораётган судьялар 50 фоизни ташкил этиши, ҳамжамиятнинг қолган аъзолари судьялар ичидан танланмаслиги, жамоатчилик вакиллари томонидан шакллантирилиши назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад судьялар ҳамжамияти органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда судьялар ва жамоатчилик вакиллари умуумий ва тенг ҳуқуқлар асосида овоз бериш йўли билан ҳал этишда мутлақо бир томон кўпчиликнинг овози билан бошқа томоннинг ҳуқуқларини бузмаслик, жамоатчилик вакиллари билан мувозанатни сақлаб туриш мақсадида судьялар сонига нисбатан чекловлар ўрнатилган.

Шу нуқта назардан, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида амалда фаолият юритаётган судьялар билан бирга жамоатчилик вакиллари бўлиши, жамоатчилик вакиллари нисбатан муайян талабларни белгилаш ва фаолияти бўйича жамоатчиликни хабардор қилиб боришга оид тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатиб беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг роли жуда юқори. Бу эса судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш, судьялар фаолиятига гайриқонуний тарзда таъсир ўтказишни олдини олиш, коррупциявий фаолиятларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Муроджон ШЕРМАТОВ,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Антикоррупционные реформы в Узбекистане. https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf
2. Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов о посещениях им Узбекистана. <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>
3. Закон Кыргызской Республики “Об органах судейского самоуправления”. С.4. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202245>
4. Закон Украины “О судоустройстве и статусе судей”, ст.127. https://kodeksy.com.ua/ka/o_sudoustrojstve_i_statuse_sudej/statja-129.htm
5. Закон “О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан”. С. 38. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z000000132>
6. Заключение № 10 (2007) КСЕС “О совете судебной власти на службе общества”. [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD\(2007\)028.aspx](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD(2007)028.aspx)
7. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Ўзбекистонга билдирган тавсиялари https://www.legislationline.org/download/id/8082/file/327_JUD_UZB_10Oct2018_ru.pdf
8. Литва Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 114-моддаси. https://www.legislationline.org/download/id/8793/file/Lithuania_law_courts_1994_am2020_ru.pdf
9. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 28.07.2021 йилдаги Қонуни 80-моддаси, <https://lex.uz/docs/5534923>
10. Умумий судлар тўғрисидаги Грузия Республикасининг 04.12.2009 йилдаги қонуни <https://matsne.gov.ge/en/document/download/90676/29/ru/pdf>
11. Федеральный Закон “Об органах судейского сообщества в Российской Федерации”. С.3. <https://docs.cntd.ru/document/901812690>
12. https://www.conseil-constitutionnel.fr/sites/default/files/as/root/bank_mm/constitution/constitution_russe_version_aout2009.pdf
13. <https://m.kun.uz/news/2020/09/05/ozbekistonda-sudyalar-hamjamiyatiga-oid-qonun-ishlab-chiqilmoqda-u-nimalarni-ozgartiradi>
14. https://www.teisma.lt/data/public/uploads/2020/06/11-teismu-istatymas_en.docx

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистон Республикасида олий таълим ва ундан кейинги таълим йўналишида уч босқичли тизимнинг жорий этилганлиги, унинг мазмун-моҳияти, амалиётда жорий этилиши, хориж тажрибаси ва келажакдаги истиқболлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, магистратура, таянч докторантура, мустақил изланувчи, илмий тадқиқот, илм фан, илмий-педагог.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизими ривожлантириш ва таълим ислохотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан ислохотлар натижасида ўрта ва ўрта махсус ўқув соҳасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди: Республика олий таълим тизимидаги асосий устувор вазифалар қаторига халқаро стандартларга эришиш ва таълим ҳужжатларини халқаро меҳнат бозорида эътироф этиш, университет бошқарувини ислоҳ қилиш, жаҳон таълим хизматлари бозорида илмий даражаларни белгилаш ва тан олиш, янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва университетлар ва корхоналар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш киради.

Шунингдек, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим йўналишида уч босқичли таълим тизими (бакалавр+магистратура+докторантура) шакллантирилди. TEMPUS (TEMPUS-Trans-European Mobility Programme for University Studie-университет таълими соҳасидаги трансевропа мобиллик дастури) миллий офиси ташкил этилди, ҳар йили қатор халқаро таълим лойиҳалари амалга оширилмоқда. Замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган олий таълимнинг икки босқичли тизими - бакалаврият ва магистратура яратилди. Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтлари жорий қилинди, уларни моддий рағбатлантириш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади. Шу билан бирга олий таълимдан кейинги таълим соҳасини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш мақсадида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган суръатлар олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида орттирилган тажрибанинг моҳиятини қатор хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги илғор амалиётини ҳисобга олган ҳолда қайта англаш зарурлигини тақозо этмоқда. Ҳозирги шароитда илмий кадрлар тайёрлаш жараёнини тобора жадал ривожлантириш ва сифатини ошириш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш, олий таълим ва илмий муассасаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ундан республиканинг инновацион ривожланишида самарали фойдаланиш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинган эди. Кейинчалик олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида тасарруфиди олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мавжуд бўлган бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда қатор хорижий мамлакатларнинг халқаро амалиётига мувофиқ 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали:

диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантура;

диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантура тизими жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 16 февральдаги Фармонида 2017 йилнинг 1 июлига қадар олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида таҳсил олаётган шахсларни янги тизимнинг тегишли институтларига ўтказиш, янги талабларга мувофиқ аттестация ишларининг қабул қилиниши, кўриб чиқилиши ва талабгорларга фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражалари берилишини таъминлаш, шунингдек таянч докторантурада, докторантурада ёки мустақил

*Ҳаво еовуғанда
инсон соя бер-
ган даражатларни
унутади.*

Ф.М.Достоевский

изланувчи сифатида ўқишни бошлаш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ барча зарур чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йилдаги 304-сон қарори ва унга илова тарзда Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида Низом қабул қилинган. Мазкур Низомда Олий таълимдан кейинги таълим, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчиликка куйидагича таъриф берилган:

Олий таълимдан кейинги таълим — докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайдиган таълим тури;

таянч докторантура — фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

докторантура — фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим;

мустақил изланувчилик — фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

докторант — илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

мустақил изланувчи — илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

изланувчи — фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаётган шахс.

Мазкур таълим тури Фарбий Европа ва Шимолий Америкада, шунингдек, МДХнинг айрим мамлакатларида олий ўқув юртидан кейинги таълим сифатида эътироф этилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим – аспирант, докторант, тадқиқотчи шахсини ривожлантириш ва уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга, илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича касбий кўникмаларни ривожлантиришга, шу жумладан илмий малака бериш билан яқунланишига қаратилган асосий таълим даражаси ҳисобланади.

Қ.Ибайдуллаевнинг таъкидлашича “Узлуксиз таълим инсон учун бутун ҳаёти давомида эгаллайдиган таълим эканлиги фанда маълум. Шунингдек, ҳуқуқий билим,

ҳуқуқий маданият илдиэлари муқаддас динимиз, буюк до-нишмандлар, мутафаккирлар асарларида мавжуд. Иккинчи томондан дунёдаги мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда яратилган қонунларимиз. Булар – бизнинг маънавий бойлигимиз”. Бу борада халқаро тажрибага эътибор берадиган бўлсак, ижобий томонларини кўришимиз мумкин. Жумладан АҚШ, Германияда докторантурада ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Дастлаб, докторант диссертация ёзиш учун ўқув курсидан ўтади. Одатда, дастлабки икки йил давомида докторантлар турли хил 20-30 та ўқув курсларида ўқийдилар. Ушбу курслар, биринчи навбатда, маълум бир фан бўйича мавжуд назарияларни чуқур тушунишга ва уларнинг аксарияти тадқиқот усулларини ўрганишга қаратилган. Ўқув курсини тугатгандан сўнг докторантлар малака имтиҳонини топширадилар, уни муваффақиятли тугатгандан сўнг диссертация танланади, сўнгра ёзилади ва ҳимоя қилинади. Демак, докторант икки йил давомида диссертация ёзишнинг тартиби, техникаси, методи (усули), мазмун-моҳиятини тушуниб, назарий, илмий-амалий билим ва кўникмага эга бўлгандан сўнг диссертация ёзишга киришади. Бу эса унинг илмий иши ҳар жиҳатдан мукамал бўлишига хизмат қилади. Бунинг натижасида илм-фанга самарали ҳисса қўшувчи сифатли тадқиқот юзага келади.

Профессор С.Молдабаевнинг фикрига кўра, кадрлар тайёрлашнинг ушбу модели (бакалаврият – магистратура – PhD) жорий этилиши дунёнинг кўплаб мамлакатларида энг кенг тарқалган бўлиб бу табиий ва ўринлидир. Бу энг мослашувчан ва самарали, шунингдек, тез ўзгарувчан меҳнат бозори шароитида битирувчилар учун академик ҳаракатчанлик ва талабни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Янги Ўзбекистон таълим тизимида узвийликни таъминлаш илм-фаннинг эртанги ривож ва рақобатбардош муҳитда ўз ўрнини эгаллаш ҳамда мамлакатнинг келгуси равнақи учун муҳим аҳамиятга эга.

Хушвақт ҚУРБОНОВА,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобоҳўжаев Ш.И. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширишнинг мумкин бўлган йўллари ва ўзига хос хусусиятлари. Наука и современность Science and Modernity -Тамбов. 2016.-№ 1 (7).Стр. -108
2. Бобоҳўжаев Ш.И."перспективы формирования единого научно-образовательного пространства в большой Евразии" <https://cyberleninka.ru/article/n/poslevuzovskoe-obrazovanie-vozmozhnye-puti-sotrudnichestva/viewer>.Стр. -579
3. <https://lex.uz/docs/3213410>
4. Бобоҳўжаев Ш.И. Статья "Перспективы формирования единого научно-образовательного пространства в большой Евразии" <https://cyberleninka.ru/article/n/poslevuzovskoe-obrazovanie-vozmozhnye-puti-sotrudnichestva/viewer> стр.-580
5. Ибайдуллаев Кудратилло, "Хуқуқий таълим" Ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш-таълим тизимининг устувор йўналиши. Б.- 90
6. Саркытбек Молдабаев: "Желая принять чужое, важно не потерять свое..." (Я. Новосельская) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30481266&pos=5;-88#pos=5;-88
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг "Олий таълимдан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони. 2017 йил 16 февраль № 4958. ВМ № 304- сонли қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йилдаги "Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора -тадбирлари тўғрисида"ги 304-сон қарори.

СУД ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ЭТИЛИШИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда суд тизимидаги ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: одил судлов, инсон ҳуқуқлари, суд орқали ҳимояланиш, фуқаролик иши, суд ишларини юритиш, фуқаролик суд ишларини жадаллаштириш.

АННОТАЦИЯ:

в статье освещаются особенности судебной системы в обеспечении закрепленных конституцией и законами прав и свобод человека и гражданина.

Ключевые слова: правосудие, права человека, судебная защита, гражданское дело, судебное разбирательство, ускорение гражданского судопроизводства.

Мамлакатимизда инсон ҳамда фуқаронинг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш қонун устуворлиги ва суд ҳокимияти мустақиллиги билан бевосита боғлиқ жараён эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Буни сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш,

одил судловни самарали таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ушбу амалга оширилган ишлар натижасида судлар ихтисослаштирилиб, жиноят, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди. Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг апелляция тартиби жорий этилиб, ишларни кассация тартибиде кўриб чиқиш жараёни ислоҳ қилинди, тергов ва айбланувчини ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди. Жиноят ишларини судларда кўриб чиқиш муддатлари қатъий белгиланиб, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш, тайинлаш, сайлашнинг демократик ҳуқуқий механизми жорий этилди ва суд қарорларини ижро этиш бўйича алоҳида департамент ташкил этилиб, судлар ўзларига тегишли бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Суд жараёнида тортишув тамойилини амалга ошириш кафолатлари кенгайтирилди, тарафларнинг, жумладан, прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланди. Жиноятларнинг таснифи қайтадан кўриб чиқилди ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва ўта оғир бўлмаган жиноий ҳаракатлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилди. Маҳкумларнинг жазони ўташ шароитлари яхшиланди ва судланганларни жазо муддатидан илгари озод этишнинг ҳуқуқий асослари бир мунча кенгайтирилди. Жиноий жазолар либераллаштирилиб иқтисодий жиноятлар бўйича зарарни қоплаган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллмаслик қондаси жорий қилинди.

Бу ўзгартишлар суд ҳокимияти тўғрисидаги жазолаш органи деган қарашни ўзгартириб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи давлатнинг чинакам мустақил инсти-

*Ахлоқ билан
нутқлашгандан
ақлли билан суҳбат-
лашган маъқул.*

* * *

*Қачилиган ўрдак-
ни отадилар.*

* * *

*Бировнинг қўли
билан тикан юлт
осон.*

Донолар бисотидан



тутига айланишига, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини оширишга, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига кўра Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш деганда, ҳуқуқ нормаси, суд ҳимояси ҳамда ташкилий, иқтисодий, шунингдек бошқа ҳаракатларни ўз ичига олувчи, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими тушунилади. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш йўлларида бири судга мурожаат қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Бу борада, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишни таъминлашда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ролини алоҳида қайд этиш жоиз. Шу мақсадда, фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишда энг қулай ва энг яхши натижа берадиган шарт-шароитларни яратиш лозим.

Албатта, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш, одил судловни таъминлаш борасида кўп ишлар қилинган бўлишига қарамасдан, афсуски, ҳозир ҳам судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда, адолатни қарор топтириш ва судда ишларни тез,



сифатли, самарали ҳал этишда ҳамда судлар томонидан қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарорларини чиқаришда одил судлов фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Шу боис, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам бериб, ишларни тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, судлар томонидан адолатли ҳукм ва қарор чиқаришда вилоят судларининг ваколати ва масъулиятини ошириш ҳамда ҳимоячига берилган ҳуқуқларни қайта кўриб чиқиш, тенгликни (адвокат ва прокурор ўртасида) таъминлаш мақсадида одил судлов сифатини оширишга хизмат қиладиган тизим яратиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият, деган олийжаноб ғоя ва илғор хорижий тажрибалар асосида фуқаролик суд ишларини юритишни жадаллаштириш давр талаби ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар самараси ўлароқ, шаклланган ва фаолияти тобора такомиллашиб бораётган фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилаётган ишларнинг сони ортиб бораётганлигининг ўзи судларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора сифатида аҳамияти қанчалик муҳим эканлигидан далолат беради. Бу ўз навбатида, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг барқарорлигини, адолатли суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва холислигини, судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини, одил судловнинг нуфузини, суд ва судьяларнинг дахлсизлигини, энг муҳими фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтиришни талаб этади.

Ўткирбек ДАВЛЕТОВ,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент.

МАҲАЛЛА ВАКОЛАТЛАРИ ДОИРАСИДА ИНСОННИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИ

Инсон ва унинг экологик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш экологик тизимнинг ўзига хос ривожланиш босқичларида намоён бўлиб, мазкур жараёнда табиатни муҳофаза қилишдан табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш босқичига ўтиши инсоннинг бевосита муҳофаза объекти эканлигини англатади.

Ҳуқуқшунос олим Р.Икрамовнинг фикрича, бу ерда объект сифатида айнан табиат ёки инсоннинг ўзи эмас, балки фуқароларнинг экологик ҳуқуқ ва манфаатлари намоён бўлади.

Фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудида ёки унга яқин ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқаролар табиатни муҳофаза қилишда ва ундан фойдаланишда маҳалла тузилмаларининг экологик ваколатларини билвосита ёхуд ўзларига тегишли экологик ҳуқуқларини бевосита амалга оширишлари мумкин.

Бунда фуқаролар ўз экологик ҳуқуқларини маҳалла таркибида ёки ўзларининг хоҳишларига кўра индивидуал тарзда амалга оширганда ҳам инсон ҳуқуқлари таъминланади.

Демак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик ваколатлари ва инсон экологик ҳуқуқлари бевосита бир-бирига боғлиқ ва узвийликда амалга ошириладиган жараён ҳисобланади.

Ушбу боғлиқликни қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

аҳолининг, бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудида яшаши;

маҳалланинг экологик ваколатлари бевосита маҳалла ҳудуди ва мана шу маҳалла фуқароларининг манфаатларини рўйбга чиқаришга қаратилганлиги;

инсон экологик ҳуқуқларининг амалга оширилиши маҳалланинг экологик ваколатлари амалга оширилиши билан уй-вун эканлиги;

деярли барча экологик қонунчиликда фуқаролар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга оид ваколатлари бир хил этиб белгиланганлиги;

фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига бевосита тааллуқли эканлиги.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 15 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни

муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳақида”ги низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг экологик ҳуқуқларини таъминлаш масаласи назарда тутилган.

Жумладан, мазкур Низомнинг 3-боби 9-бандида Давлат экология қўмитасининг вазифаларидан бири сифатида “экология ва атроф муҳит муҳофазаси масалаларида жамоатчилик ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ва қулай атроф муҳитга бўлган фуқаролар ҳуқуқини таъминлаш лозимлиги” белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари – демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимлари замонавий халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигининг муҳим кўсаткичидир. Инсон ҳуқуқлари инсоннинг муносиб ва хавфсиз ҳаётини, замонавий жамиятнинг мураккаб шароитларда унинг эркин ҳаёт кечириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

Юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор институтлар фаолият олиб бормоқда.

Ҳуқуқшунос олим А.Саидовнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳал этишдаги асосий жиҳат – бу ҳуқуқ ва эркинликларни назарий ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлашгина эмас, балки уларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар, кафолатлар ва механизмларни яратишдан иборат.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига тааллуқли инсонларнинг экологик ҳуқуқлари ҳақида фикр билдириляётганда, унинг тушунчасини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Экологик ҳуқуқ инсоннинг энг муҳим табиий ҳуқуқи ҳисобланган – соғлом атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилганлиги сабабли, замонавий шароитларда унинг ривожланиши фуқаролик жамияти асослари ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсоннинг экологик ҳуқуқлари ҳақида ҳуқуқшунос олимлар томонидан бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилган.

М.М. Бринчук инсоннинг экологик ҳуқуқи тушунчасини қуйидагича таърифлайди: “Инсоннинг экологик ҳуқуқи деганда, табиат билан ўзаро муносабатда бўлишда инсоннинг турли хил эҳтиёжларини қондиришни таъминлаб берувчи индивид ҳуқуқларининг эътироф этилиши ва қонунчиликда мустаҳкамланиши тушунилади”.

Ш.Бобоқулов экологик ҳуқуқлардан фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасини илмий янгилик сифатида фанга киритган. Унга кўра, фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, қонунда белгиланган тартибда уларга ўз ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мақсадида турар-жой барпо этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун бериб қўйилган ер участкаларидан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни фуқароларнинг соф атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шундай экан, ҳар бир маҳалла фуқаролари соф атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида давлатдаги мавжуд экологик муаммоларнинг ҳал қилинишига ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Фуқаролар бундай экологик ҳуқуқларини бажараётганида бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказмасликлари керак.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига кўра,

“Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофаза-сидадир”.

Шунингдек, экология қонунчилигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига дахлдор инсон экологик ҳуқуқларидан яна бири “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси 3-қисмида “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари... тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга оид ахборот талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги” белгиланган.

“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида “фуқаролар ўз ҳаёти ва соғлиги учун қулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиши, атмосфера ҳавосини асраш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларидан ўз вақтида ахборот олиши, ўз соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилганда мазкур зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилиши ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш ва жамоат экологик экспертизасини амалга оширишда иштирок этиши” каби ҳуқуқлари келтирилган.

Маҳаллаларда инсон экологик ҳуқуқларининг кафолатланиши, экологик қонунчилик нормаларининг тегишли ҳудудларда таъминланиши давлатимиз экологик сиёсатининг амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Жамшид СУВАНКУЛОВ,

Жиззах ДПУ доценти вазифасини бажарувчи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдусатторов А. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид конституциявий – ҳуқуқий меъёрлар. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 2015 й, 5-сон, 45-6.
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами., Т.: Адолат. 2008. –Б.4.
3. Бобоқулов Ш.О. Фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш муаммолари. Юрид. фан. номзоди дисс.автореф. Т., ТДҶОИ, 2006.-Б. 6.
4. Бринчук М.М. Экологическое право (право окружающей среды) : Учебник для высших юридических учебных заведений. М., Юристь, 1999.-Б. 131.
5. Икрамов Р.А. Фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш. –Т. “Университет”. 2008. 5 б.
6. Николаев А.В. Основы экологического права и проблемы экологии., Санкт-Петербург.:Знание, г. 2001. ст. 60.
7. Саидов А. Мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари., №3(55), 2011. –Б.8.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддаси // www.lex.uz
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 09/19/29/2475-сон, 14.05.2019 й., 09/19/397/3123-сон, 11.07.2019 й., 09/19/568/3403-сон.

*Қарзни
тик туриб
берадилар,
қайтариб
олишга эса
тиз чўкиб
ёўрайдилар.*

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ ВА КРИМИНАЛИСТИКА

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада фирибгарлик жиноятини тартибга солувчи процессуал меъёрларни тузатиш ва тергов қилишининг янги тактикасини ишлаб чиқиш, илмий усул ва воситалардан қандай фойдаланиш қоидалари, хорижий давлатларда ушбу жиноят билан боғлиқ қонунчилик муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: *терговчи, тезкор бўлинмалар, криминалистика, воқеа жойини кўздан кечириш, экспертиза, ашёвий далил, электрон ҳужжат, электрон далиллар, ишора қилувчи саволлар, сўроқ қилиш тактикаси.*

АННОТАЦИЯ:

в данной статье рассматривается разработка новой тактики исправления и расследования процессуальных норм, регулирующих преступление мошенничества, правил использования научных методов и средств, а также правовых норм, связанных с этим преступлением в зарубежных странах.

Ключевые слова: *следователь, оперативные подразделения, криминалистика, осмотр места происшествия, экспертиза, вещественные доказательства, электронный документ, электронные вещественные доказательства, наводящие вопросы, тактика допроса.*

Кун сайин мулкка фирибгарлик йўли билан эгалик қилиш ва бундай тажовуларни фош этиш, тергов қилиш жараёнлари кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида уни тартибга солувчи процессуал меъёрларни тузатиш, ташкилий чора-тадбирларни такомиллаштириш ва кўриб чиқилаётган мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишининг янги тактикасини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бундай жиноят фирибгар билан қисқа муддатли мулоқот қилишда (масалан, дўконда алдаш) ёки жабрланувчи қандайдир сабабга кўра жиноятчининг ташқи кўринишига эътибор бермаганда юзага келади. Бу ерда тергов ҳаракатларининг доираси ва унинг кетма-кетлиги жиноят содир этилган вақтдан ички ишларга мурожаат қилингунга қадар ўтган вақт ораллиғига боғлиқ бўлади.

Жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабар зудлик билан етиб келган бўлса воқеа жойини, жабрланувчига топширилган буюмлар, ҳужжатларни кўздан кечириш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, шунга ўхшаш жиноят содир этганлиги учун рўйхатда турувчи шахсларнинг фотосуратлари ёки фирибгар шахснинг тахминий фотороботини чизиш, ички ишлардаги мавжуд фотороботлар жамланмасини жабрланувчи ва гувоҳларга таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракатларини ўтказиш лозим. Бу эса ўз навбатида жиноятларни тез ва тўла очишга ёрдам беради.

Агар жиноят иши кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, тергов ҳаракатларининг доираси ишдаги мавжуд маълумотлардан келиб чиқади. Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишдан ташқари кўпинча, таниб олиш учун кўрсатиш, яшаш жойида тинтув ўтказиш, экспертизаларни тайинлаш ва бошқа тегишли процессуал тадбирлар ўтказилади.

Тергов-тезкор ҳаракатлари жумласига иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни олиш мақсадида жамоатчиликка мурожаат қилиш ҳам кирди.

Тергов ҳаракатлари тезкор, узлуксиз ва тадбирларнинг тергов-тезкор гуруҳнинг барча таркибидан фойдаланиб кенг кўламда ўтказилишини талаб қилади. Бунда қисқа вақтда маълумотларни йиғиш ва қайд этиш, ҳамкорликда ишлаётган хизматларга маълумотларни тезкор етказиш учун техник воситаларни қўллаш, маълумот ташувчиларни тезкор текшириш учун мутахассислар ва экспертлар ёрдамидан фойдаланиш муҳим омил саналади.

Фирибгарлик жиноятларини самарали тергов қилишининг шартларидан бири илмий усул ва воситалардан кенг фойдаланишдир. Улар орасида алоҳида ўринни суд экспертизаси эгаллайди. Бундай жиноятларни фош қилишда кўпинча экспертизаларнинг криминалистик (хатшунослик, ҳужжатларни техник-криминалистик текшириш, дактилоскопик,

қисмлардан бутунни аниқлаш), суд-физикавий, суд-кимёвий, ва суд-товаршунослик каби турлари тез-тез ўтказиб турилади.

Фирибгарлик ашёлари ва ниқоблаш усларининг доимий равишда ўзгариб бориши ўз навбатида бошқа экспертизаларни ўтказишга зарурат туғдириши ҳам мумкин.

Бу турдаги жиноятларни тергов қилишда ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш кенг қўлланилади. Чунки жиноятчилар жиноятни амалга оширишни енгиллаштириш учун турли хил ишонч қозғалари, маълумотномалар ва шу кабилардан фойдаланадилар. Экспертизада ҳужжат матнининг дастлабки мазмуни, бажарилиш кетма-кетлиги, тайёрлаш усули ва дастхат бўйича шахсни аниқлаш мумкин. Трасологик, шунингдек, қисмлардан бутунни аниқлаш экспертизалари тергов учун муҳим бўлган саволларга жавоб беради. Баъзан фирибгарлик ашёларидан қўл излари топилиши мумкин. Бунда дактилоскопик экспертиза тайинлаш зарурати вужудга келади.

Фирибгарлик қалбаки қимматбаҳо буюмлар бериш йўли билан амалга оширилганда суд-физикавий ва суд-кимёвий текширишлар ўтказилади. Шунингдек, яна буюмнинг асл қиймати, унинг нави ва номини аниқлаш учун ҳамда бошқа саволларга жавоб берадиган товаршунослик экспертизалари тайинлаш мумкин.

Бундан ташқари, жиноят иши доирасида электрон ҳужжатларни олиб қўйишда баъзи қийинчиликлар мавжуд, чунки ёзма ҳужжатдан фарқли ўларок, унда муҳр, штамп, шахсий имзо ва бошқалар каби тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас.

Шу сабабли ҳар қандай электрон ҳужжатларни жонли сканер орқали бармоқ изи билан имзоланиши йўлга қўйиш лозим. Сабаби, амалиётда электрон ҳужжатларни имзолашда қалбакиллаштириш ҳолатлари кўп учраётганлиги ва уларни экспертиза орқали аниқлаш имкони бўлмаётганлиги тез-тез учрайди.

Ҳозирги кунда фирибгарлик жиноятини содир қилишнинг интернет ва пластик карталар билан боғлиқ турлари кенг тарқалмоқда.

Электрон алмашув орқали махсус дастурлар ёрдамида электрон ахборот ташувчи қурилмалар билан иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган электрон ҳужжатлар орқали содир қилинган жиноятларда жиноят иши доирасида ушбу дастурларни “электрон далиллар” деб эътироф этиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал қонунчилигида ўз аксини топмаганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 203-моддасида ашёвий далиллар нималар эканлиги бел-

гиланган бўлсада, “электрон далиллар” тушунчаси киритилмаган.

Электрон далилларни қайта ишлаш масаласи далилларнинг тергов тизимида янги далил манбасини яратиш орқали эмас, балки далилий ҳуқуқ парадигмасини ўзгартириш орқали ҳал қилиниши, яъни қарама-қарши жиноят процессининг жиноят-процессуал далиллари тизими яратилиши керак.

Мисол учун, Грузия Жиноят-процессуал кодексининг 78-моддасида “Ҳужжатнинг далилий қиймати” сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

1. *Ҳужжатнинг келиб чиқиши маълум бўлса ва у ҳақиқий бўлса у далилий кучга эга. Ҳужжат ёки ашёвий далилларни (агар томон уларни кашф этган, яратган ёки судга тақдим этилишидан олдин сақлаган бўлса) уларни сақлаган шахсни гувоҳ сифатида сўроқ қилиши мумкин бўлса, қабул қилинадиган далиллардир.*

2. *Ҳужжат бир вақтнинг ўзида жиноят ишида ашёвий далил бўлиши мумкин, агар у алмаштириб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлса.*

3. *Агар олиб қўйилган ва жиноят ишига илова қилинган ҳужжат жорий бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот бериш ёки бошқа қонуний мақсадлар учун зарур бўлса, у ёки унинг нусхаси қайтариллиши ёки қонуний эгасига вақтинча фойдаланиш учун берилиши мумкин.*

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 111-моддасида далил тушунчаси очиб берилган бўлса, 125-моддасида далилларни баҳолаш кўрсатилган.

Арманистон Республикасида “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун 19.11.2007 йилда қабул қилинган. Унга кўра тезкор қидирув фаолияти натижалари электрон ва бошқа оммавий ахборот воситаларида қайд этилиши мумкин. Ушбу қонуннинг 26-моддасида ўша пайтда маълум бўлган рақамли ахборот соҳасидаги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда, интернет орқали телефон суҳбатлари ва электрон хабарларни мониторинг қилиш шартлари берилган ва тартибга солинган.

Юқоридаги ўрганишлардан келиб чиқиб, ЖПКга қўшимча электрон далиллар тушунчасини киритиб, 204¹-модда, яъни “Электрон далиллар” деб номланган моддани киритишни таклиф қиламиз.

Мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан электрон алмашув орқали махсус дастурлар ёрдамида электрон ахборот ташувчи қурилмалар билан иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўл-

ган маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган электрон ҳужжат ёки бошқа ёзувлар электрон далил ҳисобланади.

Шунингдек, фирибгарлик натижасида олинган, ишда ашёвий далил деб эътироф этилган жабрланувчига тегишли пул ва бошқа қимматликлар ЖПКнинг 211-моддаси тўртинчи бандига кўра, ўз эгасига қайтариб берилиши лозим (пул ва бошқа қимматликлар эгасининг ташаббуси билан била туриб, пора предмети сифатида берилган ҳоллар бундан мустасно). Пул ва бошқа қимматликлар топилмаган ҳолларда уларнинг суммаси ёки пул бирлигидаги қиймати суд томонидан жабрланувчи фойдасига ундирилиши белгиланган.

Шунингдек, далилий ашё сифатида олинган қўл телефони, валюта қимматлиги ва қимматли қозғаларни келажакда шунга ўхшаш жиноятларни очиш ҳамда ҳуқуқий баҳо бериш учун суд ҳукми билан коллекция сифатида сақлаш учун экспертиза марказига бериш масаласини кўриш керак.

Сабаби, айрим телефонлар орқали содир қилинган жиноятлар шу вақтнинг ўзида очилади ва жиноят ишида далилий ашё тариқасида олинган телефон аппарати суд ҳукми билан йўқ қилинади. Лекин йиллар ўтгандан сўнг ушбу маркадаги телефон аппарати билан бирор-бир фирибгарлик жинояти содир қилинса, ушбу телефон аппарати маркази эскирганлиги, дастурлари мавжуд эмаслиги сабабли жиноятни очишда муаммолар бўлади.

Шунингдек, ЖПКнинг 102-моддасида ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланиши белгиланган. Ушбу процессуал меъёр кўпгина хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган.

Масалан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 189-моддасига кўра, ишора қилувчи саволларнинг берилишига йўл қўйилмайди. Бошқа ҳолларда терговчи сўроқ қилишнинг тактикасини эркин белгилайди.

Мазкур “Бошқа ҳолларда терговчи сўроқ қилишнинг тактикасини эркин белгилайди” деган қонун Ўзбекистон Республикаси ЖПКга татбиқ этиш лозим, чунки сўроқ қилишдан тергов ҳаракатининг мақсади жиноят иши учун далиллар тўплаш ва текшириш ҳисобланиб унга сўроқ қилишнинг турли тактик усуллари орқали эришилади.

Фикримизча, ЖПКнинг қайд этилган нормаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд сўроқ қилишнинг тактик усулини эркин белгилаши, бироқ бу сўроқ қилинувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказмаслиги шартлиги ҳақидаги қоида билан тўлдириш лозим.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам прокурор судланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилар кўрсатувларидан бошқа далиллар билан ҳақиқатни аниқлашга қаратилган чораларни кўриши лозим.

Юқоридаги таҳлил ва фикрлардан келиб чиқиб, фирибгарлик жиноятларини тергов қилишнинг криминалистик жиҳатларини такомиллаштириш, тергов давомида жиноятни тез ва осон йўллар билан очишини таъминлашда қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

★ *жиноят содир этганлари учун рўйхатда турувчи шахсларнинг реестрини юритиш, уларнинг фотосурати ёки тахминий фотороботини чизиб, таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракатларини оммавий ахборот воситалари ёки одамлар кўп тўпландиган жойларга қўйиш орқали фирибгарлик жинояти содир қилган шахсларни аниқлаш ва бошқаларнинг жиноят қурбони бўлишининг олди олинади.*

★ *криминалистик экспертиза фирибгарлик жиноятини содир қилиш усули ва кейинчалик шунга ўхшаш жиноятларнинг олдини олишда кўмакдош бўлади.*

★ *жиноят ишларида далилий ашё сифатида олинган қўл телефони, валюта қимматлиги, қимматли қозғаларни суд ҳукми билан коллекция сифатида сақлаш учун экспертиза марказига бериш кабилар ўз навбатида келажакда шунга ўхшаш жиноят содир этилган тақдирда ушбу жиноятларни очишда муҳим роль ўйнайди.*

★ *Қонунчиликка “Электрон далиллар” тушунчасининг киритилиши жиноят иши доирасида электрон дастурлар ёрдамида амалга оширилган фирибгарлик жиноятлари бўйича ашёвий далилларни олишни қонунийлаштиради.*

★ *ЖПКнинг 102-моддасига асосан ишора қилувчи саволлар сўроқ қилинувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказмасдан берилиши суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг сўроқ қилиш давомида эркин тергов ҳаракатларини олиб боришига ҳамда жиноятни тез ва тўла очишда ёрдам беради.*

Бекзод ХУЖАМУРАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арманистон Республикаси “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун 2007 йил.
2. Грузия Жиноят-процессуал кодекси. 2009 йил.
3. “Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 07.04.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 12.04.2020). <http://www.consultant.ru/>
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. - Т.: Адолат, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т. Адолат, 2019.
6. Қозғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 2014 йил.

Оёғи асалга ботиб қолган ПАШША



Дарё тарафдан келган пашша бир чеккада асал тўла косани кўриб қолди. У завқланиб, жондили билан асалга ўзини урди. Бундай лаззатли таомни шоҳ ҳам, гадо ҳам емаган деб, пашша асални еяверди. Пашша асални ўртасидан бошлаб еган эди. Тўйиб қолиб четга чиқмоқчи бўлганда оёғи асалга ботиб қолди. Чиқишга ҳаракат қилган сари баттар аҳволи оғирлашар эди.

Биз ҳам баъзан очкўзлик қилиб чуқурга, чоҳга тушиб қоламиз. Бақириб-чақирсак бизни Эгамнинг қаҳри ўлдиради. Агар ҳаддимизни билмасак, бизни асалнинг захри ўлдиради.



“Мантиқ ут-тайр” дан.

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Жорий йилнинг 18 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти ўтказилди. Мазкур очиқ мулоқот ҳам ҳар галгидек шаффоф, танқидий-таҳлилий руҳда ўтди. Унда кичик бизнесга янги имкониятлар яратиш, ўрта бизнесни барқарор иқтисодий ўсиш гаровига айлантириш, янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш, юқори даромадли корхоналарни кўпайтириш ҳамда содда солиқ маъмуриятчилиги ва бюрократиядан холи қулай муҳит яратиш каби масалалар асосий ўринни эгаллади.

Кутилганидек бу йилги йиғилиш ҳам тадбиркорлар учун янги-янги имкониятлар эшигини очди. Ушбу мулоқот давомида ўртага ташланган таклифлар, танқид нишонига олинган мавзулару кўрилган чора тадбирлар хўжақўрсинга эмас, балки мамлакат иқтисодиётининг таянчларидан бўлган тадбиркорларнинг юкини енгиллатишни мақсад қилгани очиқ мулоқот хулосаларидан аён бўлди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан учрашувдан олдин улар томонидан келиб тушган 6 мингдан зиёд таклифлар обдон ўрганилди. Эътироф этиш керакки, очиқ мулоқотда Президентимиз томонидан тадбиркорлик ривожини янада юксак босқичга кўтариш давлатимизнинг устувор вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди ва соҳани янада ривожлантириш, тадбиркорларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан бешта муҳим йўналиш белгилаб берилди. Очиқ мулоқотнинг боришини диққат билан кузатган одам у ерда тадбиркорлар ва ишбилармонлар кўнглидаги гаплар бўлганини англаши қийин эмас.

Шу ўринда бироз ортга қайтиб таъкидлаб ўтиш жоизки, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда маъмурий органлар ўртасидаги одил судлов билан боғлиқ низолар ечимини янги босқичга кўтариш, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2023 йилнинг 26 апрелида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди. Мазкур қонун билан давлат органларининг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судлар ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор меъёрлар киритилди. Жумладан, маъмурий суд ишларини юритишда

янги – “Суднинг фаол иштироки” тамойили асосида иш юритиш жорий этилди. Бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан қўшимча далиллар йиғиш, ишда иштирок этувчи шахсларга эса ишнинг ҳақиқий ҳолатини текширишда ва далилларни тўплашда судга кўмаклашиш шартлиги белгилаб берилди.

Статистик маълумотларга кўра жорий йилнинг ўтган даврида оммавий низолар бўйича жами 11.525 та иш кўриб чиқилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 фоизга кўп демакдир. Кўрилган ишларнинг қарийб учдан икки қисми мансабдор шахсларнинг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишга оид, шунингдек, таҳлилларга кўра солиқ органлари қарори юзасидан низолашиш ҳолатлари ҳам кўпайганлиги кўзга ташланади. Ушбу очиқ мулоқот ва ундан кейинги қабул қилинган ўзгаришларга кўра иқтисодий судлар қамровига тегишли бўлган айрим масалалар маъмурий судлар юрисдикциясига ўтказилди.

Бугунги кунда иқтисодий судлар:

- *юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар солиқларини ҳисоб-китоб қилиш;*
- *молиявий жарималар;*
- *бюджет олдидаги қарзларни ҳисоблаш, мажбурий ундирув чоралари;*
- *тўловга ноқобиллик сабабли юзага келадиган низолар каби бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ёки ҳуқуқларга оид даъволарни кўриб чиққан бўлсалар 2024 йил 1 январдан бошлаб иқтисодий судлар томонидан солиқ органлари иштирокида кўрилаётган айрим ишлар маъмурий судлар юрисдикциясига ўтказилади, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати 5 йилдан 3 йилга туширилади. Аҳоли ва тадбиркорларга ажратилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда мазкур кредитлар бўйича фоизлар (неустойка) ҳисобланиши*

тўхтатилади. Бундан ташқари, мазкур қонунга мувофиқ, маъмурий судларнинг судловига янги тоифада ҳал этиладиган;

– иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочиси чиқарган қарор устидан низолашишга оид ишлар;

– маъмурий органлар томонидан ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан берилган ариза ва шикоятлар (қарздорлик ундируви сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати деганда, маъмурий органлар, жумладан, солиқ органлари томонидан Солиқ кодексининг 90-моддаси, божхона органлари томонидан Божхона кодексининг 351-моддасида назарда тутилган тартибда қўйиладиган инкасса топшириқномалари тушунилади);

– аризачининг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан бирга, маъмурий органдан ёки мансабдор шахсдан ўзига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талабни кўриб чиқиш каби бир қатор ишлар ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.02.2023 йил 4-сон “Судлар томонидан солиқ қонунчилигини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қароридан ҳам бу масалага эътибор қаратилиб судларга керакли тавсиялар берилди. Қарорнинг 10- бандида “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, солиқ қарздорлигини ундириш, солиқ тўловчиларнинг бюджетдан пул суммаларини қайтариш, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати юзасидан низолар, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар тегишлилигича иқтисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судловига, солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этиш устидан ариза (шикоят) маъмурий судларнинг судловига тааллуқли, бундан солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қабул қилган қарорлари мустасно”лиги белгилаб берилди.

Шунингдек, тўлов миқдори кредит мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаганда, маблағларни биринчи навбатда мутаносиб равишда муддати ўтган асосий қарз ва фоиз қарздорликларини, иккинчи навбатда жорий тўлов учун ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзни, кейинги навбатларда неустойка ва ижро ҳа-

ражатларини қўллашга йўналтириш тартиби ўрнатилади. Бу ҳам тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг аҳамияти ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ушбу қонунга мувофиқ, Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган қонун билан яна бир муҳим ўзгартиш – суд тизимига “ягона дарча” тамойили жорий этилди. Бундан буён иш фуқаролик, иқтисодий ёхуд маъмурий судга тааллуқли бўлишдан қатъий назар, аризалар “ягона дарча” тамойили асосида қабул қилинади. Эндиликда маъмурий судга мурожаат қилган мурожаатчининг шикояти мазкур судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатиш тартиби бекор қилинди. Янги тартибга кўра, ариза (шикоят) судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда, маъмурий судга тақдим этилганлиги аниқланса, 5 кун ичида “ариза (шикоят) тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш тўғрисида” ажрим чиқариб, иш материалларини тегишли судга юбориши белгиланди.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, тадбиркорлар ва солиқ идоралари ўртасидаги муаммолар бугунги кунники эмас. Унинг илдизлари анча илгариларга бориб тақалади. Имкон қадар ана шу тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлар ва солиқ идоралари ўртасидаги айрим масалаларга ечим топилди. Хусусан, қўшилган қиймат солиғининг салбий суммаси ўрнини қоплашда (қайтаришда) солиқ узилиши (tax gap) коэффицентини қўллаш амалиёти ва қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби бекор қилинди. Шунингдек, камерал солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчининг ҳудудига кириш, солиқ тўловчининг ҳудудини ва биноларини кўздан кечириш, солиқ тўловчидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш, уни чақиртириш, солиқ тўловчининг ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш тақиқланди. Айни пайтда мавжуд бўлган солиққа оид битта ҳуқуқбузарлик учун ҳам молиявий, ҳам маъмурий жарима кўзда тутилган ҳолатлар бўйича битта жавобгарлик чораси белгиланади.

Акмал ШЕРМАТОВ,

Анджон туманлараро маъмурий судининг судьяси.



**Маликахон
КАЛАНДАРОВА,**
Ўзбекистон
Республикаси
Судьялар олий
кенгаши судьяси,
ю.ф.н., доцент

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ: ИНСОФСИЗ ИЖРОЧИЛАР ВА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ

АННОТАЦИЯ:

Мақолада давлат харидларини амалга ошириш жараёнида маҳсулот етказиб берувчи шахсларнинг инсофлилиги даражасини аниқлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган. Тадқиқотнинг долзарблиги давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликда мажбуриятларни тўлиқ ёҳуд тегишли тарзда бажармаганлик учун белгиланган тартибда айбдор деб топилшнинг аниқ мезонлари белгиланмаганлиги билан ифодаланади. Ушбу мезонларнинг ўрганилишидан мақсад давлат эҳтиёжларини самарали таъминлашга қаратилган.

Калит сўзлар: давлат харидлари, инсофсиз ижрочилар реестри, мезонлар.



Давлат харидлари соҳаси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилишларини талаб этади. Зеро, мазкур муносабатлар аксарият ҳолатларда бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган маблағлар асосида вужудга келади.

Статистик маълумотларга кўра 2023 йил январь ойининг ўзида бюджет буюртмачилари томонидан 331 065 млрд. сўмлик давлат харидлари амалга оширилган.

Шу сабабли, давлат харидлари иштирокчиларининг ушбу муносабатлардаги инсофли хатти-ҳаракатларини илмий тадқиқ қилиб ўрганиш долзарб масалалардан саналади.

Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда ёки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларда “инсофли” ёки “инсофсиз” тушунчаларининг таърифи берилмаган. Фақатгина ушбу оқибатларни баҳолашнинг мезонлари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 104-моддасига кўра, агар шартнинг юз беришига унинг амалга ошишидан манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршилик кўрсатган бўлса, бу шарт юз берган деб ҳисобланади. Мазкур кодекснинг 230-моддасида ўз эғалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахс — инсофсиз эғалловчи сифатида

назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизмларини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартибини тасдиқлаш белгиланди.

Қонунда фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт қилиб белгиланди. Ушбу, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига путур етказмаслиги шарт ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги умумҳуқуқий тамойил билан бир хилдир.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келишида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари жамиятнинг маънавий асослари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса иш одоби қоидаларига қатъий риоя этишлари керак. “Ҳалоллик”, “оқиллик” ва “адолат” тушунчаларига бу ерда нафақат юридик-ҳуқуқий, балки маънавий-ахлоқий мазмун ҳам юклатилмоқда. Наинки, меъёрий иқтисодий фаолият, балки жамиятнинг бутун ҳаёти ҳам маънавий тамойил ва ахлоқ нормаларисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Ҳуқуқшунос олим Е.Сухановнинг қайд этишича, шахс қачонки қонун нуқтаи назаридан ўзининг ҳаракатлари қонунга хилоф эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, у “инсофсиз” шахс сифатида баҳоланади. Мазкур ҳолатда муаллиф “ҳуқуқни суиистеъмол қилиш” ва “инсофсиз хулқ-атвор” тушунчаларини ўзаро боғлаб, асосий эътиборни ушбу ҳаракатларнинг онгли ва инсон эркига боғлиқ ҳолда вужудга келишига эътиборни қаратади. Шунингдек, ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг яширин шакли ҳуқуқбузарликка олиб келадиган ҳолатга таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Шахснинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда шартнома ёки қонунчиликда назарда тутилмаган усул ва воситалардан фойдаланиши инсофсиз хулқ-атвор сифатида баҳоланади. Назаримизда, “инсофсиз” шахсга баҳо беришда унинг белгиланган талабларга риоя қилмаслигидан ҳам келиб чиқиш лозим.

Шу ўринда, давлат харидларига оид муносабатларда иштирокчиларнинг инсофсиз ҳаракатларига баҳо бериш мақсадида уларга қўйилган талаблар нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қонунчиликка кўра, давлат харидлари муносабатлари иштирокчилари қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Бундан ташқари, давлат харидларига оид муносабатларда иштирокчилар давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши, харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар бўлиши, асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши, голиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион ёки энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Демак, ушбу талаблар бажарилмаганда унинг жавобгарлиги вужудга келиши мумкин.

Яна бир ҳолат. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 46-моддасига асосан давлат харидлари жараёнида иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар беришига, кейинчалик шартномани имзолашни ёки уни тегишли тарзда бажаришни рад этишига йўл қўйилмайди.



Ушбу ҳолат инсофсиз ижрочилар реестрига киритилишига асос сифатида давлат харидлари-га оид қонунчиликда назарда тутилган.

Бундан ташқари:

➡ мажбуриятларни тўлиқ ёхуд тегишли тарзда бажармаган ижрочилар (бундан мажбуриятлар бартараф этиб бўлмайдиган кучлар оқибатида бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳоллар мустасно) тўғрисидаги;

➡ давлат харидлари жараёнида ёлгон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этган, айни битта лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашув тўғрисида маълумотларни очиб бермаган иштирокчилар тўғрисидаги;

➡ суднинг қарорига кўра фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган ижрочилар тўғрисидаги маълумотлар инсофсиз ижрочилар реестрига киритишга асос ҳисобланади.

Давлат харидлари иштирокчиларининг инсофсизлиги билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашда буюртмачилар томонидан шартнома бир томонлама бекор қилинганда маҳсулот етказиб берувчи ва ижрочиларнинг инсофли ҳаракатлари мезонларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Назаримизда, буюртмачилар шартнома бир томонлама бекор қилинганлиги ҳақидаги хабар билан биргаликда реестрга киритиш учун ҳам хабарнома юборётганлиги ҳақида маълум қилиши керак. Бу эса, давлат харидлари ижрочиларининг ўз вақтида шартнома мажбуриятини бажариш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларида қасд мавжуд бўлмаганлиги ҳолатини тегишли ҳужжатлар билан исботлаш учун имкониятга эга бўлишига олиб келади.

Қонунчилик даражасида давлат харидлари ижрочиларининг инсофли ҳаракатлари мезон-

лари аниқ белгиланиши ягона ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти шаклланишига хизмат қилган бўлар эди.


Давлат харидлари тўғрисида шартнома тузиш учун танловларда иштирок этувчи маҳсулот етказиб берувчилар инсофсиз ижрочилар реестрига киритилиши мумкинлиги билан боғлиқ таваккалчилик ҳам қилишади, бу эса уларнинг фаолиятида жиддий чекловларга ҳам олиб келиши мумкин.

Буюртмачи харид ҳужжатларини шакллантиришда ижрочиларнинг Инсофсиз ижрочилар реестрида (кейинчалик матнда – ИИР деб юритилади) мавжуд бўлмалиги талабини белгилаши мумкин. Ўз навбатида реестрда мавжуд бўлган шахс харидлар жараёнида иштирок этмайди. ИИРга киритилишининг бошқа жиҳати шундаки, ҳар қандай учинчи шахс маълумотга асосан ушбу рўйхатдаги шахслар билан шартнома тузишни рад этиши мумкин. Натижада бу шахснинг нафақат фойдани бой бериши, балки ишчанлик обрўсининг пасайишига ҳам олиб келади. Шу сабабли, юқорида қайд этилган шахсга оид маълумотлар холис бўлиши, маҳсулот етказиб берувчи шахснинг инсофсизлиги омили унинг айбдорлигидан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши лозим. Шу муносабат билан, судлар давлат харидлари иштирокчиларининг давлат харидларига оид битимларни тузиш ва уни ижро этиш билан боғлиқ хоҳишларига оид далилларга синчковлик билан баҳо беришлари лозим. Аслида инсофсиз ижрочиларнинг мазкур рўйхатга киритилиши буюртмачиларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб ҳисобланади.

Назаримизда, маҳсулот етказиб берувчини ИИРга киритиш учун зарур шарт сифатида айбнинг мавжудлиги билан боғлиқ ноаниқликларни бартараф этиш учун “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48-моддасига ушбу реестрга киритишдан олдин ваколатли органлар зиммасига етказиб берувчининг инсофсизлигини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатлар мавжудлигини текшириш мажбуриятини юклаш лозим. Чунки, маҳсулот етказиб берувчининг буюртмачи билан шартнома тузишдан бош тортишида одатда қасд мавжуд бўлмайди, бунга энгиб бўлмас кучлар ёки техник муаммолар сабаб бўлиши мумкин.

Агар шахс асоссиз равишда ИИРга киритилган бўлса, унда унинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, ушбу маълумотларни ИИРдан чиқаришни сўраш ва суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳамда зарар ундиришга ҳақли.

ИИРдан маълумотларнинг чиқарилиши у билан боғлиқ салбий оқибатларнинг вужудга келмаганлигини кафолатламайди. Чунки, суд ИИРдан шахс ҳақидаги маълумотларни тўлиқ



олиб ташлаши, бироқ унинг сабабларини кўрсатмаслиги мумкин, бу эса шахснинг инсофсизлиги тўғрисидаги шубҳаларни бартараф этмайди.

Кейинги яна бир масала — асоссиз равишда реестрга киритилганлиги юзасидан зарар ундириш ҳақидаги талаб. Бу зарар бой берилган фойдадан иборат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги Қарорининг 13-бандига кўра, агар шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги даъво билан бир вақтда даъвогар томонидан шу бадном қилувчи маълумотлар тарқатилганлиги оқибатида етказилган моддий зарарни ёки маънавий зиённи ундириш тўғрисида ҳам талаб қўйилган бўлса, суд бу талабни ФКнинг 985-моддасига мувофиқ ҳал этади.

ФКнинг 1021-моддаси 2-қисми агар зарар кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланишини назарда тутати.

Маънавий (мулкӣ бўлмаган) зарарнинг миқдорини белгилашда суд фуқаронинг шаъни, кадр-қимматини оёқ ости қилган, обрўсини тўққан мақоланинг мазмуни ва моҳиятини, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни эълон қилган оммавий ахборот воситаси ёки муайян шахснинг айб даражасини ва шу мақола билан боғлиқ бўлган бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олади.

ФКнинг 1022-моддасига мувофиқ маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда судлар жабрланувчига етказилган маънавий зарарнинг оғирлиги, шунингдек, даъвогар жисмоний ва маънавий азобларининг даражасини тасдиқловчи объектив маълумотлар хусусияти ва ҳақоратловчи ёлғон маълумотлари тарқатилган доирани ҳамда бошқа аҳамиятга молик ҳолатларни эътиборга олишлари керак.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 11-бандига кўра, суд мажлисида куйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим:

а) даъво қилинган, раддия берилиши талаб қилинаётган маълумотнинг тарқатилган-тарқатилмаганлиги;

б) бу маълумотлар юридик ёки жисмоний шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказган-етказмаганлиги;

в) бу маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келиши-келмаслиги.

Амалиётда, маҳсулот етказиб берувчининг ИИЯРга киритилишига у томонидан шартнома-нинг имзоланмаганлиги ҳам асос бўлиши, бироқ унинг бунда айби бўлмаслиги мумкин. Жумладан, интернет билан боғлиқ муаммолар, компьютер асбоб-ускуналарининг техник носозлиги ва ҳ.к.

Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга ижрочиларнинг айби мавжудлиги шартини киритиш зарурлигини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ИИЯР давлат ахборот ресурси ҳисобланиб, тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи восита бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ҳам қонунчиликни ушбу реестрга киритишнинг зарар билан боғлиқ оқибатларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш талаб этилади. Бу эса, қонунчиликда юридик шахсларнинг ишчанлик обрўига путур етказганлик учун компенсация олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш лозимлигини англатади.

Бундан ташқари, зарар ижрочи ИИЯРдан чиқарилгунга қадар ҳисобланишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали буюртмачиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг қонуний хулқ-атворларини шакллантириш ҳамда инсофли ижрочиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беляева О. А. Контрактная система: основные проблемы правоприменения и пути их преодоления // Журнал российского права. - 2015. - № 7.
2. В.В.Кванина “Реестр недобросовестных поставщиков как способ диффамации предпринимателей” Вестник Омского университета. Серия “Право”. 2016. № 4 (49). 88 с.
3. Панченко В. Ю., Шайхутдинов Е. М. Субъективные критерии включения в реестр недобросовестных поставщиков при уклонении от заключения договора // Юрист. - 2012. - № 9.
4. Скакун О. Ф. Теория государства и права: Учебник -Харьков: Консум; Ун-т внутр. Дел. 2000–704 с.
5. Суханов Е. А. Осуществление прав и исполнение обязанностей: Гражданское право (учебник)// 3-е изд., перераб. и доп. –М.: 2008. –Том 2. –496с.
6. Тибурская Д. С. Реестр недобросовестных поставщиков (подрядчиков, исполнителей) как механизм правового регулирования отношений в сфере госзакупок // Публичные закупки: проблемы правоприменения : материалы Всероссийской научно-практической конференции (6 июня 2014 г., МГУ имени М. В. Ломоносова). – М. : Юстицинформ, 2014. - Доступ из справ.-правовой системы “Консультант Плюс”.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ, 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: “Vektor-Press”, 2010. – 816 б. – (Профессионал (малакали) шарҳлар), 30-31 Б.
8. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.11.2022 й., 07/22/425/1024-сон
9. <https://lex.uz/docs/20596> / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-модда
10. https://mf.uz/media/budget_activity_files/2023.jpg
11. <https://lex.uz/docs/5382974> / Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни
12. <https://lex.uz/acts/1438529>

ИШ ЮРИТИШНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашнинг қонуний асослари, суд муҳокамасида прокурор ваколатлари, унинг назарий жиҳатлари ҳамда ушбу босқичнинг процессуал тартибини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида такомиллаштиришга қаратилган таклифлар мушоҳада қилинган.

Калит сўзлар: янги очилган ҳолатлар, суд, янги ҳолат, прокурор, функция, ваколат, Бош прокурор буйруғи.

АННОТАЦИЯ:

в статье рассматриваются процессуальные основания возобновления производства по вновь открывшимся обстоятельствам, полномочия прокурора в судебном процессе, их теоретические аспекты, а также рассмотрены предложения, направленные на совершенствование процессуального порядка данной стадии на основе сравнительно-правового анализа.

Ключевые слова: вновь открытые дела, суд, новое дело, прокурор, функция, полномочия, приказ Генерального прокурора.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 57-бобига кўра жиноят иши бўйича янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш долзарбдир. Чунки, жиноятни фош этиш жараёнида шахс ва фуқаронинг эркинликлари, жиноятлар натижасида зарар кўрган шахслар ҳамда ташкилотларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун реал имкониятларни очиб бериш, ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча қафолатлар ва шахсни асоссиз айблаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларидан ҳимоя қилиш зарурати билан боғлиқ.

Янги очилган ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари юритиш амалиётида муайян қийинчиликлар мавжуд. Қийинчиликлар жиноят процессуал қонунчилиги талабларини билмаслик ва нотўғри тушуниш, ўрнатилган ҳуқуқни қўллаш амалиётининг йўқлиги, шунингдек, прокуратура ва судларнинг ушбу соҳадаги фаолияти услубий жиҳатдан таъминланмаганлиги сабабли юзага келиши мумкин. Бу барча сабабларнинг асосида эса Жиноят процессуал кодексидан муайян бўшлиқлар ва низоларнинг мавжудлиги ётади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни қайтадан бошлашни жиноятни фош қилиш жараёнининг мустақил босқичи ва одил судловни амалга оширишда қонунийлик қафолати деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, барча инстанция судларининг қонуний кучга кирган қарорлари жиноят иши бўйича янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашнинг предмети ҳисобланади. Яъни, мазкур суд қарори муқаддам апелляция, кассация (тафтиш) инстанцияларида кўрилган ёки кўрилмаганлиги аҳамият касб этмайди. Шу сабабли, ЖПКда янги очилган

ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашда белгиланган асослар мавжудлиги етарли бўлиб, муайян процессуал босқичлардан ўтиши шарт эмас.

Бу борада ҳуқуқшунос А.Ж.Давлетовнинг фикрича қонунда мавжуд бўлган янги очилган ҳолатлар терговчи, прокурор ва суд учун янги бўлиши керак. Шу билан бир қаторда, бу ҳолатлар ҳукмининг қонуний ва асосли эканлигини шубҳа остига қўядиган даражада аҳамиятли бўлиши лозим.

МДҲга аъзо давлатлар Жиноят процессуал кодексининг 524-моддасига кўра янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят процесси иштирокчилари кассация шикоятлари келтиришга ҳақли бўлса 533-моддага асосан янги ҳолат ва янги очилган ҳолатлар бўйича судда ишларни кўриш назорат тартибида иш юритиш қоидалари асосида олиб борилиши назарда тутилади.

МДҲга аъзо давлатлар Жиноят процессуал кодекси моделининг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унда шахсининг аҳволини оғирлаштирувчи ҳолат ҳақидаги қисмни қайта кўришга, шунингдек, ишни кўриш асослари руйхатини кенгайтиришга йўл қўйилмайди.

Хусусан, Озарбайжон Республикаси ЖПКси жиноят процессининг ушбу босқичида Жиноят процессуал кодекси модели қоидаларини кўпроқ қабул қилган. Унда ЖПКнинг янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш тизими Ўзбекистон Республикаси ЖПКдан фарқли равишда иккига ажратилган.

Худди шу каби қоидалар Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 48-бобида ҳам ўз ифодасини топган. Бизнес Жиноят-процессуал кодекси талаблари каби Арманистонда мазкур босқичда прокурор асосий субъектлардан бири сифатида иштирок этади. Бироқ, Ўз.Рес ЖПКда Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар кассация инстанцияси судига янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзғатиш тўғрисида протест беришга ҳақли бўлса, янги ҳолат ва янги очилган ҳолат бўйича иш кўзғатиш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқи Бош прокурор ва унинг ўринбосарига тегишлидир. Шунингдек, Миллий қонунчилигимизда Арманистон процессуал қонунчилигидан фарқли ўлароқ янги ҳолатлар учун асослар мавжуд эмас. Арманистонда янги ва янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш алоҳида босқич ҳисобланмай, кассация инстанция таркиби ва асосларига киритилган.

Шунингдек, Беларусь Республикаси ЖПКда худди Озарбайжон ва Арманистон Республикаси ЖПКларида қайд этилгани каби янги ҳолат ва янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш асосларга ажратилган. Шу билан бирга, Беларусь Республикаси ЖПКда янги ҳолат ва янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни кўзғатиш ҳуқуқи прокурорга тегишли ҳисобланади.

Шу сингари, Россия Федерацияси жиноят процессуал қонунчилигининг 413-моддасида янги ва янги очилган ҳолатлар белгиланган. Мазкур модданинг 3-банди янги очилган ҳолатлари мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигининг 523-моддаси 1-3-бандларига айнан ўхшашлигини кўришимиз мумкин.

Худди шунга ўхшаш қоида Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Жиноят процессуал кодексларида ҳам ўз аксини топган. Фақат Қирғизистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига РФ жиноят процессуал қонунчилиги каби янги очилган ҳолатлар ва янги ҳолатлар тушунчасига изоҳ бериб ўтилган.

Бундан ташқари, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Жиноят-процессуал кодексларининг тегишли моддаларида ушбу жиноят иши судлар томонидан кўриб чиқиладиганда халқаро органлар томонидан Республикаларнинг халқаро шартномаларга мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланганда янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

ЖПКнинг 522-моддасига кўра,

1) жабрланувчининг ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, худди шунингдек ашёвий далиллар, тергов ва суд ҳаракатлари баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг сохта эканлиги ёки била туриб нотўғри таржима қилинганлиги қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз ҳукм, қонунга хилоф ёки асоссиз ажрим чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

2) суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз ҳукм ёки асоссиз ажрим чиқарилишига олиб келган жиноий хатти-ҳа-

ракатларга йўл қўйганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3) муайян жиноят ишини кўриш чоғида судья томонидан содир этилган жиноий хатти-ҳаракатлар суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

4) ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлиги даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган шахснинг ёки ўзига нисбатан иш тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар янги очилган ҳолатлар сирасига қиради.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 522-моддасига “янги ҳолатлар” туфайли иш юритишни қайтадан бошлашни киритиш, у бўйича иш юритиш тартибини белгилаш ҳамда унга қуйидаги асосларни қайд этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- жиноят иши бўйича суд томонидан қўлланилган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки унинг бир қисми Конституциявий суд томонидан Конституция ва қонунларга зид деб топилганда;

- Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларга мувофиқ, халқаро органлар томонидан ушбу жиноят иши Ўзбекистон Республикаси суди томонидан кўриб чиқиладиганда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқлаганда.

Бизнинг миллий процессуал қонунчилигимизда жиноят иши бўйича суд томонидан қўлланилган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки унинг бир қисми Конституциявий суд томонидан Конституция ва қонунларга зид деб топилганда қандай тартибда ҳал этилиши тартибга солинмаган.

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашда прокурор ишни судда кўриб чиқилгунга қадар яъни, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзғатиш тўғрисидаги аризаларни, хабарларни кўриб чиқишда ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар кассация инстанцияси судига янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзғатиш тўғрисида протест келтиришда ёки хулоса беришда ҳамда янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масалани суд томонидан кўриб чиқишда иштирок этади.

Шу ўринда янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масалани суд томонидан кўриб чиқишда прокурор иштироки хусусида бошқа давлатлар қонунчилигига тўхталамиз.

Бизнинг ЖПКда белгилангани каби Қозоғистон Республикаси ЖПКда янги ҳолатлар ва янги очилган ҳолатлар бўйича ишни судда кўришда прокурор иштирок этади ва унинг келмаганлиги илтимосномани кўриб чиқишга монелик қилмайди. Аксинча,

РФ ЖПКда янги ҳолатлар ва янги очилган ҳолатлар бўйича ишни судда кўришда прокурор иштироки мажбурий ҳисобланади. Беларусь Республикаси ЖПКда тарафлар иштироки, яъни прокурор иштироки кўрсатилмаган. Арманистон Республикаси ЖПКда ҳам прокурор иштироки кўрсатилмаган. Озарбайжон Республикаси ЖПКда эса тарафлар иштироки шарт бўлиб, яъни прокурорга суд мажлиси бошланишдан 10 кун аввал маълум қилинади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 27 ноябрь 2015 йилдаги “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайта бошлаш ва судда кўришда прокурор иштироки масаласи юзасидан тушунтиришлар берилмаган.

Ваҳоланки, Қозоғистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги 113-сонли буйруғига илова “Судда давлат манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш ва жиноят ишларида кучга кирган суд ҳужжатларининг қонунийлигини назорат қилиш тўғрисида”ги Йўриқномада прокурорнинг судда давлат манфаатларини ифодалашдан бири янги очилган ҳолатлар бўйича иш кўзғатиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишда судларда иштирок этишда намоён бўлиши белгиланган. Худди шу каби Россия Федерацияси Бош прокурорининг 30.06.2021 йилдаги 376-сонли “Жиноят суд ишларини юритишнинг суд босқичлари прокурор иштироки ҳақида”ги буйруғининг 18-бандида бу борада тушунтириш берилган.

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масалани суд томонидан кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал мақоми олимлар ўртасида мунозарага сабаб бўлган.

А.А.Тушевнинг фикрича, жиноят иши юритишнинг ушбу босқичида прокурор судга қадар ва судга тегишли бўлган назорат ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси, дастлабки тергов органларининг процессуал ҳаракатлари устидан раҳбарлик қилиш, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шу билан бирга, жиноятчиликка қарши кураш функцияларини бажаради.

А.Т.Аширбекованинг фикрича, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашда прокурор айблов тараф сифатида иштирок этади. У кўпроқ айбловга тааллуқли бўлмаган ҳақиқий ҳолатни аниқлаш учун мансабдор шахс сифатида иштирок этади.

Н.В.Буланова эса, суд томонидан янги очилган ҳолатлар юзасидан иш юритишни қайтадан бошлашни кўриб чиқишда маҳкумнинг айбдорлик масаласи текширилмайди, балки иш кўриш жараёнида ёки кўриб бўлгандан кейин мавжуд бўлган, бироқ судга маълум бўлмаган ва суд қарорининг қонунийлигига таъсир этган ҳақиқий ҳолатлар аниқлаштирилади. Бу ҳолатда прокурор жинойий таъқиб функциясини амалга оширмайди, давлат айбловчиси сифатида иштирок этмайди, балки мустақил функцияни амалга оширади

– жиноят ишлари кўрилишида суд томонидан қонуний ва асосли қарор чиқарилишига ўз ҳиссасини қўшади, -дейди.

Бизнинг фикримизча, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашда прокурор ўзига юклатилган функцияси орқали жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган ваколати доирасида давлатнинг вакили сифатида иштирок этади ва суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш жиноят процессининг муҳим босқичларидан бири бўлиб, прокурор суд муҳокамасида иштирок этиши шарт ҳисобланади. Прокурор суд қарорларининг қонунийлиги, асосли ва адолатли бўлишини, инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг манфаатларини амалда рўёбга чиқишини таъминлаши лозим. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида мушоҳада қилинган қонунчиликдаги бўшлиқлар, назарий қарашлар мазкур босқични такомиллаштиришга хизмат қилади.

Дилзода ДОВУДОВА

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси доценти, PhD.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аширбекова М.Т. Проявления публичности в производстве по возобновлению уголовного дела ввиду новых или вновь открывшихся обстоятельств// Рос. Судья. 2008. №5. С.19-21.
2. Громов Н., Чечеруков С., Галкин В. Пересмотр решений по вновь открывшимся обстоятельствам. Российская юстиция, 1999, №6, С.40-41.
3. Давлетов А.Д. Прокурорский надзор. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. Нукус., Билим,1999. С.215.
4. Пўлатов Б.Х., Теоретические и практические проблемы и пути совершенствования законодательного регулирования участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. Т.: 2002 г. Ст.34
5. “Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 31.07.2023). (Қаралган вақти 10.09.2023 й)
6. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 26.07.2023 г.). (Қаралган вақти 10.09.2023 й)
7. Россия Федерацияси Бош прокурорининг 30.06.2021 йилдаги 376-сонли “Жиноят суд ишларини юритишнинг суд босқичлари прокурор иштироки ҳақида”ги буйруғи. 18-банди. Электрон кутубхона
8. Тушев Александр Александрович “Прокурор в Уголовном процессе Российской Федерации: система функций и полномочий” диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. –К., 2006 г. С.299-309.
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2022.
10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2022.
11. Қозоғистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокурор назоратини ташкил этишнинг айрим масалалари” 06.09.2018 йилдаги 113-сонли буйруғи илова “Судда давлат манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш ва жиноят ишларида кучга кирган суд ҳужжатларининг қонунийлигини назорат қилиш тўғрисида” Йўриқноманинг 1-боб, 2- банди.

ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ДАВЛАТ БОЖИ ТЎЛАНМАЙДИ?

Ҳаёт ҳамма вақт ҳам бирдек текис ва равон бўлмайди. Унинг баланд-паст йўлларида турли муаммоли вазиятлар юзага келиши табиий. Хусусан, фуқаролик муносабатларида ҳар хил низоли ҳолат бўлиши мумкин. Шундай пайтларда кишиларимиз суд орқали адолатни юзага чиқаришга ҳафсала қилмайди.

Бунга кўпинча “давлат божи тўламасам суд ишни кўриб чиқмайди”-, деган нотўғри қараш сабаб бўлади. Ваҳоланки, ушбу масалада қонунчилигимизда нафақат фуқароликнинг, балки юридик шахсларга ҳам қатор имтиёзлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонунида давлат божи турлари, уни тўловчилар, ставкалари билан бирга давлат божини тўлашдан озод қилиш қоидалари ҳам белгиланган.

Қонунга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судларга даъвогарлар, яъни жисмоний шахслар:

➔ иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъвогар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

➔ алиментлар ундириш тўғрисидаги даъвогар юзасидан;

➔ меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогар юзасидан;

➔ қонунга хилоф равишда ҳукм этганлик, жиноий жавобгарликка тортганлик, маъмурий жазо берганлик туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

➔ жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогар юзасидан;

➔ таъйиқ ва эъравландан жабрланган хотин-қизларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогар юзасидан ариза ва шикоятлар билан судга муурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Демак, ушбу тоифадаги низолар бўйича судга ариза берган фуқаро давлат божини тўламайди.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъвогар юзасидан ҳам шундай енгилликка эга бўлади.

Юридик ва жисмоний шахслар — давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун судга муурожаат қилганда давлат божи тўланмаса ҳам иш мазмунан кўриб чиқилади.

Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга муурожаат қилганда қайд қилинган қоида қўлланилади. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат идораларига ҳам давлат божи тўлаш масаласида имтиёзлар берилади. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш қороналари ва бирлашмалари барча даъвогар юзасидан судга

муурожаат қилганда ҳам шундай имтиёзга эга бўлади. Шу ўринда эслатиб ўтиш лозим, ўтган даврда айрим ҳолатлар бўйича мажбурий тўловларни амалга оширмаслик ҳолатлари ҳам кузатилди. Шу сабаб кейинги йилларда қонунчиликка ўзгартиш киритилиб, мажбурий тўловлардан юзага келган қарздорлик ундириш бўйича судга даво киритувчи давлат идоралари ҳам давлат божини тўлашдан озод қилинди.

Мисол учун, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъвогар юзасидан Экология қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари судга муурожаат қилганда давлат божи тўланмаса ҳам иш мазмунан кўриб чиқилади.

Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадида ундириш тўғрисидаги даъвогар юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъвогар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Бундан ташқари, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари, Агросоноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ваколатлари доирасида фуқаролик ишлари бўйича судларга киритилган даъвогар юзасидан қайд этилган имтиёзга эга.

Айтиб ўтиш лозим, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари опа-сингилларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризалар, шикоятлар ва даъвогар юзасидан давлат божини тўламайди.

Умуман, “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасида фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш билан боғлиқ яна бошқа қоидалар ҳам кўзда тутилган.

Мазкур моддада эътибордан четда қолдирилмайдиган жиҳат ҳам бор. Негаки, унинг биринчи қисми 8-10, 14, 32 ва 36-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

Зафар АЛЛАБОВ,

Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари.

МЕРОС ТАҚСИМЛАНИШИ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада мерос тақсимланиши асосларининг илмий-назарий таҳлили ҳамда мерос тақсимланишини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: мерос массаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик суди, судья, мерос, мерос ҳуқуқи, суд ҳал қилув қарори, меросхўр, муддат, васият, кўчмас мулк, ўлим ҳақида гувоҳнома.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида меросхўрлар ўртасида мероснинг қонуний, тўғри ва адолатли тақсимланиши ва ҳуқуқий тартибга солиниши мамлакатимизда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида муҳим омил саналади. Шу маънода, фуқаролик ва оила ҳуқуқи доирасида мерос тақсимланиши асосларини такомиллаштириш, хусусан, меросхўрларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, соғлом оилавий муносабатларни сақлаб қолиш мақсадида амалдаги миллий қонун ҳужжатларининг баъзи ўринларини тўлдириш зарурияти вужудга келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида мерос таркиби тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган,

унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. Мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.” Демак, мамлакатимизда мерос таркибини аниқлаш масаласи амалдаги Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Бугун юртимизда мавжуд фуқаролик судларида кўп учрайдиган масалалардан бири бу мерос масаласидир. Одатда кўпчилик меросни вафот этган шахснинг ўзидан кейин қолдирган моддий бойликлари сифатида билади. Мавжуд суд амалиётларига таяниб айтиш лозимки, мерос билан боғлиқ низолар асосан қон-қариндош бўлган ота (она) ва фарзандлар, ака-ука, опа-сингил ворислар ўртасида юзага келади ва бунга асосан уларнинг амалдаги қонун нормаларини билмаслиги ёки бир-бирининг ҳуқуқларини тан олмаслиги сабаб бўлади.

Аслида мерос мулкнинг тақсимланишида ворисларнинг ўзаро келишуви энг мақбул ечим саналади. Чунки, низолашиш жараёнида (суд томонидан қонуний ечим топилган тақдирда ҳам) ворислар ўртасидаги ўзаро яқинлик муносабатларига ва меҳр-оқибатга путур етади. Яна бир ечим – меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш (нотариал ҳаракат тури)дир. Аммо, бу масала мураккаб жараён эканлиги боис нотариусдан алоҳида эътибор, бой билим ва тажрибани талаб қилади. Нотариуслар амалиётда аксар ҳолларда бу жиддий масалани ҳал қилишни фуқаролик судларига қолдиришни афзал деб билишади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган мерос ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига (агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши

*Ҳеч кимнинг
ўйлашига тикон эк-
манг! Чунки эр-
тага унинг олдига
ўша ўйдан ўзин-
гиз ялангоёқ бори-
шингиз мумкин.*

**“ҲИКМАТЛАР
ЧАШМАСИ”ДАН.**



натijasida мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса) мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрлардан исталган бири қонун бўйича мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли. Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида амалга оширилади. Шунингдек, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятномининг мазмунидан қатъи назар қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир.

Мероснинг очилиши масаласида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: “Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарориди бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.”

Мерос масаласида назарийетчи ва амалиётчилар томонидан турлича фикрлар билдирилган.

Масалан мероснинг қабул қилиниш масаласида ҳам дунё мамлакатларида турли хил амалиёт мавжуд. Германия қонунчилиги бўйича белгиланган муддатда мерос ё қабул қилинади, ё уни қабул қилиш рад этилиши лозим. Франция модули бўйича эса меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш мерос очилган вақтдан бошлаб 4 ой ичида расмийлаштирилиши керак.

Жумладан Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудир, юридик фанлар номзоди, профессор Д.Ю.Хабибуллаев мерос масаласида умумий хусусиятлардан келиб чиқиб қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Меросга оид фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, судларда ме-



росга оид ишларни кўришда нафақат моддий қонун меъёрларини, балки процессуал ҳуқуқ меъёрларини қўллашда ҳам айрим қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ворислик ҳуқуқига оид бўлимига сўнгги йилларда киритилган янгилликлар ҳам судлар томонидан ушбу нормаларни қўллашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.”

Юқорида берилган барча фикрларимизни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатимизда соғлом оила асосларини вужудга келтириш, мерос масаласида низоли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимиздаги норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаларини, шунингдек, миллий қонунчилигимизни ҳозирги глобал замон нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозим;

Иккинчидан, мерос масаласидаги ҳуқуқий тушунчалар борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (махаллалар)да давра суҳбатларида ва оммавий ахборот воситалари орқали тизимли равишда ҳуқуқий ва илмий асосланган маълумотлар бериб бориш лозим.

Бизнингча, мероснинг тақсимланиши асосларини такомиллаштириш учун мамлакатимизнинг бой ва кўп минг йиллик тарихий тажрибасига таяниш ҳамда оптимал ечим сифатида ривожланган хориж тажрибасини шарқ мамлакатлари менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бекзод ГАДОЕВ,

*фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар
Учтепа туманлараро суди судьяси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://old.sud.uz/0601-3/> Илҳом Насриев, Судьялар олий мактаби Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудир, юридик фанлар доктори.
2. https://uza.uz/uz/posts/meros-talashuvchilar-kopaymoqda-nega-yoqchilikdanmi-yoki-toqchilikdan_422626
3. Хабибуллаев Д.Ю. Меросга оид ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Review of law sciences (2020) 65-69.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996-й., 2-сонга илова.

АСОРАТЛИ БИТИМ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ

Битим тузилган пайтда қонунда белгилаб қўйилган талаблар бажарилмаганда ёки битим унинг тарафларидан бирининг хоҳиш-иродасига зид равишда тузилганда ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва бундай битим унинг иштирокчилари учун ҳеч қандай юридик оқибат тўғдирмайди.

Ҳақиқий бўлмаган битимлар икки тоифага ажратилиб, улардан биринчиси қонунда белгиланган битим тузишга оид тартиб-қоидалар жиддий равишда бузилган ҳолларда битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Бундай битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши шарт эмас. Зеро, улар тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва фақат унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш масаласини тегишли тартибда ҳал этиш зарур бўлади.

Иккинчи тоифага кирувчи битимлар низоли битим ҳисобланиб, уларнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги масаласи суд томонидан аниқланади, битим иштирокчилари эса унинг ҳақиқийлиги юзасидан низолашади. Бундай битимлар фақат суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейингина ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва бунинг оқибатида тарафлар олдинги ҳолатига қайтарилиши зарур бўлади.

Мана шундай битимларнинг бири бу асоратли битимлар бўлиб, амалдаги Фуқаролик кодексининг 123-моддасига кўра, булар фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битимлардир.

Ушбу моддада келтирилган асоратли битимнинг белгиларини аниқлаш осон кўрингани билан, таъкидлаш жоизки, юридик адабиётларда ва суд амалиётида асоратли битимнинг хусусиятларини очиб берувчи белгиларнинг сонини аниқлашда ва уларни бир хил маънода амалда қўллашда ягона ёндашув мавжуд эмас.

Баъзи олимларнинг фикрича оғир ҳолатларнинг юз бериши сабабли шахснинг ўзи учун жуда фойдасиз шартларда битим тузиши асоратли битимнинг мажбурий белгисидир. Бундай битимлар, масалан, яшаш учун маблағи қолмаган шахснинг болаларини боқиш учун ўзига тегишли мол-мулкни бозор қийматидан бир неча баравар арзон нархда зудлик билан сотиши тарзида намоён бўлади.

Шунингдек, асоратли битимнинг иккинчи мажбурий шarti тариқасида иккинчи тарафнинг виждонсиз феъл-атвори келтириб ўтилади. Бунда иккинчи шахс вазият оғирлигини билган ҳолда битимни атайлаб биринчи тараф учун жуда бефойда, оғир шартлар асосида тузади.

Яна бир гуруҳ олимларнинг фикрича, асоратли битимларнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

1) шахс бундай битимни ўз хоҳиши (эрки) билан тузади;

2) шахс битимни ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузаётганлигини билади (яъни бунда янглишиши ҳам, алдов ҳам йўқ), лекин уни тузишга мажбур бўлади;

3) шахс бу битимни нафақат ноқулай шартларда (бундай ҳолат алдаш, янглишиши, қўрқитиш таъсирида тузилган битимларда ҳам мавжуд), балки “ўта” ноқулай шартларда тузади (фуқаро ўзининг янги русумдаги автомашинасини эски автомашинага алмашишга мажбур бўлганда, олтин узугини жуда арзон баҳода сотишга мажбур бўлганда);

4) шахс айнан оғир ҳолатлар юз бериши туфайли асоратли битимни тузади. Бу ҳолатлар шу шахснинг ўзига ҳам (масалан, қимматбаҳо дориларни сотиб олиш, оилавий шароити туфайли сафар харажатлари учун пул топиш, юридик шахслар учун – тез орада қарзларни тўлаш зарурати), шунингдек, унинг яқинларига ҳам (турмуш ўртоғининг вафот этганлиги сабабли уни дафн этиш харажатларига муҳтожлик) боғлиқ бўлиши мумкин.

Учинчи бир гуруҳ олимлар асоратли битимнинг қуйидаги белгиларини ажратади:

1) бундай битим ҳолатлар юз бериши (оқими) туфайли тузилади;

2) шахснинг битимни тузишга мажбур қилган вазиятлар ўта оғир ҳолат ҳисобланади;

3) ўта оғир ҳолат юз бериши билан битимнинг тузилиши бир-бирига боғлиқдир, яъни улар ўрталарида сабабли боғланиш мавжуд;

4) жабрланувчи учун ўта ноқулай шартларда битим тузилади;

5) ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан битим тузишга мажбур бўлган жабрланувчининг оғир ҳолатидан бошқа тараф фойдаланади.

Асоратли битимлар тушунчаси ва унинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлувчи шартлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан судларга раҳбарий кўрсатмалар берилган ва судлар муайян ишларни ҳал қилганда унга амал қилиши мажбурийдир. Жумладан, “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини

татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 2006 йил 27 декабрдаги Олий суд Пленумининг 17-сонли қарори 10-бандида қайд этилишича, оғир ҳолатларнинг юз бериши таъсирида тузилган битим деганда, бир тарафнинг ўзи учун ўта ноқулай шартлар асосида битим тузаётганлигини англаши (бу ерда янглишиш ҳам, алдаш ҳам бўлмайди), лекин уни тузишга мажбур бўлиши тушунилади. Шунингдек, ушбу Қарорда қуйидаги икки шартнинг мавжуд бўлиши битимни оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилганлиги учун ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлиши ҳақида судларга раҳбарий кўрсатма берилган:

1) оғир ҳолатлар юз бериши туфайли бир тарафнинг ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан битим тузишга мажбур бўлиши;

2) иккинчи тарафнинг бундай ҳолатдан фойдаланиб, битим тузишга қаратилган ҳаракатининг мавжудлиги.

Лекин суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролар асоратли битим тўғрисида юридик маънода тушунчага эга бўлмаганлиги, уни алдаш, зўрлик, қўрқитиш каби шахснинг хоши-иродасига қарши равишда тузилган бошқа битимлардан фарқлай олмаслиги сабабли даъвонинг асосини нотўғри кўрсатганлиги оқибатида бундай даъвоси рад қилинганлиги ҳолатлари кўплаб учрайди. Бундан ташқари, битимнинг асоратли эканлигини исботлаш даъвогарнинг зиммасида бўлганлиги сабабли, ушбу вазифа унинг учун катта қийинчилик туғдиради. Зеро, аксарият ҳолларда иккинчи тарафнинг (жавобгарнинг) ҳаракатларини қонун нуқтаи назаридан тўғри талқин қилиш, яъни даъвогарнинг оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўта ноқулай шартлар билан битим тузишга мажбур бўлганлигидан хабардор эканлигини исботлаш учун мақбул далилларни тақдим этиш осон иш эмас.

Шу билан бирга, одил судловни амалга оширувчи судлар ҳам ушбу масалада далилларга ҳар тарафлама тўлиқ ва холисона баҳо бериши лозим бўлади. Чунки, бундай битим ҳақиқий эмас деб топилганда бир томонда битим тузишга мажбур бўлган шахс турса, иккинчи томонда биринчи шахснинг ҳолатини биллиб ёки билмасдан фойдаланиб қолган шахс туради.

Фикримизни, қуйидаги суд амалиётидаги мисол билан давом эттираемиз. Даъвогар Т.Шойдоева (тарафларнинг исми ва фамилияси ўзгартирилган) жавобгар А.Шойдоев билан қонуний никоҳдан ўтиб оила қурган, уч нафар фарзандли бўлган.

2021 йил 20 октябрда А.Шойдоев никоҳ даврида орттирилган мулки ҳисобланган автомобилани нотариал тасдиқланган ҳада шартномасига асосан онаси К.Агаевага ҳада қилган ва бунга турмуш ўртоғи Т.Шойдоевнинг розилик аризаси олинган. Шунингдек, эртаси куни 2021 йил 21 октябрда даъвогар Т.Шойдоева ўзининг номидаги ҳовли уйни нотариал тасдиқланган ҳада шартномасига асосан қайнонаси К.Агаевага ҳада қилган.

Даъвогар Т.Шойдоева судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, эридан қўрқиши ва унинг айтганла-

рини қилиши сабабли уйни ва автомобилани қайнонасининг номига ҳада қилишга мажбур бўлганлигини, эри ўзини уйига қайтариб олиб келганида мақсади фақат уй-жой ва автомобилани расмийлаштириш бўлганлигини, ундан алданганлигини билдириб, уй-жой ва автомобиланинг ҳада шартномаларини асоратли битим деб топиб, уларни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди ишни кўриб чиқиб, даъвогар мазкур битимларни тузган пайтда қўрқитиш ёки алдаш таъсирида бўлмаган деб ҳисоблаган ва ҳада шартномаларини асоратли битим деб топишга ҳеч қандай асос йўқлиги ҳақидаги хулосага келган.

Лекин, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ушбу хулосаси билан келишмаган ва мазкур ҳолатга бошқача ҳуқуқий баҳо бериб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш ва ҳада шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида янги ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Бунда апелляция инстанцияси даъвогар Т.Шойдоева билан жавобгар К.Агаева ўрталарида уй-жой ҳада шартномаси тузилган пайтда ҳамда Т.Шойдоева эр-хотиннинг умумий мулки бўлган автомобилани К.Агаевага ҳада этилишига розилик аризасини берган пайтда оғир ҳолатлар юз бериши туфайли (турмуш ўртоғи хиёнатда айблаши натижасида келиб чиққан оилавий можаролар, эрининг шартларини бажармаса уч нафар вояга етмаган фарзандлари билан бирга никоҳдан ажралиш хавфи) ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан битим тузишга мажбур бўлган, жавобгар тараф эса бундан фойдаланиб, бундай битимларни тузишга ҳаракат қилган, деб топган.

Олий суд кассация инстанцияси ҳам ушбу хулосалар билан келишган ҳолда тарафлар ўрталарида асоратли битим тузилган деб ҳисоблаб, апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз қолдирган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, асоратли битимларнинг белгиларини аниқлаш ва уларни қонун нормаларида аниқ ифода этиш, бундай битимлар билан боғлиқ низоларни тўғри ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Камал ТАРИХОВ,

*Қорақалпоғистон Республикаси суди раиси,
Қорақалпоқ давлат университети эркин тадқиқотчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гувев А. Постатейный комментарий к части первой Гражданского кодекса РФ. М.: “Экзамен”, 2006. стр 925.
2. Чернышов Г.П. Обзор судебной практики. Кабальные сделки в практике арбитражных судов // Арбитражное правосудие в России. 2007. № 7.
3. Фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг архиви, 2-2302-2101/9504-сонли фуқаролик иши.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Т.: “Адолат”, 2014, 48-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар: Т.1, Х.Раҳмонкулов, О.Окюлов таҳрири остида. Т. “Art flex”, 2010. 318 б.; Комментарий к Гражданскому кодексу РФ: в 2 т. Т.1. под ред. Т.Абовой, А.Кабалкина. М.: Юрайт, 2009. стр 618.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Давлатнинг оила тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни яратишга масъуллиги Ўзбекистоннинг янги конституцияси билан янада мустаҳкамланди.

Эндиликда фарзандлар тарбияси, уларга таълим бериш, баркамол вояга етказиш ота-она мажбурияти сифатида белгиланиб, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг бурчи сифатида белгиланди.

Конституциянинг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши белгиланган. Мазкур қоидадан келиб чиқиб, ҳар бир фуқарони, шу жумладан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни хорижий мамлакатлар ҳудудида зарур даражадаги васийлик ва ҳомийликсиз қолдиришнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Мазкур масалаларнинг қонуний асосларини белгилаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини кучайтириш, уларга риоя этмаганлик учун қатъий чоралар кўриш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-823-сонли 2023 йил 15 мартдаги Қонун билан “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартишлар киритилиб, унга кўра, болаларни хорижий мамлакатлар ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча киритилган 47⁶-моддага биноан, болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган болани ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш тушунчасига кўра бола дейилганда, ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган), Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга шахс тушунилади.

Болани назоратсиз ва керакли моддий ёрдамсиз чет давлат ҳудудида қолдирилганлик факти аниқланган бўлиши ва бунда “болани назоратсиз қолдириш” деб, болани ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг тарбияси, ғамхўрлиги ва васийлиги бўлмаган шароитда қолдириш тушунилади.

Боланинг бундай шароитга тушиб қолиши сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, мазҳаблар (ҳужралар)да, гуруҳларда диний таълим олиш, норасмий меҳнат фаолиятини олиб бориш учун болани чет давлат ҳудудида қолдириш ва шу каби ҳолатларни ташкил этади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 47⁶-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга суд тайинланган жазонинг ижроси билан бирга ҳуқуқбузарга чет давлат ҳудудида турган боланинг суд томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтариш мажбуриятини юклайди.

Шундай қилиб, суд томонидан белгиланган муддат давомида ҳуқуқбузар болани Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтаришни таъминловчи чораларни кўриши шарт. Ушбу ҳолатнинг императив хусусияти ҳуқуқбузар тегишли муассаса ва идоралар билан ёзишмалар олиб бориши билан чегараланмай, болани қайтариш учун аниқ чораларни кўриши лозимлигидан далолат беради.

Улар қаторига, масалан, боланинг қариндошларидан бирини чет давлатга ҳуқуқбузар ҳисобидан юбориш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга қаратилган чораларнинг кўрилиши ва шу қабиларни киритиш мумкин.

Суд қарорида белгиланган муддат отанинг, онанинг ёки улар ўрнини босувчи шахс ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахснинг илтимосномасига кўра суд томонидан қўшимча равишда яна 30 кунга узайтирилиши мумкин. Муддат узайтирилишига асослар қаторига чет давлатга жўнаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнининг тугамаганлиги, чет давлатга кетишга мавжуд чиптадаги муддатнинг кечлиги, чет давлатга кетадиган шахснинг шифонада стационар тартибда даволаниши каби ҳолатларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг субъекти деб, вояга етган фуқаро – боланинг ота-онаси, ҳомий (васий) си ёки тегишли тартибда ҳамроҳлик қилувчи шахс деб топилганлар тушунилади. Мазкур

хуқуқбузарлик тўғри қасд билан содир этилган деб топилади, чунки модданинг таърифида болани олдиндан назоратсиз қолдириш тўғрисида сўз юритилади.

МЖТКнинг 248-моддасига кўра, МЖТК 47^б-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик бўйича маъмурий баённомани тузиш ваколати ички ишлар органлари таянч пунктларининг про-филактика инспекторларига юклатилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг тўлдирила-ётган 122¹-моддаси болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун жиноий жавоб-гарликни белгилайди.

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаро-лигига эга бўлган боланинг ота-онаси ёки улар-нинг ўрнини босувчи ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш, ёхуд Ўзбекистон Респуб-ликаси фуқаролигига эга бўлган ва чет давлат ҳудудида турган боланинг суд томонидан бел-гиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайтарилишини таъминламаслик, худ-ди шундай хатти-ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик барава-ридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу қоидалар мазкур жиноятнинг иккита ҳолатини назарда тутди.

Биринчи ҳолатда болани назоратсиз ва ке-ракли моддий ёрдамсиз чет давлат ҳудудида қолдирилганлик факти аниқланган бўлиши ло-зим. Бунда “болани назоратсиз қолдириш” деб, болани ота, она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг тарбияси, ғамхўрлиги ва васийлиги бўлмаган шароитда қолдириш тушунилади.

Бундай шароитга норасмий меҳнат фаолия-ти олиб бориш учун болани чет давлат ҳудудида қаровсиз қолдириш кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур жиноят таркибининг факультатив бел-гиси сифатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисида-ги кодекснинг 47^б-моддаси билан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида худди шундай хатти-ҳаракатни содир этиш ҳисобланади.

Иккинчи ҳолатда жиноий жавобгарликнинг юзага келиши шахснинг МЖТК 47^б-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳо-лати билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Хусусан, қонун нормасига мувофиқ (МЖТК 47^б-моддаси иккинчи қисми) шахснинг маъмурий жавобгарликка тор-тилиши ва МЖТКнинг 47^б-моддаси билан тайин-ланган жазонинг ижроси билан бирга суд хуқуқ-бузарга чет давлат ҳудудида турган боланинг суд томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайтариш мажбурияти-ни юклайди. Шундай қилиб, суд томонидан бел-



гиланган муддат давомида хуқуқбузар болани Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайтаришни таъминловчи чораларни кўриши шарт.

Бундай мажбуриятларнинг маъмурий жавоб-гарликка тортилган шахс томонидан бажарил-маслиги жиноят иши қўзғатилишига асос бўлади. Аслида бу айбдор шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг иккинчи имконияти бўлиб, биринчи им-коният унга суд томонидан уни МЖТКнинг 47^б-мод-даси билан маъмурий жавобгарликка тортиш жа-раёнида берилган. Масалан: болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирилганлиги учун шахс шундай хатти-ҳаракати учун унга муқаддам маъ-мурий жазо қўлланилганидан сўнг жиноий жавоб-гарликка тортилади; суд томонидан белгиланган муддатда болани Ўзбекистон Республикаси ҳуду-дида қайтармаганлиги учун шахс тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилади.

Шахс ПҚ-4079-сон қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хори-жга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12, 13, 22-бандлари талабларини бажарган тақдир-да тегишли тартибда ҳамроҳлик қилувчи мақо-мига эга бўлади.

Бундан ташқари, ушбу Низом вояга етмаган боланинг биометрик паспортида тегишли бел-ги кўйилишини, шунингдек ҳамроҳлик қилувчи шахсга доир маълумотлар кўрсатилишини на-зарда тутди.

Умуман, ушбу нормалар болаларнинг чет давлат ҳудудида ҳам хуқуқ ва эркинликлари-ни ҳимоя қилишнинг давлат кафолатларини мустаҳкамлаш имконини яратади, шунингдек, халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси-нинг ижобий имиджини шакллантириш учун шароитлар яратишга хизмат қилади. Зеро, бола хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг муносиб яшashi ва ўқиши учун шарт-шароитлар яратиш нафақат инсоний бурчимиз, шу билан бирга юрт келажаги ва равнақи учун қилинаётган масъули-ятли вазифамиздир.

Анвар УСМАНОВ,

Тошкент шаҳар суди иқтисодий судлов ҳайъати судьяси.

МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИНГ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ:

судлар фаолиятида, шунингдек, процессуал ҳуқуқ назариясида тааллуқлилик институти, унинг қўлланиш амалиёти долзарб аҳамият касб этади. Бунда низоларнинг қайси судга тааллуқлилиги ёки айнан қайси судлар томонидан кўриб, ҳал қилинишини ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Калит сўзлар: тааллуқлилик, тегишлилик, судловлилик, оммавий ҳуқуқий муносабатлар, судгача низони ҳал этиш, манфаатдор шахс, маъмурий орган.

Маъмурий ишларнинг судга тааллуқлилигини белгилашнинг асосий мезонларидан бири “ҳуқуқий муносабатнинг таснифи” ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига биноан маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

Қонунчиликда маъмурий судга қандай ишлар тааллуқли эканлиги белгиланган бўлишига қарамай, айрим ноаниқликлар сабабли амалиётда ҳозирги кунда ҳам маъмурий суднинг судловига тааллуқлилик масаласида мунозарали ҳолатлар учраб турибди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон судьялар клубининг форумида судьялар томонидан амалиётда ишларнинг тааллуқлилигига оид муҳокамага қўйилган саволлар ва уларнинг жавобларига эътибор қаратамиз.

Савол: туман ҳокимлиги ўз қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўрашга ҳақлими?

Маъмурий ишларнинг судга тааллуқлилигини белгилашнинг асосий мезонларидан яна бири “тарафларнинг субъектив характери” ҳисобланади. Ишларнинг маъмурий судга тааллуқлилигини фуқаролик процессидан ажратиб турадиган муҳим жиҳат унда бир тарафда маъмурий орган, унинг мансабдор шахси иштирок этишидир. Фуқаролик ва иқтисодий процессул қонунчиликда ҳар иккала томонда фуқаролар – мулкдорлар иштирокидаги низолар фуқаролик ишлари бўйича судларга, ҳар иккала томонда юридик шахслар иштирок этган муносабатлардан келиб чиқадиган низолар иқтисодий судларга тааллуқли эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 40-моддаси талабига кўра, аризачи - фуқаролар ва юридик шахслар бўлиб, улар маъмурий судларга келтирган ариза ёки шикоятда ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий - ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ҳолдаги талабларини илгари сурадилар.

Қонунчилик талабига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам маъмурий ва бошқа оммавий -

ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ариза билан маъмурий судларга мурожаат этиши мумкин, бироқ, маъмурий судга тааллуқлиликни белгилашда аризачи бир вақтнинг ўзида жавобгар ҳам бўлиши мумкинлигига ёки бошқачароқ айтганда аризачи ўзи томонидан қабул қилинган қарор юзасидан (содир этилган ҳаракат, ҳаракатсизлик) маъмурий судларда низолашишига йўл қўйилмайди.

Чунки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари оммавий - ҳуқуқий муносабатлар доирасида қарор қабул қилган вақтда жисмоний ёки юридик шахслар билан муносабатга киришади ва ушбу шахслар муносабатлар якуни бўйича қабул қилган қарорига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) нисбатан манфаатдор шахслар ҳисобланади. Шу ўринда форумда юзага келган далолатномалар билан боғлиқ айрим саволларга тўхталиб ўтаемиз.

ФХДЭнинг туғилишни қайд этиш далолатномаси маъмурий актми? Мазкур далолатномани ҳақиқий эмас деб топиш маъмурий судга тааллуқлими?

Назорат тафтиш бошқармасининг далолатномасини қонунга хилоф деб топиш маъмурий судга тааллуқлими?

Давлат кадастрлар палатаси вилоят бошқармасининг филиали томонидан лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шахар (туман) қурилиш бўлими томонидан келишилган “Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган якка тартибдаги турар жойни фойдаланишга қабул қилиш” тўғрисидаги далолатномани ҳақиқий эмас деб топиш маъмурий судга тааллуқлими?

Ушбу саволлардаги умумийлик бу низо предмети далолатнома эканлиги, далолатномани ҳақиқий эмас деб топиш маъмурий суднинг судловига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги хусусида.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддасида маъмурий судлар давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан

қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал этиши, 185-моддаси мазмунидан ушбу тоифадаги ишлар бўйича ариза қарорни ҳақиқий эмас деб топиш, ҳаракатни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиши мумкинлиги белгиланган. Демак, қонун талабига кўра маъмурий органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) низо предмети бўлиши мумкин экан.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 24-сонли қарорининг 5-бандига кўра, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан яқка ёки коллегия тарзда қабул қилинган қарор дейилганда муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади.

Бу ҳолда низо предмети бўлган далолатнома маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиб қабул қилинганлигига ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат эканлигига эътибор қаратишимиз лозим.

"Оммавий муносабатдан келиб чиқадиган ишлар"нинг асосий кўриниши маъмурий ҳуқуқий низолар саналади.

Оммавий ҳуқуқий низолар дейилганда эса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига кўра, хатти-ҳаракатлар, ҳаракатсизлик ёки қарорлар тушунилади.

Ж.Нематовнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда маъмурий судларда судга тааллуқлилиқнинг асосий мезони сифатида маъмурий актни белгилаш муҳимдир. Маъмурий акт маъмурий - ҳуқуқий фаолият натижаси ўлароқ манфаатдор шахс ва маъмурий орган ўртасида мавжуд бўлади.

Шу ўринда маъмурий органнинг маъмурий ҳужжат тушунчасига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунининг 4-моддасига кўра, маъмурий ҳужжат - маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чорасидир.

Юқоридаги саволларнинг тааллуқлилиги масаласини ҳал этишда низо предмети бўлган далолатноманинг маъмурий акт эканлигига аҳамият қаратиш лозим.

Масалан, давлат кадастрлар палатаси вилоят бошқармасининг филиали томонидан лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шаҳар (туман) қурилиш бўлими томонидан келишилган "Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган яқка тартибдаги турар жойни фойдаланишга қабул қилиш" тўғрисидаги далолатномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низонинг маъмурий судга тааллуқлилигини ҳал этишда ушбу далолатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги

370-сонли қарори билан тасдиқланган 7-иловасидаги "Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти"га асосан тузилганлиги, мазкур регламентнинг 22-бандида далолатнома объектга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлиши кўрсатилганлигига аҳамият бериш лозим (ҳужжат 2022 йил 20 апрелда кучини йўқотган).

Шунга кўра мазкур далолатнома маъмурий акт саналади.

Савол: Фуқаро ҳокимликка ариза билан мурожаат қилган. Ҳокимлик фуқарога қонунда белгиланган муддатда жавоб бермаган. Фуқаро ҳокимликнинг мурожаатига ўз вақтида жавоб бермаслик билан боғлиқ ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиш юзасидан маъмурий судга мурожаат йўллаган. Гарчанд, мурожаатга ўз вақтида жавоб қайтармаслик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланса-да, аризаچининг ариза талаби маъмурий судга тааллуқлими?

Мазкур саволнинг юзага келишига сабаб қонун маъмурий орган мансабдор шахслари томонидан қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг баъзилари учун жавобгарликни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасининг иккинчи қисмида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 4-моддасига мувофиқ, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли. Манфаатдор шахс маъмурий судга мурожаат қилишда низолашилаётган давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги учун маъмурий ёки жинсий жавобгарлик белгиланганлиги аҳамиятсиз. Чунки, қонунга хилоф айбли қилмиш жавобгарликни келтириб чиқарса, маъмурий суд томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизликни қонунга хилоф деб баҳолашда ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир этилганлиги ва унинг оқибатида манфаатдор шахснинг ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги аҳамиятли бўлиб, манфаатдор шахснинг бузилган ҳуқуқлари суд орқали тикланиши таъминланади.

Юқоридаги савол нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак шу тоифадаги низоларнинг маъмурий судларда кўрилиши тааллуқлилиқка оид меъёрларга зид эмас.

Савол: Кадастр органининг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатни рўйхатдан ўтказганлигини файриқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб маъмурий судга тааллуқлими?

Кадастр органининг мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракати билан ёки гувоҳнома

бўйича низолашиш керакми, бу иш маъмурий судга тааллуқлими?

Маъмурий суднинг судловига тааллуқли бўлган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, уларнинг судловга тааллуқлилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб, энг аввало мазкур тушунчалар изоҳига эътибор қаратамиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар” тўғрисидаги қонунининг 4-моддасига кўра, маъмурий ҳаракатлар - маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, маъмурий ёки процессуал ҳужжат бўлмаган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги саналади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 6-бандида мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги деганда нима тушунилиши кўрсатилган.

Хусусан, маъмурий органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишига олиб келадиган ёхуд ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган юридик аҳамиятга эга фармойишлари тушунилиши, ҳаракатсизлик деганда эса, маъмурий орган ва унинг мансабдор шахсининг ваколатларини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, қоидалар, буйруқлар) билан юкланган мажбуриятни бажармаслик тушунилиши ҳақида батафсил изоҳ берилган.

Маъмурий орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигига оид ишларнинг маъмурий судга тааллуқлилигини белгилашда:

биринчидан, низо предмети бўлган хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) давлат бошқаруви органларининг ёки маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг оммавий ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилганлиги;

иккинчидан, оммавий ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишига олиб келадиган ёхуд ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қиладиган юридик аҳамиятга эга эканлигини;

учинчидан, низолашилаётган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) якунида маъмурий ҳужжат қабул қилинган ёки қабул қилинмаганлиги каби ҳолатларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Савол: Нотариус маъмурий орган бўлмагани ҳолда унинг ҳаракатларига маъмурий судда баҳо бериш қанчалар тўғри?

Маъмурий суднинг судловига фақатгина давлат бошқаруви органлари билан боғлиқ низолар тааллуқли деб баҳолаш нотўғри бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра, айрим давлат функцияларининг нодавлат ташкилотларига ўтказилиши бир томондан оммавий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар доирасини кенгайтиради. Бу оммавий ҳуқуқий муносабатларда иккинчи томонда фақат давлат функциясини амалга оширувчи маъмурий орган эмас, балки нодавлат ташкилотлар ҳам бўлиши мумкинлигини англатади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига асосан давлат органи бўлмаган ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳамда нотариал ҳаракатни амалга оширувчи мансабдор шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолар маъмурий суднинг судловига тааллуқли ҳисобланади. Бунда ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, нотариал ҳаракатни амалга оширувчи мансабдор шахслар оммавий ҳуқуқий муносабатларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект сифатида намоён бўлади. Бу ҳам оммавий ҳуқуқий муносабатга қиради.

Умида НИШОНОВА,

Наманган вилоят маъмурий судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.
2. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.
3. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
4. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
5. “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуни.1996 йил 26 декабрь.
7. Ўзбекистон судьялар клуби форуми.
8. Ўзбекистон Республикасининг Олий суд Пленумининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли 2019 йил 24 декабрдаги қарори.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни.
10. <https://lex.uz/docs/3492199>
11. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.
13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 107-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхати.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида” ги қарори.

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИНИ ИЛМ УСТИГА ҚУРГАН ОЛИМ

Устозлик – буюк мақом. Халқимизда “Устоз отангдек улуг” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Ўтган улугларимиз, ота-боболаримиз устоз ва муаллимларнинг ҳаққини яхши билганлар, уларнинг қадри нечоғли баланд эканини теран англаганлар ва шунга кўра муомала қилганлар.

Устозлар ҳақида гап борганда ҳазрат Алишер Навоийнинг бу байтларидан ошириб бир сўз айтмоқ мушкулдир:

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Инсонларга зийнат бағишлайдиган фазилатлар, аввало, илм олмоқ ва одоб-ахлоқ ўргатмоқдир. Гўдак бошидан ҳаётда тўғри йўлни топиш, дунёқарашини шакллантириш, умр йўлларида адашмаслик учун пухта билим олиш, одамийликнинг яхши фазилатларини ўзлаштириш энг муҳимидир. Умри давомида юзлаб, минглаб инсонларга илм берган, касб сирларини ўргатган, илм олиш ва уни бошқаларга улашишнинг заҳматидан чекинмай бу йўлда талай ютуқларни қўлга киритган инсонлардан бири, фидоий цивилист олим Шухрат Рузиназаровдир.

Шухрат Нуралиевич Рузиназаров 1959 йилнинг 13 июлида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани Чандир қишлоғида ўқитувчи оиласида таваллуд топди. 1976 йилда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги А.Навоий номидаги 45-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлади ва ҳуқуқшунослик илмига бўлган интилиши уни олий даргоҳ томон етаклади. Талабалик йиллариданоқ бўлажак олимда тадқиқотчилик қобилияти шаклланиб ўзи танлаган юриспруденция йўналиши бўйича ўз мақсадига эришиш учун тинмай меҳнат қилишга тўғри келди ва чеккан заҳматлари меваси ўлароқ Республикамизда ҳуқуқшунос олим сифатида танилди. Ҳаётий тажрибадан маълумки олимлик рутбасига эришиш кўп машаққат ва матонат билан тинимсиз ижодий меҳнат қилишни, сабр-тоқатли ва ҳар қандай ҳаётий қийинчиликларга сабрли ва бардошли бўлишни талаб этади.

Ш.Рузиназаров фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак домла 1976-1981 йилларда Самарқанд Давлат университетининг Юридик факультетини ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича тамомлаб, Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтида 1981 йилдан эътиборан ҳуқуқшунос маслаҳатчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. У кишининг меҳнат фаолиятларига назар ташлайдиган бўлсак турли лавозимларда ишлаганлигига гувоҳ бўламиз. 1982-1987 йилларда Самарқанд Давлат Университетининг фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси ассистенти, 1987-1988 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ходими, 1988-1990 йилларда СССР Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ институтида тадқиқотчи-изланувчи, 1990-1994 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг “Меҳнат ҳуқуқи ва фуқаролик жараёни” шўъбаси мудири вазифасини бажарувчи, шўъба мудири, “Мулк ва бозор муносабатлари ҳуқуқий муаммолари” бўлими мудири, катта илмий ходим, 1994-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони референти, маслаҳатчи, 1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяси, суд раисининг ўринбосари, ҳўжалик судлари судьялари малака ҳайъатининг раиси, 2005-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг “Йиғма-ахборот таҳлил гуруҳи” раҳбари ҳамда 2008-2011 йилларда ушбу институтнинг директори ўринбосари в.б, 2013 йилдан буён ТДЮУ кафедра мудири лавозимида фаолият юритган ва ҳозирги пайтда ТДЮУнинг “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси профессори лавозимида фаолиятини амалга оширмоқда.



Юридик фанлари доктори, профессор Ш.Рузиназаров ўзининг 42 йилдан ортиқ илмий-амалий ва педагогик фаолияти мобайнида мамлакатимиз юридик фанлари ривожига ва ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган цивилист олим сифатида илмий жамоатчиликка танилган, шогирдлар ҳурматида сазовор бўлган устоздир.

Ш.Рузиназаровнинг ҳуқуқшунос олим бўлиб шаклланишида атоқли олим, йирик фан дарғаси, юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Х.Раҳмонқуловнинг ўрни беқиёсдир.

Ш.Рузиназаров илмий йўналишини давом эттириб 1990 йилда Собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг Ихтисослаштирилган кенгашида “Қишлоқ хўжалигида капитал қурилишни ҳуқуқий тартибга солиш” мавзусида юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини мувафақиятли ҳимоя қилди. Айнан ушбу мавзунинг бугунги кунда ҳам долзарблиги шундаки, фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш ва аграр соҳада кўплаб ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш, рақамли реаллик шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасида қурилиш тадбиркорлиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини ўрганиш истиқболли тадқиқот йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Таниқли олим 1995 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг ихтисослаштирилган кенгашида мамлакатимиз цивилистика фанида илк маротаба “Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми” мавзусида юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ш.Рузиназаровнинг узоқ йиллик тадқиқот натижалари хусусан, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, жумладан қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлари қонун ижодкорлик фаолиятида фойдаланилган ва амалиётда татбиқ этилмоқда. У илмий изланишлари натижасида фуқаролик, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалик ва халқаро хусусий ҳуқуқ қонунчилигини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий масалалари, шунингдек, сўнгги йилларда рақамли фуқаролик муомаласини ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб ва устувор муаммоларини илмий ва ўқув услубий ўрганиш бўйича самарали тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда.

Шухрат Рузиназаров давлат органлари, шу жумладан суд органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда бир қатор суд амалиётига оид илмий, ўқув ва амалий кўлланмалар ишлаб чиқишда ҳам ўз ҳиссасини кўшди. Суд тизимида суд амалиёти масалаларини ҳал қилиш ва уни илмий-услубий таъминлаш ҳамда илмий даражали кадрларни тайёрлашнинг суд мустақиллигини мустаҳкамлашда нақадар муҳимлиги ва заруриятини инобатга олиб бир қатор амалиёт учун ғоятда муҳим бўлган қарорларни ишлаб чиқишда ташаббускорлик кўрсатди ва ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди. Шунингдек, Олий хўжалик суди (ҳозирги Олий суд) малака ҳайъатининг раиси сифатида суд тизимига малакали судья ва суд ходимларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий Университети ва Тошкент давлат юридик Университети билан ҳамкорликда махсус кафедра ташкил этиш ҳамда талаба-магистрларнинг бевосита судда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва суд мажлисларида амалда иштирок этиш орқали уларнинг билим ва амалий кўникмаларини шакллантиришга ўзининг салмоқли ҳиссаси-



ни кўшди. Бу меҳнатлар Ш.Рузиназаровнинг юридик фанларни ривожлантиришга соҳавий ва соҳалараро ёндашув асосида амалга оширган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ва юридик фаннинг долзарб муаммоларини тадқиқ этишга, унинг ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишга кўшган шахсий ҳиссаси ҳисобланади. Олим ўзининг илмий асарлари билан ҳуқуқшуносликда янги, истиқболли соҳаларни ривожлантиришга муносиб улуш кўшди. Шухрат Рузиназаровнинг чуқур илмий мушоҳада салоҳияти, миллий ҳуқуқ тизимини замонавий тенденциялар ва объектив қонуниятларга, қиёсий ҳуқуқшунослик методологиясининг хусусан, ўз тадқиқот йўналишлари бўйича жаҳон амалиётида синалган илғор тажриба ва аънаналарга мос ҳолда тадқиқ эта олиш қобилияти, ижодий ютуқлари ва ўз касбига содиқлиги, унинг серқирра илмий фаолиятини баҳолаш, давлат ва жамият олдидаги хизматларини эътироф этишнинг ғоятда муҳим мезони ва кўрсаткичидир. Узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳуқуқшунос илмий педагог кадрларни ва оқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, давлат ва нодавлат хизмати соҳаси вакилларининг малакасини оширишда ҳам фидоийлик кўрсатди.

Ш.Рузиназаров 800 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан 4 та ўқув кўлланма, 7 та дарслик ва 3 та амалий кўлланма (ҳаммуаллифликда), 20 та монография (ўзи ёки ҳаммуаллифликда) ҳамда 8 та рисола муаллифидир. Шунингдек, “Хўжалик ҳуқуқи”, “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Халқаро хусусий ҳуқуқ”, “Оила ҳуқуқи”, “Тадбиркорлик ҳуқуқи”, “Инвестиция ҳуқуқи”, “Бизнес ҳуқуқи” (ўзбек ва рус тилларида), “Мажбуриятни бажаришни таъминлаш”, “Иш муомаласи одатлари” (рус тилида), “Ахборот ҳуқуқи” ва “Иқтисодий процессуал ҳуқуқи”, “Электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш” йўналишларида дарслик ва ўқув кўлланмаларини тайёрлашга бош қўшиб келмоқда.

Қонунчилик соҳасини ривожлантириш борасида ҳам самарали фаолият юритиб мулкчилик, тадбиркорлик йўналишидаги қонунлар, "Фуқаролик кодексига шарҳлар" (хаммуаллифликда), илмий тўпламлар ва 25 дан ортиқ дарслик ва амалий қўлланмалар (муаллифи, тузувчиси, масъул муҳаррири), 6 та кодекс ва қонунларга шарҳлар, 650 га яқин қонун лойиҳаларига экспертлик хулосаларини тайёрлашда иштирок этган. 600 дан ортиқ илмий мақолалари республика газета ва журналларида, халқаро (SCOPUS) ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Цивилист олим Ш. Рузиназаровнинг ягона иқтисодий маконда ва рақамли фуқаролик муомаласида тадбиркорлик субъектларининг самарали ва оқилона фаолият юритиши учун турли ҳуқуқий тизимлардаги тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларини яқинлаштириш юзасидан ишлаб чиққан илмий хулосалари барқарор ва стратегик ислохотларни илмий-ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилиб келяпти. Буларнинг барчаси илмий-тадқиқот ишлари – диссертация ва монографик тадқиқотлар учун, шунингдек қонун ижодкорлиги, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар концепциясини ишлаб чиқишда илмий-назарий манба бўла олади. Ҳозирги пайтда олим томонидан рақамли фуқаролик муомаласининг долзарб муаммолари бўйича тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Ҳуқуқшунос олим Шухрат Рузиназаровнинг тадқиқот натижалари асосида мамлакатимиз Фуқаролик кодексида бу борадаги хорижий давлатларнинг энг яхши тажрибаларини инобатга олиб рақамли ҳуқуқнинг тан олиниши ва цивилистиканинг замонавий таълимоти нуқтаи назаридан истиқболли ва устувор тадқиқот йўналишларига асос солиниши нафақат хусусий-ҳуқуқий, балки оммавий-ҳуқуқий доктрина нуқтаи-назаридан жуда катта тарихий воқелик ва янгилик бўлди. Олим тадқиқотларига кўра электрон тижорат ҳуқуқи рақамли фуқаролик муомаласининг ажралмас атрибути ва субинститути бўлиб ҳисобланади. Замонавий юриспруденцияда рақамли иқтисодиётни, электрон тижоратни оқилона ҳуқуқий тартибга солишнинг субъектив ва объектив хусусиятларини ва фуқаролик муомаласига рақамли технологияларни қўллашнинг объектив қонуниятларини инобатга олиб унинг тадрижий ривожланиш тенденцияларини чуқур илмий ва амалий мушоҳада этиб унинг ўрнини аниқлаш фуқаролик ҳуқуқи доктринаси нуқтаи назаридан истиқболли йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Ш.Рузиназаров танлаган ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича хорижда ва мамлакатимизда танилган олим сифатида халқаро ва республика миқёсидаги конференция ва симпозиумларда, университет томонидан ташкил этилган илмий-амалий анжуманларда, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари иштирокида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда.

Шунингдек, дунёнинг етакчи давлатлари ҳуқуқшунос олимлари ва илмий муассасалари билан самарали ҳамкорлик ҳам Ш.Рузиназаров илмий салоҳия-

тининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Янги фан Илмий шериклик Халқаро Маркази (Россия), Қозоғистон Республикаси Каспий университети, Қозоғистон Республикаси таълим ва фан вазирлиги Фан Қўмитасининг фалсафа, сиёсатшунослик ва диншунослик Институти, М. Аvezов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат Университети, Тожикистон миллий университети, Хўжанд давлат университети юридик факультети ва бошқа турдош юридик таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлик шулар жумласидандир.

Ш.Рузиназаров ўзининг илмий мактабига эга. Унинг раҳбарлигида соҳавий ва турдош ихтисослик йўналишлари бўйича 3 та докторлик (DSc), 5 та номзодлик, 3 та юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 70 дан ортиқ магистрлик диссертациялари бажарилган ва улар ишларига хулоса ва тақризлар берилган. 150 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилган, 100 дан ортиқ хорижий ва ҳамдўстлик давлатлари миқёсидаги илмий анжуманларда қатнашиб ҳуқуқшуносликнинг долзарб масалалари юзасидан маърузалар қилган. Хусусан, 2002 йилда Чехияда, 2004 йилда Канаданинг Оттава шаҳрида ўтказилган судьяларнинг III Халқаро симпозиумларида, 2018 йилда Бирлашган Араб Амирлиги (Дубай шаҳри)да "IV Халқаро замонавий илмий-тадқиқот методологияси" номи илмий ва амалий конференцияда илмий мақоласи билан иштирок этган.

Бугунги кунда ҳам заҳматкаш ҳуқуқшунос олим "Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак учун пойдевор" деган ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур ва теран англаб танлаган ихтисослик йўналишлари бўйича ҳуқуқшунослик фани ва таълими соҳасида янги ютуқ ва муваффақиятларга эришиш мақсадида бор куч-ғайратини ва илмий салоҳиятини ишга солиб астойдил ҳаракат қилмоқда. У кишининг илм йўлидаги меҳнатлари инобатга олиниб давлатимиз томонидан бир қанча унвонлар билан мукофотланган. Шунингдек, Ш.Рузиназаровга суд ва адлия органлари тизимидаги узоқ йиллик фидокорона хизматлари учун 1-даражали адлия маслаҳатчиси мартаба -даражаси берилган.

Цивилист олим Ш.Рузиназаровнинг узоқ йиллик самарали илмий ва педагогик меҳнат фаолияти замонамиз талабларига жавоб берадиган илмий даражали етук мутахассисларни тайёрлаш, гоётда муҳим стратегик аҳамиятга молик Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида ўтказилаётган иқтисодий, ҳуқуқий ислохотларни илмий таъминлаш ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда қўшаётган хиссаси ва хизматлари, фидоийлиги кўплаб соҳа тадқиқотчилари, устоз-мураббийлар, талаба ва магистрларда илм-фанга садоқат, фидоийлик ва ибрат намунаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ, журналист.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА – ПУТЬ К УСПЕХУ!

В условиях рыночной экономики предпринимательская деятельность является одним из наиболее важных элементов. Она не только способствует развитию конкуренции на рынке, но также определяет темпы развития экономики и способствует формированию нового социального слоя в обществе. Кроме того, именно предпринимательская деятельность во многом определяет инвестиционный климат и макроэкономические показатели в целом. Таким образом, от того, насколько совершенной является предпринимательская деятельность, во многом зависит уровень развития общества и государства в целом.

В Республике Узбекистан особое внимание уделяется либерализации экономики, внедрению рыночных принципов и механизмов управления, развитию частной собственности и предпринимательства. В Узбекистане деятельность сектора частного предпринимательства стала основой формирования социального слоя собственников — владельцев малого бизнеса.

Несмотря на трудности и препятствия малое предпринимательство развивается, растёт быстрыми темпами, решая при этом экономические, социальные и научно-технические проблемы. Государство гарантирует свободу экономической деятельности и предпринимательства.

В соответствии с Конституцией Республики Узбекистан частная собственность, наряду с другими формами собственности, неприкосновенна и защищается государством. Собственник по своему усмотрению владеет, пользуется и распоряжается принадлежащим ему имуществом.

Законодательство Узбекистана не предусматривает единого кодифицированного акта, направленного на регулирование предпринимательской деятельности. Нормы, регулирующие различные аспекты этой сферы, содержатся в Гражданском кодексе, законах, постановлениях Президента и Кабинета Министров Узбекистана.

Возможность осуществления предпринимательской деятельности и ее основные гарантии закреплены в Конституции Республики Узбекистан. Основным конституционным положением Конституции, касающимся предпринимательской деятельности, является статья 65, которая устанавливает, что государство создает условия для развития рыночных отношений и добросовестной конкуренции, гарантирует свободу экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритетности прав потребителей.

В настоящее время основным нормативным правовым актом, направленным на правовую

защиту предпринимательской деятельности, является Закон Республики Узбекистан “О гарантиях свободы предпринимательской деятельности”. Этот закон определяет понятие предпринимательской деятельности, организационно-правовые формы ее осуществления, основы защиты прав субъектов предпринимательства и основы государственной поддержки предпринимательской деятельности.

Согласно этому закону, индивидуальное предпринимательство осуществляется индивидуальным предпринимателем самостоятельно, на основе имущества, принадлежащего ему на правах собственности, а также в силу иного имущественного права, допускающего владение и (или) пользование имуществом. Семейно-экономические потребности личности; Индивидуальное предпринимательство как форма ведения бизнеса имеет как преимущества, так и недостатки.

К недостаткам преимуществ индивидуального предпринимателя относятся: его ограниченность личными средствами и кредитами, полученными в банках, а также индивидуальный предприниматель не может быть специалистом по всем вопросам производства, снабжения, сбыта, управления, финансов, что часто приводит к ошибочным решениям.

– обязанность соблюдать специальные требования, установленные для отдельных видов предпринимательской деятельности (наличие определенного размера имущества, получение лицензий на определенный вид деятельности, обеспечение санитарной безопасности и т.п.);

Однако индивидуальное предпринимательство имеет и определенные преимущества, которые заключаются в минимальной регламентации деятельности, мобильности, материальной заинтересованности и т. д. В мировой практике такая форма бизнеса характерна для небольших магазинов и предприятий сферы услуг.

Предприниматель, обладающий достаточными ресурсами для создания дела, склонный

единолично контролировать процесс принятия решений, готовый нести полную материальную и юридическую ответственность за коммерческую деятельность, предпочтет стать индивидуальным предпринимателем, став единоличным владельцем компании. Все остальные формы предпринимательской деятельности являются коллективными.

Итак, в качестве инструмента наиболее общего разграничения хозяйствующих субъектов можно разделить их на коммерческие и некоммерческие. Далее коммерческие организации, в свою очередь, подразделяются на хозяйственные товарищества и общества, полные и ограниченные общества, общества с ограниченной и дополнительной ответственностью, акционерные общества и т. д.

Таким образом, существующее множество форм предпринимательской деятельности в Республике Узбекистан говорит о обширном регулировании охвата этой сферы.

На сегодняшний день наиболее распространенной формой предпринимательства в Узбекистане является индивидуальное предпринимательство. Так, по данным Агентства по статистике при Президенте Республики Узбекистан, только за 2022 год зарегистрировано 49765 новых малых предприятий. Индивидуальное предпринимательство — самый простой и древний вид предпринимательства, когда один собственник всеми силами владеет, решая вопрос, что, для кого и как производить; единолично распоряжается полученными доходами и несет неограниченную материальную ответственность за результаты своей деятельности.

В 2016-2018 гг. принят ряд системных мер, направленных на создание условий для ведения бизнеса, привлечения иностранных инвестиций для субъектов малого и частного предпринимательства, являющихся основой развития экономики Узбекистана. Так, в октябре 2016 года вышел Указ Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева “О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защиты частной собственности и качественному улучшению делового климата”, 1 февраля 2017 года принято Постановление Президента Республики Узбекистан “О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов оказания государственных услуг субъектам предпринимательства” оба этих документа направлены на создание еще более благоприятной деловой среды путем отмены всех видов внеплановых, встречных проверок и устранения барьеров. Особое внимание уделено принятию

действенных мер по обеспечению динамичной модернизации малых и частных предприятий и стимулированию их экспортной деятельности, что должно стать главным направлением экономического роста развития отраслей и регионов, обеспечения занятости населения, а также предусмотрены дополнительные меры по дальнейшему стимулированию участия субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в экспорте.

Важными мерами поддержки предпринимательства являются также следующие положения Указа:

- *освобождение от административной и уголовной ответственности, применения штрафных и финансовых санкций (кроме пени) субъекты предпринимательства и их работники, впервые совершившие правонарушения при осуществлении финансово-хозяйственной деятельности, в случае добровольного устранения в установленные законодательством сроки допущенных нарушений и возмещения причиненного материального ущерба, за исключением случаев причинения вреда жизни и здоровью человека;*
- *освобождение от административной и уголовной ответственности лица, впервые совершившие правонарушения, связанные с осуществлением незаконной предпринимательской деятельности, в случае добровольного возмещения причиненного ущерба, регистрации в качестве субъектов предпринимательства и оформления необходимых разрешительных документов в месячный срок со дня выявления правонарушения;*
- *освобождение от уплаты государственной пошлины субъекты предпринимательства при подаче заявлений о выдаче исполнительного листа на принудительное исполнение решений третейского суда;*
- *не применение в отношении субъектов предпринимательства уголовного наказания в виде лишения права на осуществление предпринимательской деятельности. 28 октября 2016 года принято постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-2646.*

Эффективность и результативность принимаемых мер по улучшению делового климата объективно отражаются в положительных оценках, ведущих международных финансовых организаций и рейтинговых агентств. В частности, в докладе Всемирного банка “Ве-

дение бизнеса 2018” Узбекистан вошел в первую десятку стран-реформаторов в мире по созданию наиболее благоприятных условий для предпринимательства.

Таким образом, можно сделать вывод, что в настоящее время в Узбекистане в целом сформирован благоприятный предпринимательский климат, регулируемый законодательно-нормативной базой и специально созданными институтами. Вместе с тем расширение масштабов воздействия процессов глобализации обуславливает необходимость создания условий для дальнейшего повышения конкурентоспособности отечественных производителей на внутреннем и внешнем товарных рынках.

Более подробно данный вид предпринимательства регулируется Законом Республики Узбекистан “О гарантиях свободы предпринимательской деятельности”. Согласно этому закону индивидуальное предпринимательство осуществляется индивидуальным предпринимателем самостоятельно, на основе имущества, принадлежащего ему на правах собственности, а также в силу иного имущественного права, допускающего владение и (или) пользование имуществом. семейно-экономические потребности личности).

Следующей достойной формой ведения бизнеса является акционерное общество. По состоянию на 1 февраля 2023 года в Узбекистане насчитывается 629 АО, из них 227 с государственным участием. Правовому регулированию деятельности акционерных обществ также посвящено немало законодательных актов. Как и в случае с ООО, нормы об АО содержатся в Гражданском кодексе, а также в Законе “Об акционерных обществах и защите прав акционеров”.

Следует отметить, что законодательство, регулирующее деятельность акционерного общества, находится в постоянном изменении и дополнении. Например, 18 января 2023 года принят Закон Республики Узбекистан “О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим совершенствованием системы корпоративного управления”, основным нововведением которого является включение независимого члена в состав Наблюдательного совета Общества.

В начале 2020 года вступила в силу новая редакция версии Закона РУ “Об инвестициях” 1998 года. Система обеспечения исполнения договоров не вызывает доверия у отечественных и иностранных предприятий. Запутанность правовой базы препятствует развитию местного бизнеса. Сложная и непоследова-

тельная налоговая политика по-прежнему представляет проблему для отечественных и иностранных компаний. В январе 2020 года был принят новый, более эффективный налоговый кодекс, но пока рано судить о том, решает ли он существовавшие ранее проблемы.

Зарубежное законодательство стремится к соблюдению баланса интересов кредиторов, акционеров, работников и публичных интересов. Законодательство развитых стран Запада обычно не требует проведения регистрации индивидуальных предпринимателей в целях осуществления своей деятельности. Это считается дополнительным ограничением экономической свободы помимо общих обязательств по уплате налогов и сообщения властям о месте своего проживания. Не случайно требование о регистрации отсутствует в отношении лиц свободных профессий (врачи, юристы, аудиторы, архитекторы). Такие лица обязаны получить право практиковать на территории государства только в случае успешной сдачи квалификационных экзаменов в профессиональной ассоциации. Именно знания и признание коллег (а не регистрация) являются гарантией защиты потребителей указанных услуг такого рода тенденции наблюдаются и в нашей стране.

Нормы права в сфере экономики имеют тенденцию к специализации по отраслям производства или видам деятельности. В результате отдельно рассматриваются и изучаются такие специальные правовые отрасли, как право компаний, конкурентное право, банковское право, энергетическое право, финансовое право, страховое право, право маркетинга, телекоммуникационное право и т. д.

Основными источниками права в развитых зарубежных странах являются правовые акты, прецеденты (значимые судебные решения) и правовые обычаи. Помимо законов, все большее значение в правовом обеспечении предпринимательской деятельности приобретают акты исполнительных органов власти, осуществляющих регулирование и контроль в различных сферах предпринимательства. Несмотря на то, что практически все конституции европейских государств допускают ограничение свобод граждан только на основе закона, ограничение свободы предпринимательства фактически происходит также на уровне актов исполнительных органов власти. Особое место в этом смысле занимает законодательство Европейского Союза. За исключением таких основополагающих актов, как Договор об учреждении Европейского сообщества (Римский договор) и некоторых других межгосударственных соглашений и конвенций,

основной массив нормативных актов создан исполнительными органами Сообщества — Европейским советом министров и Европейской комиссией. Совет издает регламенты, непосредственно применяемые на территории стран — членов ЕС, а Комиссия принимает директивы, призванные гармонизировать и сблизить законодательство стран — членов ЕС по тем или иным вопросам функционирования единого европейского рынка. Важно отметить, что указанные органы также часто издают рекомендации и разъяснения (communication) тех или иных положений, правовых институтов и терминов Договора об учреждении ЕС, что является образцовым примером официального толкования нормативного акта. Надо отметить, что правовые акты, носящие рекомендательный характер, получили большое распространение за рубежом.

Прецеденты в основном характерны для стран англо-американского права, но и в странах континентальной Европы роль судов (особенно высшей инстанции) по формированию права в значительной степени возрастает. Разрешение конкретного спора является прекрасной возможностью для суда в случае отсутствия или неясности смысла соответствующей правовой нормы определить ключевые принципы по регулированию тех или иных отношений, проверить возможность применения той или иной доктрины, более глубоко определить сущность взаимоотношений сторон спора. В международном сообществе принято следить за значимыми решениями верховных национальных судов других стран и использовать их в своей практике. Высоким авторитетом пользуются Верховный суд США и Конституционный суд Германии. Среди международных судов заслуженным авторитетом и уважением пользуется Суд справедливости Европейского Союза (European Court of Justice), сформировавший общие принципы права на основе защиты экономических свобод, а также ЕСПЧ в тех делах, где имеется вмешательство в право собственности частных лиц или возникают иные негативные экономические последствия принимаемых властями решений.

Правовые обычаи характерны в основном для сферы торговли применительно к определенной категории товаров (сахар, кофе, нефть), виду деятельности (стандарты страховой, рекламной деятельности) или для отдельных видов профессиональной деятельности (аудит, юридические услуги, банковские услуги). Для этих целей соответствующие профессиональные ассоциации издадут кодексы поведения и ответственности.

Следует также отметить документы международных организаций Комиссия ООН по праву международной торговли (ЮНСИТРАЛ), Международный институт по унификации частного права (УНИДРУА) и многосторонние конвенции, включая Конвенцию о защите прав инвестора 1997 г., Конвенцию ООН о международных переводных векселях и международных простых векселях 1988 г., Конвенцию УНИДРУА о международном финансовом лизинге 1988 г.

Малый и средний бизнес является основным сегментом рыночной системы ведения хозяйства. Он представляет собой значительную часть предпринимателей-собственников, которые играют одну из ключевых ролей в социально-экономической и политической жизни любой страны.

Мировая практика показывает, что в странах с постиндустриальным развитием экономической системы малое и среднее предпринимательство оказывает серьезное влияние на развитие народного хозяйства, решение социальных проблем, увеличение численности занятых работников.

По численности занятых, по объему производимых и реализуемых товаров, выполняемых работ и услуг субъекты малого и среднего предпринимательства в отдельных областях играют ведущую роль. Поэтому проблема государственной поддержки малых и средних предприятий в настоящее время является наиболее актуальной темой.

Из выше указанного можно сделать вывод о том, что в большинстве развитых стран мира для развития малого и среднего предпринимательства используются отдельные организации в полномочия, которых входит непосредственно развитие субъектов малого и среднего предпринимательства, также в их арсенале специальные инструменты поддержки.

Подход к развитию и стимулированию экономических инициатив должен быть основан на эффективном взаимодействии государственных, частных, финансовых, международных и некоммерческих институтов. Аккумуляция возможностей и инструментов позволяет успешнее продвигаться по повестке формирования благоприятных условий для прихода в бизнес все большего количества населения, обеспечить максимальный охват финансовой поддержки, развитие компетенций и навыков, создание соответствующей инфраструктуры.

Гульнора МАХМУДОВА,
председатель Ассоциации деловых
женщин Узбекистана.



Батыр САМАРХОДЖАЕВ,
д.ю.н., проф., зав.
кафедрой
“Административное право” Высшей школы судей при Высшем судебном совете Республики Узбекистан

ПРАКТИКА И ПРОБЛЕМЫ ПРИЗНАНИЯ И ПРИВЕДЕНИЯ В ИСПОЛНЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНЫХ МЕР



Артем МАНСУРОВ,
докторант
Высшей школы
судей
при Высшем
судейском
совете РУз

АННОТАЦИЯ:

В настоящей статье исследуются применение обеспечительных мер действующим узбекским процессуальным законодательством, раскрываются пробелы в законодательстве, не позволяющие признание и исполнение иностранных обеспечительных мер, анализируется правовое регулирование применения данного института зарубежными странами. Рассматриваются рекомендации и пути восполнения недостатков процессуального законодательства в области применения иностранных обеспечительных мер в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: *обеспечительные меры, иностранные обеспечительные меры, критерий юрисдикции, эффективная юрисдикция, признание и приведение в исполнение иностранных обеспечительных мер.*

Особенности применения иностранных обеспечительных мер

